



R 496
1970/6

КОНТРОЛЬНЫЙ ЭКЗЕМПЛАР



ГУЛИСТОН

8(42)1970



1. Катта фойеда дохий ҳайкали.

2. В. И. Ленин музейининг ташқи кўриниши.

3. В. И. Лениннинг Кремлдаги кабинетининг нусхаси.


4. Музей залларида.

5. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи сиретари Ш. Р. РАШИДОВ музейни очмоқда.

6. Музейнинг очилиш тантанаси.



ГБ УзССР
Ж



ЭНГ МУҚАДДАС, ЭНГ КЎРКАМ

Пойтахтимиз Тошкентнинг энг кўркам кошонаси, энг муқаддас зиёратгоҳи — В. И. Ленин музейи залларида бўлган томошабин ўзини ажойиб бир оламда ҳис этади. У қатор-қатор стендларни кўздан кечирав экан, бутун мамлакат, республикаси босиб ўтган шонли йўлни, ўлкаси, шаҳри ҳаётини, ўз бахтиёр турмушини ёп-ёруқ кўзгуда кўргандек бўлади.

Асрнинг буюк фарзанди, донишманд отаси, умумбашар севикили Владимир Ильич Ленин бутун ҳаёти ва фаолиятини ҳамма халқларни ҳар қандай асоратдан абадий қутқаришга, ҳар бир миллат ва элатни, ҳар бир меҳнаткаш инсонни мангу саодат гулшанига элтишга бағишлади.

Музей экспонатлари шулардан ҳикоя қилади.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитетининг
журнали

№ 6 (42). 1970

Июнь

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти.

1925 йилдан
чиқа бошлаган

Л. И. БРЕЖНЕВ:

ҚАДРЛИ ЎРТОҚЛАР!
КПСС МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИНИНГ
СИЁСИЙ БЮРОСИ
ҚАРОРИГА БИНОАН
АЛЕКСЕЙ НИКОЛАЕВИЧ
КОСИГИН БИЛАН
ТОШКЕНТГА КЕЛДИК.
ИККИ КУНДАН БЕРИ
СИЗНИНГ
ОРАНГИЗДАМИЗ. БИЗ
ЗИЛЗИЛА
ОҚИБАТЛАРИНИ
ТУГАТИШ, ЗАРАР
ҚУРГАНЛАРГА ЁРДАМ
БЕРИШ ВА КЕЛГУСИДА
ЎЗБЕКИСТОН
ПОЙТАХТИНИ ҚАЙТА
ҚУРИШ МАСАЛАЛАРИНИ
СИЗ БИЛАН
БИРГАЛИКДА ҚУРИБ
ЧИҚИШ УЧУН КЕЛДИК...
ИТТИФОҚЧИ
РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ
БАРЧАСИ ВА
МАМЛАКАТИМИЗ
ОБЛАСТЛАРИ
ТОШКЕНТГА МАДАД
БЕРАЖАҚЛАРИНИ
АЛЛАҚАЧОН МАЪЛУМ
ҚИЛГАНЛИКЛАРИНИ
БИЛАСИЗ. АНА ШУ
ЁРДАМГА ИНТИЛИШ
ИЎЛИДА СОВЕТ
КИШИЛАРИ
УЮШАДИЛАР.
ИШОНЧИМИЗ КОМИЛКИ,
МОСКВА, ЛЕНИНГРАД,
РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ,
УКРАИНА, БЕЛОРУССИЯ,
ҲАММА ҚУШНИЛАРИНГИЗ,
ҲАММА РЕСПУБЛИКАЛАР
ЎЗ СИММАЛАРИГА
АЛОҲИДА
УЙЛАРИНИГИНА ЭМАС,
ҲАТТО БУТУН-БУТУН
КВАРТАЛЛАР ҚУРИШНИ
ҲАМ ОЛАДИЛАР.
БИЗ УЙЛАНИМИЗҚИ,
УЛАРНИНГ КЎМАГИ,
ҲУКУМАТНИНГ ЁРДАМИ
АСОСИЙ ВА ҲАЛ
ҚИЛУВЧИ ОМИЛ БЎЛАДИ,
ФАҚАТ ВАЙРОН БЎЛГАН
ТУРАР ЖОЙЛАРНИ
ТИКЛАБГИНА ҚОЛМАЙ,
БАЛКИ ШАҲАР
ҚИЁФАСИНИ
ЎЗГАРТИРИБ
ЮБОРИШГА ИМКОН
БЕРАДИ.

Тошкент
1966 йил 28 апрель

АЗАМАТ ВОҲА

Э. Т. ШАИХОВ,

Меҳнатнашлар депутатлари
Тошкент область Совети
ижроия комитетининг раиси

Бепоев Ватанимизнинг ҳамма халқлари, бутун социалистик ҳамдўстлик эллари, жаҳондаги жамики дўстларимиз Владимир Ильич Ленин юбилейини зўр ҳис-ҳаяжон билан ёрқин нишонлади. Ўша қутлуғ айёмнинг қайноқ нафаси қалбларини ҳамон илтиб турибди. Лениннинг улуг иши мангу барҳайт бўлганидек, бу таф-ҳарорат ҳам абадийдир. Пойтахт областимизнинг бугунги қамоли ҳам Ленин ғояларининг сон-саноқсиз ажойиб ғалабаларидан бирidir.

Ленин асрининг биринчи йили. Ҳозирги Ўзбекистон, жумладан Тошкент области ва шаҳри Россияга эндигина қўшиб олинган, меҳнаткаш халқ бошида яна бир зулм қамчиси — мустамлакачилик қамчиси ўйнаб бошлаган пайт. Лекин тарихнинг хайрли одимини қарангки, қўша зулм исканжа-сида қолган жарфокаш халқ тақдирини озод-лик курашига отланган, Лениндек инсон ва Коммунистик партия тузилган буюк Россия тақдирини билан абадий туташган эди.

Шу тақдир муштараклиги туфайли чор салтанатининг чекка ўлкаси — Ўзбекистон-да ҳам эрклик ғоялари замин топди, революцион кучлар уюшди. Ўлкадаги биринчи марксистик тўғараклар, большевикларнинг дастлабки ячейкалари, революцион ишчи ва солдат отрядлари бошлаб шу шаҳар ва шу воҳа тупроғида вужудга келганидан, Тошкент пролетариати солиб Октябрь революцияси жангчиларининг олдинги сафи-да борганидан тошкентликлар бениҳоя фахрландилар.

Ийғирманчи асрининг ййғирманчи йили. Бутун мамлакатда бўлгани сингари, Ўзбекистон, жумладан Тошкент воҳасида за-фар қозонган Октябрнинг дастлабки са-мараси — тубли ижтимоий ўзгаришлар со-дир бўлаётган пайт. Республикадаги на-вқирон ишчилар синфининг асосий отряди тўпланган, аҳолининг катта қисми яшаган, саноат корхоналарининг энг кўпи ва йири-ги жойлашган бу воҳа революциянинг ич-ки ва ташқи душманларини қақшатишда, Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда зўр таъинт бўлди.

Ленин туғилганига юз йил тўлган ет-мишинчи йил. Иттифок статистика бош-қармасининг дохйй юбилейи арафасида

эълон қилган маълумотларига қараганда, Тошкент области ва шаҳрида Ўзбекистон аҳолисининг тўртдан бири яшаб турибди. Областимиз аҳоли сони жиҳатидан (Тош-кент шаҳрини қўшмаганда ҳам) респу-блика областлари орасида ҳамон биринчи ўринда экан. Эндилликда ҳамма шаҳар ва қишлоқлари, область ва районлари гул-лаб-яшнаган Ўзбекистонимизнинг пойтахт шаҳри ва области ишчилари бурунги тра-дицияларини ҳамон давом эттириб, рес-публикамиз ишчилар синфи шонли ишла-рининг байроқдори, саноат ишлаб чиқари-ши, техника прогрессининг пешқадами бўл-моқда.

Ҳозир Тошкент области ва шаҳрида иш-лаб турган саноат тармоқлари ва тайёрла-наётган саноат маҳсулотини ҳажмин ва хи-лини унинг революция арафасидаги аҳоли ва даражасига солиштириб ўтиришнинг ҳо-жати бормикин! Шунинг айтиш кифояки, бутун Ўзбекистонда ярим аср илгари иш-лаган ҳамма ишчилар Чирчиқ электрохи-мия комбинати баъзи цехларига жо бў-либ кетади. Тошкент машинасозлари, Бек-обод металлургиялари, Олмалиқ мисгарлари, Охангарон кўмирчилари, Чирчиқ кимёгар-лари, ТошГРЭС ва Бўзсув энергетиклари яратаётган мўл-кўл моддий неъматлар бу-тун совет халқи бунёд этаётган коммунизм моддий-техника хазинасига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Областимиз индустрия-си эндиликда қандай поғонага қўтарилгани-ни шундан билса бўладикки, шу йилнинг биринчи кварталлидагина буюртмачи ва ха-ридорларга пландагидан ташқари ўнлаб миллион сўмлик саноат маҳсулотини ет-казиб берилди. -В. И. Ленин юз йиллиги муносабати билан юбилей ёрлиқлари ва ёдгорлик медаллари билан тақдирланган илгор коллективлар сафида областимиз-нинг ўнлаб саноат корхоналари номини кўриш мумкин.

Бу тақдирнома ва медалларга қўпгина колхозчи деҳқонларимизнинг ҳам муяссар бўлганлиги бежиз эмас. Область пахтакор-лари 1966—69 йилларда илгариги тўрт йилдагидан 11 минг тонна зиёда, яъни 1 миллион 346 минг тонна пахта тайёрлади-лар. Бу — пландан ташқари 58 минг тон-на «оқ олтин» демакдир.

Кўпгина хўжаликлар пахта етиштиришда ва унинг ҳосилдорлигини оширишда, шунингдек пахтачиликни, айниқса, йнғим-теримни машиналаштиришда қувончли натижаларга эришдилар. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқлари ҳам муваффақиятли ривожланмоқда. Беш йиллиқнинг тўрт йилида шундан аввалги тўрт йилдагига нисбатан ғалла етиштириш 46 минг тонна, шу жумладан шол 27 минг тонна, сабзавот етиштириш 250 минг тонна, каноп — 126 минг тонна, гўшт — 22 минг тонна кўпайди. Қорамол, парранда сонини кўпайтиришда ҳам катта ютуқларга эришилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ўсди. Ўтган йили область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ғалла тайёрлаш планини, каноп, сабзавот, қовун-тарвуз, картошка, гўшт, тухум, жун тайёрлаш планларини муддатидан илгари бажардилар. Колхоз ва совхозларнинг экономикаси мустаҳкамланди, даромадлари кўпайди, колхозларнинг асосий фондлари ошди.

Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ III съездида ва партия Марказий Комитетининг декабрь Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев олдимизда турган вазифаларни бирма-бир айтиб ўтди, эришилган натижаларга тўғри баҳо бериш, камчиликларни большевикларга хос принципиаллик билан очиб ташлаш, бу камчиликларни йўқотиш йўллари ва воситаларини топиш зарурлигини кўрсатиб берди. Область партия ташкилоти, бутун давлат ва жамоат ташкилотлари шу руҳда иш тутиб, қишлоқ хўжалигини, аввало пахтачиликни тагин ҳам ривожлантириш тадбирларини кўрмоқдалар, амалга оширмоқдалар.

Жамоат ишлаб чиқариши юксалгани сари воҳа меҳнат аҳлининг моддий ва маънавий ҳаёти ўсиб, бойиб бормоқда. Области-мизнинг ўзида ишлаб турган 18 олий ва 42 махсус ўрта ўқув юрларида, Иттифоқ ва республика институтларининг филиалларида 150 мингга яқин студент ўқимоқда. 30 мингдан ортиқ ўқитувчи 1300 мактабда 650 минг ўғил-қизга фан асослари ва коммунистик ахлоқ принципларидан таълим бermoқда. Революциядан илгари уч-тўрт процентина аҳолиси ёзиш-ўқишни билган Тошкент область ва шаҳрини эндиликда ялпи саводхонлар ўлкаси дейишнинг ўзи камлик қилади. Ўрта ва олий маълумотли-лар, институтлар ва илмий муассасалар ўлкаси дейилса ярашади.

Областда маданий-оқартув муассасалари тармоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳозир 500 га яқин клуб, маданият уйи ва саройи, қарийб 5 миллион китоби 635 кутубхона ишлаб турибди. 365 лекторий, 84 халқ университети аҳоли хизматида. Биргина ўтган йили областда давлат кинотеатрлари тармоғида 13 миллион томошабин фильмлар томоша қилди.


Республика пойтахти, областимиз маркази — жонажон Тошкентимизнинг қардошларимиз кўмағида яратилган ҳозирги киёфаси, Тошкент қаноти остида туғилиб улғайган Чирчиқ, Олмалик, Бекобод, Янгийўл, Сергели каби шаҳар ва шаҳарчаларнинг бугунги жамоли халқимизнинг тўқ ва маданий турмушидан далолат бериб турибди.

Тошкент — дўстлик шаҳри, тинчлик шаҳри, меҳмондўст шаҳар деб ном чиқарган. У муҳим халқаро форумлар, фанний симпозиумлар, кинофестиваль ва санъат байрамлари шаҳридир. Улуғ Октябрь кўшидан нур эмиб улғайган, социалистик одил тузум яратиб берган битмас-туғамас имкониятлардан мадад олиб, фидокорона меҳнати билан барча совет кишилари сафида коммунизм кураётган тошкентликлар эртанги кунлари бугундан ҳам порлоқ эканига аминдирлар. Истиқболимиз Ленин даҳоси нуридан, Коммунистик партиянинг улуғ режаларидан равшан ва яна ҳам фаровон.




СССР Олий Совети Президиумининг 1969 йил 10 июль фармонида мувофиқ Тошкент шаҳрини қуриш ва тиклашда ўрнатилган ишчилар, қурилиш ва монтаж муассасаларининг хизматчиларидан 7 киши Ленин ордени, 79 киши «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени, 126 киши «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланди.

Дўстлик монументи.



И. ГЛАУБЕРЗОН ва В. СИРОТКИН фотоси.



Янги Тошкентни барпо этишда Ватанимиздаги барча қардошларимиз иштирок этишди.

SOBUT OFA



Қозғоғистон халқ ёзувчиси Собит МУҚОНОВ

Ўзбек китобхони бу номни севиб тилга олади. Атоқли қозоқ адиби Собит Муқоновнинг «Ҳаёт мактаби», «Бўтақўз», «Сирдарё» каби романлари бизнинг тоқчаларимизда кўпдан бери мўътабар жой олган. Собит оға 1918 йилдан бери ижод қилади, унинг адабий мулки жуда бой. Қозоқ халқининг революцион онги ўсишини, унинг синфий кураши ва ғалабаларини у аввал шеър ва поэмаларида («Батрак ўғли», «Етим», «Олатов дараси» ва бошқаларда) куйлади. Иигирманчи йиллар охирида прозаик асарлар ёза бошлади. Юқорида айтилган романлардан ташқари, қозоқ китобхонлари орасида унинг «Адашганлар», «Темиртош», «Болуончўлоқ», «Чўл тўлқинлари» сингари насрий асарлари ҳам машҳурдир.

Ижоди камолга етганда Собит оға драматургия соҳасида ниллай бошлади. Унинг либреттоларига бир неча опера ёзилди. Чўқон Валихонов ҳақидаги драмаси Қозғоғистон театр сахналарида кўп йиллардан бери қўйилади.

Бой тажрибали адиб сифатида Со-

бит оға адабиётшунослик фанига ҳам катта ҳисса қўшди. Унинг Абай, Жамбул, Сакен Сейфуллин ҳақидаги монографиялари катта илмий қимматга эга.

Шарқда сўғет адабиётининг атоқли оқсоқолларидан бири бўлган Собит Муқонов ҳозирги қозоқ ёзувчилари учунгина эмас, ўзбек адабиётининг бир неча авлоди учун ҳам меҳрибон ва талабчан устоз ҳисобланади. Ўзбек ёзувчиларининг энг яқин дўсти, Ҳамза билан мулоқотда бўлган, Ғафур Ғулом ва Ойбек билан оғанидек бирга ишлашган, Тошкентни ўз уйдик билувчи, ўзбек адабиёти намуналарини батафсил ўқиб турадиган қадрдон оғамиздир.

Асримизнинг қоқ бошида Қустанайда туғилган подачи батрак ўғли бугун атоқли коммунист адиб, академик ва депутат. Собит оғанинг 70 йиллик байрами Ўрта Осиё халқлари социалистик маданиятининг байрамидир. Бу қувончли кунда оғамизга гул тутамиз, қалбимиз меҳрини, энг яхши тилакларимизни изҳор этамиз.

УИҒУН,

Ўзбекистон халқ шоири

Ғафур ҒУЛОМ,

Ўзбекистон халқ шоири

ТОШКЕНТ

Уфнинг этагида майин қизиллин ўйнар,
Сўнги кўлиниш билан зухро ҳам термулади.
Тарновда ўсимр чўмчуқ қанотини тузатар,
Кампир ҳовли саҳнида ивирсилаб юради.

Майсаларнинг сочига
Қиров кўниб қолибдир,
Булоқнинг ҳоври кетиб,
Лаби тўнғиб қолибдир.

Расо бир соат бўлди Хадрадан йўлни бошлаб
Муёлишдан трамвай гийқиллаб ўтганига,
Осмондаги тўли ой шафақ аро ёнбошлаб,
Койнот минбаридан юмалаб кетганига.

Унирар Текстлининг
Мағрур вазмин гудог.
Узоқ-узоқдан келар
Бўзсувнинг гулдираги.

Кўнда қора карвондек аста жилиб бормоқда
Н-чи заводларнинг мазутланган дудлари,
Нон комбинат печидан буғланиб тарқалмоқда
Тўйинчили йилларнинг иштаҳали ҳидлари.

Юз тонали ханфада
Ҳамирлар гупуради,
Райпишторгнинг қизлари
Дўконин супуради.

Аэродром майдонин чулғаган кумуш туман
Қиймаланиб ўтади қатор пропеллердан.
Унлаб оғир самолёт шарку ғарб, шимол томон
Азму салобат билан ердан кўтариларкан.

Олис йўллар шунқори,
Ошналарга салом айт,
Масновданми, Урганч-у,
Кавказданми, омон қайт.

Ўзбек трассасида манглайи тонгин ёриб,
Пахтачи машиналар қатор кетар гувуллаб,
Пунктнинг хирмонлари қорли тоғдай оқариб
Унгу сўлда қолади бири-бирисин кувлаб.

Шаҳарли кўманчилар
Терим учун йўл олар,
Манзилгача нузатар
Курнидан билан Салор.

ТАРИХИЙ АЙТИСУВ

Собит МУҚОНОВ

Қозғоғистон ССР Олий Советининг
1956 йил 21 январдаги
сессиясида сўзлаган нутқи

Бўстонлиқ ўзининг гўзаллиги ва имкониятлари билан Совет Иттифоқидаги энг яхши районлардан биридир. Бу жихатдан биз ўз қизини севишли куёвига узатаётган палладаги ҳис ва туйғулар билан яшамоқдамиз. Лекин Бўстонлиқ ҳозирги вазиятда қиз эмас, кучга тўлиб турган йигитдир. Истардимки, ўзбек халқи Мирзачўлнинг территориясидан бир қисмини — сепсиз қизимизни ҳам ҳалол меҳнат туфайли гулга буркаса, бу билан Партия ва Ҳукуматимизнинг энг муҳим вазифаларини амалга оширган бўлур эди.

Қозоқ халқи ўз оғаси ўзбекка
Ер топтириб, қалбдан салом йўллайди.
Янги роман ёзиш учун Ойбекка
Адиб дўсти соғ-сиҳатлик тилайди.

Вонзалда соат учдир, Москвача интизом,
Терлаб-пишиб, ҳансираб, тўхтади паровоз ҳам,
Тез тушишга шошади йўловчилар, беором:
Омон-эсон етдингиз, тўрт кўв тугал, хотирнам.

Бағри кенг ота шаҳар,
Қўноқларга чиқ пешвоз,
Салом бер, қўлга сув қуй.
Йўлнинг ҳордугини ёз.

Кўчанинг у юзида Мутахассислар уйи.
Шу бир жуфт деразада инженер Попов яшар.
Не учундир ўлмади чароғи туни бўйи,
Балки ижод уйқунинг фурсатини талашар.

Рубобий пардаларнинг
Оҳангида тонг отар,
Ҳойнаҳой бир янги куй
Яратди композитор.

Қўёндай ҳуркан бедор дояларнинг уйқуси.
Юракда доим зовта, ташвишли, аммо кўрнам
Тонгнинг мушфиқ қўйнида чақалоқнинг йиғиси,
Қуёш билан баробар кўз очди янги одам:

Тинмағур шаҳримизнинг
Субҳида шунча овоз,
Ҳатто туғруқхона
Бу овозга қўшди соз.

Кўчада қий-чув кўпди, нима гап?— деб қарадим,
Олмоснинг сиёҳини тўккан эмиш Хадича.
Мантабга нетар эди боллар туркум-туркум,
Соат ҳам санкиз ярим, қаранг-а, ҳа дегунча.

Тонг смена алмашиб,
Офтоб ҳам найза бўйи,
Ана энди бошланар
Кундузги меҳнат тўйи.

Бир умрлик севгининг майда жузъидир бўса,
Бир бўсайи субҳнинг қадридек кичик бу шеър.
Сени мақтамоқ учун умрим тонготар бўлса,
Субҳи дамдек тотди жонимга, сучук бу шеър.

Туғанмас хазинамни,
Тинмай қозганим бўлсин,
Шеър ёзганим бўлсин.
Шеър ёзганим бўлсин.

Бебаҳо Тошнентимсан, наҳоринг кундуздан шан,
Меҳнаткаш, мунис, ўртоқ, қадрдон дўст, емақдош.
Қиши — ёз, кузи — баҳор, туни — кунидан равшан,
Лондон, Париж, Румога алишмайман кўнча Шош.

Муқаддас Ватанимнинг
Кўрни, тожи, бахтисен,
Шарқда ёруғ дарица,
Ўзбек пойтахтисен.

12 ноябрь, 1946 йил

Бу ерларда яралсин боғу бўстон.
Мўл оқ олтин ҳосили берсин илҳом,
Жўш уриб ижод этсин гўзал дoston
Чин ўртоғим, қаламкаш Гафур Ғулом.

Қардош халқлар ҳурмат-ла яшар мангу,
Пахтага қон кенг дала яшнар гулгун,
Бу ҳақда яхши пьеса — бизнинг орузу,
Буни тезроқ қаламга олсин Уйғун.

Айтиб қолай келганда, тапнинг кези,
Хурсандлигим қалбимга сикмас, аён.
Ўзимнинг ҳам, халқимнинг ҳам чин сўзи:
Туғишганим ўзбек эли, бўл омон.

Гафур ҒУЛОМ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг
1956 йил 24 январдаги
сессиясида сўзлаган нутқи

... Қариндошим, қаламдошим, туғишганим, тенгдо-
шим Собит деган қозоқ халқ оқинини Ўзбек элида
танимайдиган киши йўқ. «Қўй келади қўзи билан, бир-
бирининг изи билан» деганларидай, ота Жамбулдан
сўнг из босган бизнинг Собит Муқомимиз қозоқ халқи-
нинг янги ҳаётини қуйламоқда. Мен у билан бир қир-



Ленин мунофотининг лауреати Гафур ҒУЛОМ.

Г. ГРАФКИН фотоси

да от қувишиб, бир гурунгда жирлашиб, бир ўтовда
қимиз шопирган ўзбек оқиниман.

Дўстим Собит Қозоғистон республикаси Олий Со-
ветининг кечаги сессиясида «Ўзбекларга Мирзачўлни
сепсиз қиз қилиб узатаётимиз, ўзбек бу қизни гуллар
билан безатар» деган экан. Бу билан Собит мени ай-
тисувга чақиргани чиқар. Қуёвларга хос таъзим билан
айтадиган сўзим шу:

Ўзбеклар ўргулади унинг кўз қароғидан,
Олтин жига тақамиз Фарҳод ГЭС чароғидан.
Кумуш камар боғлаймиз Сирдарё каналидан,
Чўл гулистон бўлади бу келин жамолидан.
Тиллақоши ўрнига лолалардан гулчамбар,
Ям-яшил пахтазорлар унга безак бўлади.
Янги обод қишлоқлар уй-жойи бўлса агар,
Қалб тўла меҳримизни сени десак бўлади.
Бўстонлиқ районини етук бир йиғит депсан,
Мен уни ичкўёв деб қабул қилганим бўлсин.
Бизнинг орузумиз шўлки, келажак чаманлари
Бизга набира бўлган янги авлодга тўлсин.
Халқимизнинг чинакам Бўстон шифохонаси
Бўстонлиқ ўз исмини умрлар оқлай олур.
Яшил арчазорларни, нижудай бўлоқларни,
Бахмалдай ўтлоқларни ўзбек ардоқлай олур.
Бахтли ўзбек халқининг шу олий минбаридан
Мен ташаккур айтаман кўкларга етиб бошим,
Халқимизнинг қадимий, эзгу одати билан
Белингдан қучиб қўй, кел, ҳурматли қардошим!



Боқзал майдонида Тошкент комиссарларига «агорлик».

А. АБАЛАН фотоси.



ТОШКЕНТ ИШЧИСИ

I

Радиодан ўттиничи йилларнинг қўшиғи янграмоқда. Бу қўшиқ илгарилари ҳам кўп берилган. Ҳикмат ота уни доим роҳат қилиб эшитишди. Овоз музика билан уйғулашиб, шундай сеҳрли жарангларики, кишини аллалаб, дилларга оҳиста оқарди.

Қўшиқ тугади. Ота ҳамон қўшиқ уйғотган туйгуларга чўмиб ўтирарди. Гўё ўзи ҳам куйга айлангандек, бошини тебратиб яна анча ўтирди.

Кексаларнинг гоҳо суҳбатдошларини унутиб, ўз хаёлларига чўмиб кетишини кўп кўрганман.

Ҳикмат ота сукут сақлаб, тарашланган ёқимтой мўйловини силаб қўйди-да:

— Ишчи авлодингиз ҳақида гапириб беринг, дейсизми? Ойламиз уч авлоддан буён ишчи номини улуглаб келяпти,— деди, сўнг чой узатиб сўзида давом этди:— дадамиз инқилобдан аввал уста бинокор эдилар. Темир йўл қурилишларида ишлаганларини айтиб берардилар. Шайхантовурда кишини қулбамиз бўларди. Ўжабирдай жон ҳадеб нобуд бўлавергандан менга бахтли бўлсин ниятида «Ҳикмат» деб ном қўйишган экан.

Ота сўзларди. Давр манзаралари кўз олдидан лип-лип ўтарди.

...Уруш йиллари. Бутун ишчи инсон оёққа қалққан пайт. «Хар бир мурвати-миш душман кўнсага қадалсин!» деб, куну тун қора терга ботиб ишлашарди. Ўшанда ҳозирги Октябрь революцияси номидagi тепловоз-вагон ремонт заводига Днепрпетровск ва Ростов заводлари кўчириб келтирилганди. Ҳикмат Давлат гербимиз солинган, «Душманга ўлим!», «Биз ғалаба

қиламиз!» сингари нидолар ёзилган бронепоезд ва ишчиларнинг ҳамкасблари билан фронтга пайдар-пай жўнатиб турарди.

Ҳикмат отанинг ҳақиқий тарихиман ҳоли 1929 йилдан бошланади. Ўшанда Тошкент темир йўлининг қурилиш бўлимига ишга кирган, слесарлик қила бошлаган эди. Лекин ўша вақтда бутун авлоди ишчилар сулоласи бўлишини хаёлига келтирганмиди?

II

Сўз беихтиёр Қумрига келиб тўхтади. Ҳа, қўхликкина, қуралай кўзли қиз Хурсанд опани ташвишга солмасди. Ҳар қиз ўз бахти билан туғилади. Уни бошқа нарса, қизини бирон хўнар эгаси қилиш хаёли банд этганди. Хурсанд опа узоқ ўйлаб ўтирмай уни ўзи ишлаётган паровоз-вагон ремонт заводига бошлаб келди. Шунда опани ажиб ҳис чулбаб олганди... У 1928 йили заводга паранжисини ташлаб келган биринчи ўзбек аёли эди! Рус устозлари Анатолий Крючков билан Фёдор Попов ёрдамида пармаловчилик хўнарини эгаллаб олди. Ишчилар унга уй қуришда ёрдам беришди. Энди Хурсанд Мирсодиқова қизини шу даргоҳга бошлаб келди.

Қумрини бахт етаклаб келган экан. Иккинчи механика цехида уч ойдаёқ станокда мустақил ишлаш бошлади.

Не бахти, Ҳикмат билан Қумрининг тақдирини шу корхонада туташди. Ҳикмат ота ва Қумри ҳолалар ўша оловли дамларни эслашганда юзлари ёшлардай гулгун балқиб кетади.

Ота-онанининг ёшлиғи, илк севиначлари кечган корхонага тўнгич ўғил Асатилла ҳам қадам қўйди. У 1958 йили Тошкент темир йўлининг иккинчи вагон депосида ишлаб юриб, ўрта мактабни битирди. Ота-сига маслаҳат солган эди, уни тепловоз цехига бошлаб келди. Асатилла дурустгина слесарь бўлиб қолди.

Бу орада Назрулланнинг ҳам қўлидан иш келиб қолган эди. Ҳикмат ота билан заводга кирган кундан бери бирга ишлаб келган дўсти Николай Нестеренко уларни кўриб, табассумни тиймади:

— Бутун оилангни заводга тортасан шекилли?

...Назрулла тез орада устози Александр Корчагин кўмагида «ДИП-200» станогига ишлашни ўрганиб олди. Кечаги шогирд

Ҳар қачон, ҳар қайда дейилса Тошкент, Дегайсан ёзларга ёзлар туташган. Ҳа, «Тошкент» дейилса эсга келар ёз... Ҳа, «Тошкент» дейилса қуёш эсда шай. Қуёшки, умрзоқ авлодга дамсоз, Бу ерда ҳамма дер:— Қуёшча яшай!!! Дўстим, бўлганмисан буида ёз фасли? Йўқ эрса ёзларни кўрмабсан асли! Чирчиқ увасига қўнган шаҳарда, Қуёш хизматиши бошлаб саҳарда Меҳнатга бел боғлар одамдан бурун, Олтин жомакорин ечар кечқурун. Шу улуг ишчининг олишлай дейман, Шайнига қўшиқни бағишлай дейман. Умрида ким келса бир бор бу ерга Қалбига экади Тошкентнинг меҳрин, Шу учун Тошкент ҳам қуёшли муҳриг Босар паспортларга, хотираларга. Дейдилар: Тошкентда сув ичган чумчуқ Қайтиб келар экан Маккатуллодан, Юзи ҳам, сўзи ҳам, кўзи ҳам очиқ, Табаррук тупроғи зару тиллодан.

Назрулланнинг қўлида ҳозиргача Йигирмага яқин йигит-қиз шу хўнарни эгаллади.

III

Бир куни Ҳикмат ота олдига бир неча тахта кўтариб ювощ йигит келди.

- Қаерликсиз, ўғлим?
- Самарқанддан,— деди синиқ оҳангда.
- Чол-кампир борми?
- Йўқ.

Ота уни уйига бошлаб келди. Ойла уни ўз фарзандидай қарши олди. Ишчи Абдуллаевлар оиласига Абдужаббор Саломхидинов ҳам ирмоқ бўлиб қўшилди. Ҳикмат отанинг бундай хайрли ишлари кўп. Очиқ Мирзаев, Темир Муродов, Абдуқодир, жиянлари Миршояр, Мирҳосил, Раҳимберди ҳам шу завод тузини тоғитган.

Ҳикмат ота Абдуллаевнинг устозлария шогирдлари улкан корхонанинг ярмини тутган. Бу ишчи хонадонидан шу корхонада ишлаётганларнинг меҳнат саҳни жам бўлса, сал кам икки асрга тенгшлашди!

Партия ва ҳукуматимиз бу ишчи оилани ҳалол меҳнатига яраша тақдирламоқда. Ота кўсини «Социалистик мусобақа аълочиси» нишони беэаб тўрибди. Бир неча фахрий ёрлиқлар ҳам унинг меҳнатига берилган муносиб баҳодир. Сўнгги йилларда Руминия, Одесса, Ригада бепул пўтёвка билан дам олди ота, сулола кенжаси Назрулла завод пўтёвкиси билан Германия Демократик Республикасида бўлди.

Ҳар йили 2 февралда Ҳикмат ота ва Қумри ҳоланинг тотли турмуш қўганини нишонлаш расм бўлиб қолган. Бултур айниқса завқли нишонланди. Турмуш қўришганига 35 йил тўлган эди. Заводдаги дўсти Николай Нестеренко рафиқаси Клавдия Михайловна билан, касбини биринчи бўлиб ўргатган устози Латифхўжа Акрамхўжаев ва Михаил Харитонов ҳам келишганди...

Йигирмага яқин невара қўришган Ҳикмат ота ва Қумри ҳола эндиликда пенсияда. Улар ишчи ўғил-қизлари, келин-куёвларининг намолига мамнун боқишади.

...Суҳбатимиз тугади. Отанинг маъноли қўзлари ёруғ деразадан узоқларга боқди. Кечки қуёш нури, эндигина япроқ отган дов-даррахт баҳордан сўзлар, ота дилида ҳам баҳор, ҳақиқий баҳор эди.

Ҳамид ИКРОМОВ

Корхона ҳовлисига киришингиз билан ёнма-ён турган қояларден юксак корпуслар кўзга ташланади. Уларнинг атрофидаги гул-гул дов-дарахтлар, атир ҳидли гулзорлар ажойиб манзара яратди.

Металлургия цехида қайноқ иш устидан чиқди. Агрегатлар юраги бир меъёрда депсинади. Саф тортиб турган технологик линияларда сузайтган вольфрам пишиб, тобора ингичка тартади. Иккинчи линияда пичоқ дамиден юпқа молибден лентаси ўнлаб агрегатлардан ўтиб ғалтанларга ўралмоқда. Механизмларни бошқарётганларнинг ансарияти аёллар. Улар мураккаб операцияларни шундай эпчил бошқаришадими, ҳайратда қоласиз. Улар ишлаб чиқараётган симларнинг айримларини оддий кўз билан кўриб бўлмайди. Соч толасидан ҳам ингичка. Бу металлургия аёлларни қилни қирқна ёради деб айтишларининг боиси ҳам шунда экан.

Бу ажойиб корхона Чирчиқ ёқасида. Унинг маҳсулоти халқ хўжалигининг ўнлаб тармоқларида ишлатилади. Корхонанинг икки мингдан ортиқ мижози бор. Унинг марнаси босилган қаттиқ қотишмалар ва иссиқда чидамли металл кон-матдан, нўмир, нефть, авиация, машинасозлик, электрон саноати ва бошқа тармоқларда фойдаланилади. Монголия, Руминия, Венгрия, Корея Халқ-Демократик Республикаси, Чехославия, Югославия сингари социалистик мамлакатлар бу корхонадан ҳар йили кўплаб маҳсулот олишмоқда. Бир вақтлар кетмон, ҳатто игнани ҳам четдан келтирган Ўзбекистоннинг бу маҳсулотлари

ҚИЛНИ ҚИРҚҚА ЁРИБ

Англия, ГФР, Япония сингари ривожланган капиталистик давлатларга ҳам етказиб берилмоқда...

Коллективнинг меҳнати ва юксалиш суръатларини тасаввур қилиш учун рақамларга мурожаат этайлик. Одатда рақамларни зерикарли бўлади дейишди, аммо улар тилга киритилса, мағзи чақилса маъноли эканлигини кўрамиз. Сўнгги беш йилликнинггина олиб кўрайлик. Бу йиллар давомида маҳсулот тайёрлаш бир ярим баравар кўпайди, бунга асосан меҳнат унумдорлигини ошириш заъзига эришилди. Шу давр ичида, механизациялаш ҳисобига ишчи-хизматчилар сони эса 9 процент камайди. Бу йилларда пландагидан ташқари 6 миллион 424 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 1 миллион 482 минг сўмлик қўшимча фойда олинди.

Шундай ютуқларнинг кўлга киритилишида планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтиш натта омил бўлди. Янги тартиб жорий қилинган, ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг меҳнатга муносабати тубдан ўзгарди, иш натижасидан моддий манфаатдорлик ортди, меҳнат итизоми мустаҳкамланди, иш унуми ортди. Бу эса ҳар йили рағбатлантириш фондида кўплаб маблаг ажратиш имконини бермоқда.

Фақатгина 1969 йилда бу фондлар 1965 йилдагига қараганда 4,5 баравар кўпайди. Сўнгги икки ярим йилда рағбатлантириш фондида ишчи ва хизматчиларга деярли икки миллион сўмлик устам муюфот тўланди.

Ҳар бир ишнинг муваффақияти, аввало, ишчиларга, уларнинг укуви, маҳоратига, ўз касбига бўлган меҳр-муҳаббатига боғлиқ. Комбинат ишчиларининг ансарияти жонкуяр, ташаббускор кишилар.

Шарофат Назирова шундай ишчиларнинг бири. Бу заводда ўн йилдан бери ишлайди. Меҳнат фаолиятини шу ерда фаррош-лиқдан бошлаган эди. Абжир, тиришқоқ қиз айни вақтда мураккаб ҳунар — тикловчиликни кунт билан ўрганди. Мана, бир неча йилдан бери шу касбини ардоқлаб, шарафлаб келмоқда, ман-ман деган тикловчилардан қолишмайди.

Етун мутахассис Абдуваҳоб Назаров корхона билан бир қадам ташлаётган инженерлардан. Москвадаги рангли металлургия институтини битирган, тўғри шу комбинатга йўлланма олди. Шу-шу кадрдон корхона қўйнида, у билан бирга камол топмоқда. Ишни оддий цех мастерлигидан бошлаган Абдуваҳоб эндиликда корхона юраги ҳисобланган марказий лабораториянинг бошлиғи. Унинг рационализаторлик таклифлари

ҳар йили минг сўмлаб маблағни тежаб қолиш имконини бермоқда. Абдуваҳоб Абдумуталович «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган рационализатор» деган фахрий унвон эгаси.

Турғуной Тўрахонова номини металлургия ҳурмат билан тилга олади. У касбига меҳр қўйган ишчилардан. Шу даргоҳда ишлаганидан бери бирор кун йўқчи, у нормасини ортиғи билан банармаган бўлса, Моҳир ишчи ахлоқ-одобда, юриш-туришда, жамоат ишларида ҳам ҳаммага ўрнак. У завод муюфоти лауреати. Бу муюфот ўтган йилдан бошлаб берилмоқда. Прессловчи Михаил Васильевич Горбунов, пармаловчи Ирина Петровна Чирнова ҳам шундай муюфот олдилар.

Тикловчилардан фахрий металлургия Х. Салимов, М. Климов, аппаратчи А. Муҳамедов, куйдирувчи А. Худойкулова ва бошқа ўнлаб, юзлаб ишчилар комбинат марнаси шуҳратини оширишга муносиб ҳисса қўшаётирлар.

Комбинат ишчилари, инженер-техник ходимлари улуг доҳий Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг юз йиллиги арафасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Совети ва Ўзсавпрофнинг юбилей Фахрий ёрлиғи билан таъдирландилар. Коллектив юбилей меҳнат вахтасини йил охиригача давом эттириб, янги-янги уфқларни эгаллашга астойдил бел боғлаган. Корхона истиқболи порлоқдир.

М. МИРҲАМИДОВ

Олмалиқ металлургия комбинати. Мис эритиш.

А. ВАНШТЕЙН фотоси



БОРЛИҚ кумуш қорға бурканган қиш чилласида дастурхонигизни лимон, апельсин, мандарин бебаб туради, хушбўй димоқча урилади. Товланиши кўзни қувонтириб, иштаҳангизни очади.

Билмаганлар билиб қўйсинки, бу ноз-неъмат узқдан келтирилмаган. Тошкентнинг ўзида пишиб етилгандир. Мана Зайниддин аканинг боғларидамиз. Халқ агрономининг кўп йиллик самарали меҳнати атрофга маълум. Ҳаммаёқ яшил либос кийган. Мевазор хушбўй уфуриб турибди. Цитрус ниҳолларининг

маган эди. Ҳатто колхоз бухгалтерияси «бекорга оворагарчилик бўляпти» деб лимон парварини учун Зайниддин акага ҳақ ҳам тўламади. 1963 йилга келиб «Миеер» навли лимон мева тугди. Кейинги йилларда ҳосил кўпая борди. Бундай қувончли натижани ўз кўзлари билан кўрган колхоз молия ходимлари Зайниддин акани ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватладилар.

1965 йили боғбон «Новогрузин» лимони билан «Миеер» навини чатиштириш орқали янги лимон яратиб, дастлабки

ХУШБЎЙ ОЛТИНЛАР

хилма-хил гуллари, олди пишиб етилган мевалари кишини ўзига мафтун этади. Бу «ҳамшиша баҳор»ни ромлар ичида яратгунча Зайниддин ака қанча-қанча тунларни бедор ўтказди.

Цитрус дарахтларини парвариш қилиб, улардан мева олиш ҳали областимизда кенг ёйилганича йўқ. Зайниддин ака бу янги соҳанинг соҳибкори бўлиб танилди. Лимон дарахтларини бир-бирига чатиштириб, янги, мазали, сер-ҳосил навлар бунёд этиш учун астойдил интилди. Ў ўз меҳнатининг самараси кўзга кўринганда, яна янги ташаббуслар кўрсатгиси келади. Янги навлар яратса, эл дастурхонини цитрус меваларига мўл-кўл қилса!

Маълумки, цитрус мевалари жуда тансиқ. Ёз ойларида, ўзимизнинг ширин-шакар меваларимиз тўкин-сочин бўлган пайтда унчалик сезилмайди-ку, қишда лимон, мандарин тусаб қоламиз. Зайниддин аканинг лимонзорлари эса, субтропик мамлакатлариникидан қолшмайди. Ҳар тупида 300—400 донадан мева олтиндай товланиб туради. Ҳосили мўлллигидан шохларини қуйи эккан кўм-кўк цитруснинг чиройи ва ҳиди баҳри-дингизни очиб юборади.

Дастлабки изланиш 1960 йилларда бошланган эди. Ўша кезларда Зайниддин ака учун бу бир хаёл, ширин орзу бўлиб кўринган бўлса, эндиликда ҳосилдор субтропик боғлар яшнамоқда. Зайниддин ака бу соҳага қўл урганида кўпчилик унинг хайрли ишига, бу инжиқ дарахтлардан мева олишга ишониш-

меvasини олди. Бу янги нав пойтахтимиз Тошкент номи билан аталди. Зайниддин Фаҳриддинов янги лимон навини яратгани учун «Республикада хизмат кўрсатган агроном» унвони берилди.

Шундан кейинги йиллари колхоз правлениеси теплица комбинатининг иккинчи, учинчи, тўртинчи секцияларини ҳам Зайниддин ака ихтиёрига топширди.

Халқ агрономи изланишда давом этади. Теплицада лимон дарахтларини ўстириш билан бир вақтда африка гуллари, хушбўй атиргуллар ҳам ўстира бошлади. Гуллардан тушган даромад лимон дарахтлари ҳосилга киргунча бўладиган сарф-харажатларни кўтариб турди.

Дастлабки йили янги нав дарахтлари 200 тадан мева берган бўлса, ҳозир ҳосил 1300 донадан ортиб кетди.

Зайниддин ака яна бир ажойиб лимон навини яратди. Бунга доҳиймиз В. И. Лениннинг туғилган кунига 100 йил тўлиши муносабати билан «Юбилей» номи қўйилди.

Юбилей навининг ҳар донаси бир килограмм келади, десак ишонаверинг. Зайниддин ака бунёд этган бу янги нав ҳам теплица шароитида йилнинг тўрт фаслида бирдек ҳосил бераверади.

Зайниддин ака ўз боғларига муҳаббат қўйган. Лимонларини у «хушбўй олтинлар» деб атади.

А. МИРЗААХМЕДОВ

БОБО ТОК

Ниёзмат ота етмишларга бориб қолди. Баъзан бувисининг гапини ёдга олади:

— Ниёзматгинам тетапоя бўлиб, гандираклар бориб биринчи ушлаган нарсаси ҳовлимиздаги ток бўлган...

Мана, шунча йил бўлибдики, Ниёзмат ота ток экиб, боғ ўстиради. Сабр қилсанг, гўрадин халво битар, деган гап бор. Боғбонга сабр-тоқат, меҳнат, меҳнат керак. Қаламчаси куртак ёзиб унади, шохлайди. Тарик сингари майда шўрачалар гўрага айланади. Боғбон ана шу ток новдалари тагида эрта кўкламдан то кеч кузгача, гужумлар шарбат олгангача бел букиб меҳнат қилади.

Ниёзмат ота қўлида тарбия топган боғ узумлари қанча-қанча тўйлар, базмлар дастурхонини обод қилди! Ҳисоблаб, ҳисобига етиб бўлмайди.

— Токка қараш бир кишининг иши эмас,— дейди ота,— бири новдани ушлайди, шериги бағазга тортиб боғлайди. Шу вайдан ҳам, боғбон албатта ўғлини, қизини ишқомга етаклаб келади. Ёшлгидан кўзи пишган боғбон боласи ток новданинг бўғимига ақли етадиган бўлиб қолади. Новдани танидими, боғбон бўлгани шу. Ҳосилга келадиган бўлса, бир тупдан оладиганимиз юз килограммдан ошади, юз эликка етган вақтлари ҳам бўлган. Новдани таниш керак. Узум боши ерга тегиб турмадими, боғбоннинг токка ишламагани бўла-



Зайниддин Фаҳриддинов ўзи етиштирган лимон туплари ёнида.

А. АБАЛАН фотоси.

ДЎРМОН

БОҒЛАРИ



ди, яъни пастки бўғимдан то учигача ҳосил қилсин!

Ниёзмат ота бизни боққа етаклайди. Ёз ҳароратидан боғ ҳавоси дим. Қилт этган шабада йўқ. Маржондек терилган узум бошлари. Ишқомларга разми солсангиз — бир неча туп хусайни, ундан навроҳдагиси каттақўрғон, сал ўтсангиз қрим навли узум ва ҳоказо. Ишқомларнинг икки томони нимранг, оқ қизил, қорамтир узумлардан худди гул солиб қўйгандек туюлади. Кечагина хомтоқдан чиққан новдалар ёз кўёси ялғини олиб бўғимларида шарбат тўплаб узум доналарини кун сайин семиртираётгандек. Ниёзмат ота айтганидек, новдалари пастдан то учигача ҳосил туққан. Биз шу ерда кекса боғбоннинг тенгдоши Абдулла ота билан учрашдик. У бошига салла қилиб олган қийиқчани ечиб юз-кўзларидаги терни артиб елпинди. Сўнг гап бошлади.

— Яхши қарасанг, боғ бўлади, қарама-санг юрагингга доғ бўлади дейди ота-боболаримиз. Фалон гектар боғинг бўлгани билан, ҳосилда келганда уч-тўрт тоннадан ошмаса, боғ ўстиришининг нима кераги бор. Бултур боғбонга қийин бўлди. Қиш оғир келиб, тоқларга шикаст етди. Ёсанқираб қараб турганимизда ҳосилдан қуруқ қолар эдик. Ишладик, нимаики топсак тагига солдик, парваришладик. Чакки бўлмади ҳосилимиз, шундайми, Худойназар?

Абдулла ота мурожаат қилган киши колхоз боғдорчилиқ бригадасининг бошлиғи Худойназар Умаров. У киши илгари қаровсиз қолиб кетган боғларни мана салкам йигирма йилдан бери отахонлар билан биргаликда парвариш қилиб, ҳозирги пайтда ана шу боғлардан рекорд ҳосил етиштиришга эришган ташиқлотчи, меҳнатсевар бригадирлардан. 1969 йилда кишининг оғир келганлиги туфайли кўп жойларда ҳосил кам бўлди. Лекин бу колхоз 32 гектар тозорининг ҳар гектаридан 310 центнер узум олди.

Колхоз раиси Сиддиқ Муҳаммаджонов бундай деди:

— Бу йил ўзгача йил, юбилей йили.

Биз қўлимиздан келганча меҳнат совғамизни тайёрлаймиз. Қишлоғимиз Тошкент шаҳрининг биқинида. Шаҳарликларга сабзавот, қовун-тарвуз билан бирга, мева, узум етказиб бериш бизнинг зиммамизда. Халқ дастурхони мева-чевага мўл бўлса, бизнинг яхши ишлаётганимиз бўлади.


Дамариқ бўйидаги боғларда узумлар олтиндек товланади. Бу ерларда бўлсангиз, қишлоқни боғ қишлоқ дегингиз келади. Ҳатто кўчаларда ҳам мевали дарахтлар ҳосили ғўж-ғўж. Ёз кунлари, куз кезлари

ариқлардаги сувда олма, беҳи қалқиб оқди. Ҳаммаёқ мевазор. Гектаридан 300—350 центнерга етказиб узум олаётган, 10—15 тоннадан олма тираётган соҳибкорлар диёри бу. Шунинг учун бу боғлардан мева татиган кишилар:

— «Ленин йўли» колхозининг тоқлари бобо тоқ, новдалари шарбатга тўлган ҳосилдор тоқ, — деб таърифлашади.

М. НУРХОНОВ

Калинин райони



Миришкорлар уз меҳнатлари самарасидан мамнун.

А. АБАЛАН фотоси.

«Отанон! Юборган совғангизни олдим. Қувончимиз ичимизга сиймай кетди. Айиниса, олмалар! Авалл роса томоша қилдин. Кейин рус, украин, туркиман, грузин, молдаван курулдошларин билан баҳам кўрдик».

Бу сатрлар Владивостокда ҳарбий хизмат ўтаётган дўрмонлиқ Турғубой Абдурахмонов мактубидан олинди.

Дўрмон боғлари... Тошкентга туташиб, ундан шарқ-шимолда ястаниб ётган ям-яшил боғларни осмондан томоша қилганимиз? Бунга кўп бор мўясар бўлган учувчи дўстимиз Глеб Петросов дейди: «Тоғда парвоз қилганимизда кўёш чиқишини, унинг илк нурида минг товланадиган боғ-роғларни кузатишни севаман. Дўрмон устидан учиб ўтаётганимизда уларнинг анвойи хушбўй димоғиниға урилгандай бўлади».

— Бу боғларни ҳимматли кишиларимиз яратган, — дейди «Қизил Ўзбекистон» колхозни партия ташиқлотининг секретари Абдуллажон Соатов. — Лекин гўзаллиги ўзи бўлмас экан. Мавжуд 832 гектар олмазор, 63 гектар узумзор, 87 гектар тутзор, 12 гектар гилосзор ўн йиллар давомида бунёд бўлди. Уттизинчи йилларда Абдурахмон ота Йўлдошев бош-қош бўлган эди... Етмишларга яқинлашган отахон ҳамон даладан бери келмайди.

— Илгари бу ерлар кичик-кичик пайнал, якна ҳўжаликларнинг бўлган-сўлтан боғлари эди, — дейди ота. Чор атроф ва Чирчиқ дарёси бўйлари қаминшор, қиёғзорлар эди. Бауэр эпакада келадиган ерларга шолли экиларди. Кейинчалик «Қизил Ўзбекистон» колхозига қўшилиб кетган чоғроқ ҳўжаликка ўша кезлари мени раис қилиб тайинлашди. Дўрмоннинг Қўрама участкасида биринчи бор 180 таноб ерни боғ қилганимиз эсимиз. У маҳалда тракторлар, грейдерлар қайда дейсиз. Ишонганимиз нетмон. Еримиз жудур тўнини ечиб, бошқача ясанаверди... Ўшанда ҳамқишлоқларимиз Гани Шукуров, Бекназар Эгамназаров, Раҳмат Йўлдошев, Муллабой Содинов, Мирзо Маражабов, Шоабдулло Бойназаров кўп яхши ишлар қилишди. Кўнни кун, тўнни тун демай кучларининг қаймоғини боғ-роғлар яратишга сарфлашди. Уларнинг кўпи ҳамон далада.

Эллик тўртинчи йилнинг чўзилиб кетган киши... Даладарда кўнат ўрнида қор. Тупроқ қорасовуқ бўғида. Унинг касри дов-дарахтга ўрни. Баҳор кирганда бирор дарахт ҳаёт нишонини кўрсатмади. Қир-адир ўт-ўланга бурканганда ҳам боғлар сарғайиб қолаверди. Сайроқи кўшлар макони, сарин еллар ардоқлиси бўлган боғлар хунуқ манзара насб этган эди.

Дўрмонлиқларнинг отахони, колхоз раиси Абдуҷамил ака Матқобулов зудлик билан паравленини йғиди. Уч-тўрт соат давом этган бу йғини Узоқбой ака Эргашев бошлиқ бир гурупа кишиларини Фарғона, Андижон, Наманган областларига юборишга қарор қилди. Меваали дарахт, серҳосил узумларнинг яхши нав кўчатлари келтириладиган бўлди.

... Орадан йиллар ўтди. Дўрмон боғлари қаддини ростлаб олди, яна тўлишиб, етилди.

Боғ-роғларни тинлашда ўтир соҳибкор Ризамат ота Мусамуҳамедов катта кўман бердилар, — дейди Али ака Каримов. — У кишининг тажрибаси, маслаҳати жонимизга оро кирганди...

Дарвоқе, бу ҳақда Ризамат отанинг ўзидан эшитсан:

— Мен тўқсонга кирдим. Етмиш етти йилдан буюн боғбонлиқ касбим. Дўрмон боғлари менга қадрдон бўлиб олган. Совуқ уриш воқеасидан сўнг унда ойлаб қолиб кетар эдим. Марҳум Абдуҷамил Матқобулов айтган нарсаларимни кўнгидагидек амалга оширишга ҳаракат қиларди. Мэслаҳатини билан натор яхши узумзорлар бунёд этилди.

Ёшларимизни боғдорчилиқка меҳр қўйдирсан, улардан яхши соҳибкорлар етишиб чиқишга аминман. Мантабларимизда боғдорчилиқ масаласига жиддий эътибор бериб, ўқувчиларда бу соҳага ҳавас уйғотиш лозим.

«Қизил Ўзбекистон» колхозни боғларида меҳмонлар кўп бўлишган. Улар орасида чет элликлар ҳам оз эмасди. Ташриф буюрганлар қалбида у чимас из қолдирган.

Улкан чинор салқинидаги сўрида колхоз раиси Анвар ака Эгамназаров бир гуруҳ ажабий меҳмонлар билан суҳбатлашиб ўтирибди.

— Ҳўжалигимиз сертаром. Пахта, сабзавот, қорва, паррандаимиз ҳам бор, — дейди у кесароқ бир меҳмонга чой узатар экан. Боғдорчи билан эса, партном ҳам, раис ҳам, ҳамма-ҳамма машғул. Утган йили 1250 тонна ўрнига 2 минг тонна мева еттиштирдик. Ярим миллион сўм даромад қилдик. Москва, Ленинград, Владивосток, Омск, Свердловск, Новосибирск ва бошқа йирик шаҳарларга тонна-тонна мева, узум жўнатдик. Тошкент ва Чирчиқ меҳнатнашлари ҳам боғбонларимиз, соҳибкорларимиз меҳнати самарасидан ҳаммаша баҳраманд.

— Боғдорчилиқ билан махсус шуғулланадиган одамларингиз борми? — сурайди кенса меҳмон.

— Бўлмасамчи, — кулисирайди раис, — боғдорчилик бўйича агроном деган штатимиз бор. Бу ўрнида ёш мутахассис Усанбой Тўхта-назаров ишлаб турибди. Тошкент қишлоқ ҳўжалиги институтини тамомлаган.

... Яқинда йўлимиз яна Дўрмон боғлари томон тушиб, Усанбойни учратдик. Боғда ёшлар билан тажриба ўтнаётган экан. Тешабой Эшматов, Жаббор Шамсиев, Абдукарим Шарипов каби ёшлар ихлос билан боғдорчилиқ сирларини ўрганишмоқда эди.

Гулгун ҳаётимиз жамоли, гигант шаҳарларимиз, дилбар қишлоқларимиз беағи боғларимизга тагин кўпаяр экан, деган ўй келди кўнгилимизга.

Раҳимберди УМАРОВ

УФҚЛАР ОШИҒИ



— Кўрпясанми, болам? — Икромжон уфққа, кун ботаётган олисга қўлини чўзди. Уша тарафда уфқ қип-қизил, тепароғи секин-секин олтин рангдан аста мовийлашиб келарди. — Кўрпясанми товланишини, одам боласини имлаб чақирлишини кўрпясанми? Юр, юр, ўша ёққа борамиз. Вақтлроқ бориб, тонг отишини кутиб оламиз. Тонг отиши қанақалигини, кун ботиши қанақалигини сен билмайсан Билмайсан, болам. Сен ҳали ёшсан. Сени ўзим хув ўша уфққа олиб бораман. Уфқни кўрасан Қўлинг билан ушлаб кўрасан. Уфқни Найманга олиб келамиз. Йўқ, йўқ. Найманни уфққа олиб борамиз...

Атласдек товланувчи мовий уфқларга, олтиндек шуълаланувчи бепойн кенгликларга оппоқ тонг нафасидек покиза келмаканка ошидики билан қизилган ана шу ёниқ мисрлар Саид Аҳмад қаламига мансуб.

Саид Аҳмад эллинка кирибди. Уни яқиндан билган одам бунга ишонолмайдди. Айниқса, йигитлариникидек хипча қомагига, қувноқлидан ҳаммиша яшноб турадиган чехрасига, мушқинлигига, гайратига, меҳнат қилиб, ёзиб нарчамаслигига қараб, ишонгиси келмайдди.

Яқиндагина Ёзувчилар союзи деб аталган улуг даргоҳга қимтиниб, тортиниб борардинда, адабиёт тўғрисидаги мажлисда бир чекнада дамимизни чиқармай ўтириб, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Уйғун, Миртемир каби улкан ёзувчиларнинг гапларини жон қўлогимиз билан тинглардин. Биз унда тўғраи аъзоси эдим, Саид Аҳмад эса бир эмас, иккинчи нитоб чиқариб, танилиб қолган ёш ёзувчи эди. Йигитлишларнинг бир-бирида Саид Аҳмаднинг ҳикоялари ва пьесаси муҳокама қилинди. Катта ёзувчилар Саид Аҳмад асарларини ипидан-игнасиғача таҳлил қилиб, ютуқларини кўрсатишди, камчиликларини айтиб, роса «чанггини қоқишди». Кейин Биринчи Май кўчасидан Революция хиб-бониға, ундан Карл Маркс кўчаси бўйлаб Пионерлар саройиғача бирга нетдин. Йўл-йўлакай муҳокама давом этди, катта ёзувчилар олдида тортиниб айтолмаган гапларимизни энди шоша-шоша, бир-биримизга қал бермай, ўртага ташладик. Танқид кўпайиб кетса, Саид Аҳмад ўша пайтда ҳам бисотида тўлиб-тошиб ётган бирор қизиқ гап билан чап бериб, мавзунин бошқа томонга буриб юборарди. Одами сийрақлашиб қолган сокин кўчалар ҳазин-мутойбага, ҳаҳ-ҳаҳга тўларди...

Буларнинг ҳаммаси ҳудди кунин нечагина бўлиб ўтгандек туюларди...

Одамнинг умри оқар сув деганлари рост, шув этиб, ўтати-кетати. Лекин шув этиб ўтиб кетадиган сув ўз йўлида бирор чанқоқ кимсанинг ташналигини қондириши, бирор богбоннинг богини сугориб, обод қилиши, саратонда қовнираган пахтага жон ато қилиши мумин. Одам ҳам сувдек ўтиб кетадиган умрини шундай жиплаштира олса, у машъал бўлиб, одамларнинг дилини ёритиши, уларнинг қалбидаги ҳаёт ишқини нурлантириши мумин. Саид Аҳмад мактабини битириб, оғлиги ҳаёт йўлига қадам қўйганидан бери илҳомга билан, қалами билан одамларга хизмат қилиб келмоқда. Гудак юришини аста-секин ўрганганидек, Саид Аҳмад ҳам қалам тутишини бирда-

нига ўргангани йўқ. У адабиёт оламига кириши билан Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Ойбек каби устозларнинг баъридан маҳкам ушлади, уларнинг тажрибасига таланди, ҳатто «Тортиқ»қа ўхшаган биринчи қитоби танқид қилинганда ҳам, уларнинг аччиқ гапларига чидади. У ҳам кўпгина ўзбек ёзувчилари каби рус адабиётининг битмас-туғамас хазинасидан баҳраманд бўлди. Энг муҳими эса — Саид Аҳмад аввал обдон ҳаёт қозонида қайнади, муҳбир бўлиб, бутун республикани кезиб чиқди, йирини қурилишларда, колхоз-совхозларнинг кўпчилигида бўлди. Республиканинг оғғи етмаган жой, у ёнбошлаган дўнглик йўқ деса муболага бўлмас. Ниҳоят, ана шу бой тажриба унинг илҳомига қанот берди, бирин-кетин янгидан-янги китоблари пайдо бўлди. «Фарғона ҳикоялари», «Муҳаббат», «Қадрдон далалар», «Ҳукми», «Чўл шамоллари», «Ойдин кечалар», «Хазина», «Таъзим», «Уфқ»... Булар китобхонга яхши таниш — шу асарлар туфайли у ўзбек ўқувчисининг энг сеvimли ёзувчиларидан бири бўлиб қолди.

Саид Аҳмад асарларида биз колхоз далаларидаги меҳнат суронини ҳам, ўзлаштирилаётган чўллардаги шамолнинг ҳайқирғини ҳам, қурилишлардаги техниканинг гулдуросини ҳам, бутун тарихга айланиб қолган кекаги кунларнинг нафасини ҳам аниқ сезиб оламиз. Унинг қаҳрамонлари нишини ўзига мафтун қилади. Улар — бугунги социалистик ишқилнинг оддий одамлари. Ёзувчи уларнинг қиёфасини, характерини, психологиясини, меҳнатини, курашини, муҳаббатини, шодлиги ва изтиробларини — ҳаётини бениҳоя зўр севги билан, самимий билан тасвирлайди. Меҳнати билан ўйғинизлар яратётган, шовқин-суронсиз қаҳрамонликлар кўрсатаётган бу одамлар ёзувчи учун дўнадаги энг гўзал одамлардир. Саид Аҳмад уларга аллақандай илоҳий сифатларни тақмайдди, йўқ ердаги фазилатларни ёпиштирмайди, уларни идеаллаштирмайди, аини чоқда уларнинг маънавий гўзаллигини ҳам яширмайди, аксинча, боз овози билан ҳайқириб айтиди. «Турналар», «Мастон биби», «Хазина», «Ойдин кечалар», «Чўл бургути», «Тоғ афсонаси» каби ҳикоялардаги, «Уфқ» романидаги қаҳрамонларнинг жозиба кучи ҳам ана шунда. Саид Аҳмаднинг бу ва бошқа нўнгина асарлари чуқур гуманистик руҳга эга. Уларда ёзувчи инсоннинг гўзаллигини ифодалаш билан чекланмай, одамларни янада гўзалроқ бўлишга, бир-бирини янада кўпроқ қадрлашга ундайди. Бироқ Саид Аҳмад гуманизми мавҳум гуманизм эмас, унинг одамларга муҳаббати ҳамма нарсасга афви умумий эълон қиладиган кўр-кўрона муҳаббат эмас. Саид Аҳмад инсоннинг қадри-ни туширадиган иллатларни жинидан баттар ёмон кўради, шунинг учун ҳам у турли-туман тирик мурдаларни, иғвогарларни, фирибгарларни, мухтамакларни, порахўрларни, жоҳил ва нодонларни сатира остига олади. Шу тариқа унинг асарларида самимий лиризм билан қувноқ комизм ўқилиб кетди, бир-бирини тўлдирди ва ҳаётни мукаммалроқ аниқ эттиришга ёрдам беради.

Саид Аҳмад асарларининг муваффақиятини таъминлаган омиллардан яна бири тасвир-

нинг бағоят жонлигидир. Ёзувчи нима тўғрисида ёзмасин — табиат манзарасини тасвирлайдими ёки одамларнинг ҳолатини кўрсатадими, барибир, шундай ранглар, шундай деталлар топадики, улар тасвирга ҳаётлигини бахш этади, уни жонлантириб юборади. Унинг тасвирини ўқиганда, манзара худди рассомнинг суратидек кўз ўнгингизда аниқ гавдаланади. Мана, «Муҳаббат» ҳикоясининг бошланиши:

«Кечки овқатга ёқилган ўтнинг ним ранг тутунлари ишқомлар орасига ёпирилмоқда. Кўлмак суварлар устида чивиллар галаси уймалашмоқда. Азамат теракларга чирмашган аймоқи эзуллар, пахса деворлар орқасида ёқутдек ялтираган олчалар, пўрсилдоқ оқ ўричлар...

Даладан қайтган моллар шовқин-сурон билан катта сертупроқ кўчани қангитиб келмоқда. Яйдоқ отни еталаб олган баланд бўйли хушмўйлов йигит анҳор томонга ўтиб кетди...

Бу парчадаги ранглар, деталлар расом кўзи билан кузатилган. Бунга таъжжубланмаса ҳам бўлади — Саид Аҳмад ёзувчигина эмас, дурустгина расом ҳам. Унинг расомлиқ таланти, шубҳасиз, ёзувчилик санъатига жуда ёрдам беради.

Саид Аҳмад асарлари тўғрисида гапирганда уларнинг тили тўғрисида жим қолиш мумкин эмас. Бугунги ўзбек ёзувчилари ичида у халқ тилини, айниқса жонли тилини энг пухта эгалаган, унинг бойликларидадан усталик билан фойдаланадиганлардан бири. Саид Аҳмад тилда ҳам ҳаётий бўлишга, табиийлик ва самимийликка интилади. Саид Аҳмад қаҳрамонларининг гапига қараб, уларни жонли реал одамлар сифатида қабул қиласиз, ҳатто уларнинг ўйи, ички туйғулари ҳақида ҳам тасаввур ҳосил этасиз. Мана, бир мисол: «Қўшиқ» ҳикоясида йўл билмаган қиз чойхоначидан йўл сўрайди, у узундан-узун тушунтиради. Шунда чойхўр чол унга дейди: «Зап эзма экансан-да. Битта болани қўшиб бер, бошлаб боради-қўяди». Бу гапнинг оҳангига диққат қилинг: унда энгаси қотган одамнинг зардаси эшитилиб турибди. Аини чоқда бу жумла тақрорланмас миллий оҳангга эга.

Саид Аҳмад асарларини ўқиган китобхон, уларнинг тилидан ҳам бениҳоя чуқур эстетик заъв олади, ҳам тилимизнинг қудратига, рангдорлигига, бойлигига яна бир марта қойил бўлади.

Саид Аҳмаднинг ҳикоялари, қиссалари, романи, аллақачон ўқувчиларнинг қалбидан мустаҳкам ўрин олган, улар сочган уруғлар китобхон қалбига япроқ ёзиб, олжаноблини, эзгулини, гўзаллини туйғусини ўстирмоқда. Унинг ҳикояларидан бирида шундай жумла-лар бор: «Инсон кўнисида тошиб чиққан, унинг қалбига энг эзгу хисларни, туйғуларни тоблаган самимий ташаккурдан қимматлироқ мукофот борми одам боласи!» Саид Аҳмад ани шундай ташаккурга муносиб ёзувчи. Шунинг учун ҳам унинг 50 йиллик тўйида асарларини ўқиб ёзувчи билан бирга уфқларга ошиқ бўлиб қолган, қалбига ҳаёт ишқи, гўзаллини ишқи жўш урган китобхон қўлини кўнисиға қўйиб, Саид Аҳмадга энг яхши тилакларини йўллайди.

Озод ШАРАФИДДИНОВ.

Онаси Муроджоннинг тушига кирибди. Техникум ётоғида боласининг каравотига ўтириб тугун ечаётганмиш. Тоғорадан қора чиллани олиб, тумбочка устига қўйиб, дормиш:

— Ол, болам, атайин сенга илиниб олиб келдим. Оғзинг тегиб қолсин, дедим. Чумчуқ ўлғир қўймаппти.

Пошшақиз ёнбошига ағдарилди, Муроджон уйғониб кетди.

У шифтга боққанича ўй-ўйлаб ётаверди. Қоронгу неча қаърига тикилиб, кўрган кунларини, болалигини кидирарди. Қаердадир қўл соатнинг заиф чиқиллаши, коридор деворидидаги электр счётчигининг бемор инграшидек ноласи, диванда кулча бўлиб ётган мушунинг ёкимсиз гуриллаши эшитилиб турибди.

Муроджон узилган тушини улаш нилтида яна кўзини юмди. Уйку ҳам келмади, туш ҳам кўрмади. Кўпдан йўқотган онаси бир он пайдо бўлганича, абадиёт қаъридан қайта юз кўрсатмади. Муроджон онасини пойлаб узоқ ётди. Охири кўзини очиб, ёнбошига қаради. Хотинининг елкасидан кўрпа тушиб кетган. Ич кийимларининг қаваат-қаваат напрон тасмалари оппоқ елкасидан билагига тушиб қолган, курағидаги кеча банка қўйдирганда қолган жигар ранг излар бемалол кўриниб турибди. Уримдан сариқ ипак тугунчасига бир дона дур илиниб қолибди.

Муроджоннинг хотини Пошшақиз ниҳоятда чиройли эди. Зулудкен қора қовшлар, илондек тўлганган тақим улар сочлар, тикилган жойини нўйдирадигандек нўзлар Муроджоннинг болалигига, осойишига ўт қўйган эди.

Муроджон ётавериб қон бўлиб кетди. Аста кўрпадан сугурилиб қоронғуда тимисиланиб шиплагини топди-ю нариги уйга оёқ учидан чиқиб кетди.

Аксига олгандек, қандилдаги лампочка кўкимтир чақиндек бир йилт этди-ю, куйиб қолди. Кўзи қоронғуга ўрганиб, аста-секин кўрадиган бўлди, назарига уй ёришганга ўхшаб, жиҳозлар гира-шира кўрнча бошлади.

У уй ичида кезаркан, онасининг тирик кўёфасини хотирида тикламоқчи, унга яна бир тўйиб олмоқчи эди. Аммо, она ҳа деганда унинг кўзи ўнгига нелавермади.

Муроджон дераза олдига келиб, ҳовлига қаради. Айвон шифтидаги лампочка ҳовлини ойдиндек ёритиб турарди. Тўп этиб ерга шафтоли тушди. Қайдандир пайдо бўлган мушук бориб уни ҳидладю ҳафсаласи пир бўлиб орқасига қайтди. Ток сўри тепасидан мусича тухуми тушиб чил-чил сийди. Яна боёғи мушук пайдо бўлди, тухум синган ерни ялаб олди, кейин маъза қилиб наришди-да, тандир тепасига коптокдек сакраб чиқиб кетди. Сал ўтмай девордан шўр тупроқ тўкилди:

У умрини шу боласига бағишлади. Эр қилмай ўтди.

Болам одам бўлсин, камолини кўрай, юртга қўшай, тўйларида чарчай, кейин болаларини боқай, деди.

Ниҳоят, у ўғлини Тошкентга, техникумга етаклаб келди. Ўқишга жойлаб қайтиб кетди. Она ҳар ойда бир келишини тари қилмас, топган-тутганини боласининг қўлига тутқазиб, яна пийёда Париянтга қараб кетарди. Муроджон ўқирди. Зехни ўткир бола муаллимларига ёқиб қолди. Йиллар ўтди. Институт, уруш қийинчиликлари бошланди. Аммо она ойда бир келишини тари қилмасди. Ҳар келганида боласининг бетига соатлаб тикилиб ўтирарди. Озиб қолганини, ранги сўлганини кўриб, ич-ичидан куйиб кетарди.

Аспирантура йиллари бошланди. Муроджон анча ўзини тутиб олган. Онасининг узоқ йўл босиб келишини хоҳламади. Ўзи бориб келарди.

Диссертация ёқлайдиган кунни онаси бир сават нон ёпиб келди. Муроджон минг хижолат билан онаси қаршида турарди. Она унинг ҳам қувонч, ҳам хижолат тўла қўзларига тикилиб, ўғлининг кўнглида нима гаплар борлигини дарров фаҳмлади.

— Қани, бир кўрай,— деди она.

Мурод пиллапош олдига турган ниҳоятда чиройли қизни чақирди. Бу Пошшақиз эди. Она бўлғуси келиннинг пешанасидан ўпиб йиғлади.

Диссертация ҳимолсидан кейин онани зиёфатга олиб кетишди. Уни тўрға ўтқазиб қўйиб, кўп чиройли, кўп маъноли гаплар айтишди. Онасига раҳмат, дейишди. Бу онанинг бугун чеккан азиятларига ўланган ҳақ, берилган мукофот эди. Бу онанинг энг бахтли кунни эди.

У қишлоғига юриб эмас, учиб кетди.

Шундан кейин она ўғлининг тўйига келди. Тўй келининикида бўлаётган эди. Катта ҳовли ясагилган. Дастурхонда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Аммо онага ҳеч ним парво қилмади. У шу пайтда ўрдан тухумини очган товўқа ўхшарди. Тўй охирида қолганда аста ўрнидан турди-ю, ўғлининг олдига бориб, пешанасидан ўлди. Чўнтагидан бир пой тилла билан узугини олиб келиннинг билагига солди.

— Тақиб юринг, қайин онам раҳматликдан қолган.

Шундай деб Пошшақизнинг ҳам пешанасидан ўлди-ю, кўз ёшини ичига ютиб, тўйдан чиқиб кетди.

Муроджон бир ҳафтадан кейин бориб, «олиб кетай» деб ялинди, она кўнмади.

— Нима қиласан, болам. Тинч бўлсанг бўлгани. Шу кунларингн кўрай, деб ният қилган эдим, кўрдим.

Муроджон барибир уни қўярда-қўймай олиб келди. Ун кун ҳам туролмади она.

Санд АХМАД

Ўқоқ

СУВЛАР ОҚИБ КЕТДИ

Шунда бирдан Муроджоннинг кўзига онаси кўринди.

Онаси тандир олдига қўлига енгча кийиб, лоладек қип-қизил кулча бетига сув сеплапти. Тандирдан чиқаётган яллиғ унинг ҳам бетларини қизартириб юборган. У сочларим куймасан деб пешанабоғини қовшлари аралаш тангиган, узун сатин кўйлагининг этагини липла уриб олган.

— Болам анчадан бери ёлган нон емагандирсан, бери кел, иссиқ-қина еб ол.

Она шундай деди-ю, қоронғуликка сингиб кетди.

Муроджон сесканди. Ичидан аллақандай ўт келиб томоғига қадалди.

Иссиқ қўл елкасига теккандагина ўзига келди. Орқасида елкасига ҳалат ташлаган Пошшақиз турарди.

— Сизга нима бўлди? Қайси яшамағур жононингиз эсингизга тушиб кетди?

Муроджон унга шундай бир қарадики, Пошшақиз худди бегона эркак олдига тургандек, тўзғиб кетган сочлари билан кўнракларини беритди.

— Оббо, бу қанақаси, қоқ ярим кечаси хўрсиниб юриш...

Муроджон индамай нари кетди. Майначан ҳовлига тушиб у ёқдан бу ёққа юра бошлади. У гўё мана шу ҳовлидан, ердан, қоронғулик ичидан болалигини, беозор, андуҳсиз гўдакнигини қидираётгандек эди. Пошшақиз дераза олдига унга анча қараб турди-да, нафтининг орқасини оғзига тутиб икки марта яхшилаб эснаб, ётоғига кириб кетди.

Тинч, жонли-жонсиз фараҳли уйкуга кетган соқин кечада кезаркан, Муроджон бирдан болалигига рўпара келди.

Зиқилари олдига ўсган каттакон, танлари бўжмайиб кетган тут тағидидаги теғирмон тошига онаси ҳар кунини эрталаб икки кўзада сув олиб чиқиб қўярди. Йўловчилар шу сувдан ичиб, боланг катта бўлсин, умридан барака топсин, деб онани дуо қилишарди.

Гўдаклигидан эсида қолгани шу. Кейин бўйи қўзилиб қолганда онаси таҳи бузилмаган баҳмал кўрпани бузиб, унга тўн тикиб белгани, кийдириб мактабга юборгани ҳам эсида. Ушанда онаси мактаб остонасига етмай йўл ўртасида қараб қолганди.

Муроджон ишга ярағудек бўлгунча она ер чопди, том шувади, девор урди, қор куради, боровларнинг кўрпасини қавиди, тиним нима-лигини билмади, аммо боласини зориқтирмади.




Рассом Т. МУҲАМЕДОВ.

Кишининг қалби нафрат билдиришга ҳам, муҳаббат изҳор қилишга ҳам қобил. Тошкентда беҳад нафрат ва беҳад меҳр-муҳаббат қалбларимизни бир-бирига боғлади: қулликка, урушга, мустамлакачиликка, қолоқликка нафрат билан, озодликка, миллий мустақилликка, тараққиётга, ер юзида бахтли ва адолатли ҳаёт қуришга муҳаббат билан боғлади.

Нозим ҲИҚМАТ

Тўртинчи қаватда оқшом маҳали
Минг-минг чироқларга қадалар кўзини.
Хўрсандман,
Шаҳримнинг уфқида ҳали
Яна бир чироқни ёқмаёن ўзим.

Рустам СОЛИЖОНОВ



Тошкентнинг Пушкин кўчасига тушган қўпқаватли уй-жойлар.

С. БЕЗНОСОВ фотоси.

Муроджон ишдан келса, онаси кийимларини тугиб, айвон даҳанида ўтирибди.

— Ҳа, ойижон, нима бўлди?— деди ҳайрон бўлиб.

— Кетай, болам, шаҳарларингга турулмаялман. Қишлоққа ўрганиб юлганман.

Пошшақиз гапга аралашмади. «Қолинг» ҳам демади, нетинг ҳам демади. Муроджон қайнона билан келин орасида бирон гап ўтганини дарров билди.

Онанинг бутунлай келгани Пошшақизга ёқмаганди. Қайнонасига коридордаги диванга жой қилиб берганди, Муроджоннинг юрак-бағри эзилиб кетганди. Лекин оғиз ёриб бирон гап айтолмади. Вақтида айтилмаган керакли гап эртасига жўн гапга айланади. Шундоқ бўлди. Онанинг коридорда, оёқ остида ётиши бора-бора оддий нарсага айланганини Муроджон сезмади.

Она ўғлиниқига қайтиб келмади. Муроджон бориб турди. Рўзгорини қилиб берди. Отасидан қолган уй нураб тамома бўлай деб қолган экан, бошқатдан тиклаб берди. Аммо, она «хотиннинг ундоқ, хотиннинг бундоқ» деб оғиз очмади. «Ҳа, эди, кўша қаринглари, ўзларингдан кўпайинглари» деб дуо қилди.

Пошшақиз ҳамма гапни ичига ташлаб юрган экан, бир кун келиб ёрилди.

— Қача эркансан? Уйланганингдан кейин рўзгорга қарагин-да, топганинги онамга ташийверасанми!

Бу Пошшақизнинг ўз эрини биринчи сеплаши эди. Муроджон нима қилишини, нима дейишини билмай қолди. Тилига бирон оғиз бўлса ҳам гап келмади. Туриб-туриб уйга кириб кетди.

Шу нундан бошлаб уларнинг турмуши дарз кетди. Дам олиш кунлари Пошшақиз атайлаб унга иш топиб кўяр, кўчага чиқармасди. Муроджон эса, бугун дам олиш кунини, онам кўчага қараб ўтиргандир, деб беговталанарди.

Муроджон икки ойча онасининг олдига боролмади. Бир дам олиш кунини жаҳл билан чиқиб кетди-ю, қишлоққа жўнади. Хотини чўнтагини қоқлаб қўйган экан, қуруқдан-қуруқ кириб борди. Шундоқ келганига бошқа баҳона айтган эди, кампир кўз ёши килди.

— Болам, қўлингга эмас, дийдорингга қарайман, Узингни кўрсан бўлди. Майли, болам, рўзгоринг аччиқ бўлмасин. Сен келолмасанг ҳам ишхонамга бориб, узондан ўзингни кўриб турибман. Қандоқ қилай, пешанамда биттагинамасан.

Муроджоннинг, вужудини титроқ босди. Лабларигача кўнарди. Она унинг ҳолатини кўриб қўриқиб кетди.

— Тур, болам, тур. Хотининг нутиб ўтирганини биласанми?

Она уни натта йўлгача кузатиб қўйди.

Орадан бир ойча ўтиб кетди. Муроджон ишдан қайтиб, аччиққина чойга маҳтал бўлиб турган эди, Пошшақиз келиб ёнига ўтирди. Елкасини унинг елкасига ишдаб деди.

— Жон Мурод ака, жо-он Мурод ана, аспирант қизларингизга айтинг, келиб деразаларини юзиб берсин.

Муроджон сапчиб ўрнидан турди.

— Бу қананча гап! Аспирантлар консультация олгани келади, сизга дастёрлик қилишга эмас. Келган аспирант болаларга девор урдириб-

сиз, қизларга кир юндирибсиз. Уят эмасми? Эртага институтда қандон бош кўтариб юраман?

Пошшақиз энгаси қотиб, индамай кетаётган эди, Муроджон деди:

— Битта чой дамлаб беринг, юрагим куйиб кетди.

Пошшақиз орасига қарамай жавоб қилди:

— Ана газ, ана чойнак, ўзингиз дамлаб ичаверинг.

Муроджон жаҳл билан ўрнидан турди. Столдаги чойнакни олаётган эди, ялтироқ стол доғ бўлмасин деб чойнак тагига буклаб қўйилган қозғога кўзи тушди. Беихтиёр олиб, очди. Телеграмма экан, ўқиди.

«Муроджон уна, ойингнинг мазаси йўқ. Ғаниматга ўхшайди. Тез етиб кел. Дилингга армон бўлиб қолмасин».

Муроджоннинг вужудини қалтироқ босди. Кўз олдида каттақон доира пайдо бўлиб, гир-гир айланаверди.

— Қачон келди бу телеграмма?

Муроджон ўзининг овозини узондан эшитаётганга ўхшарди.

— Утган кунини келган эди.

— Нега менга айтмадингиз?

— Эсимдан чиқиб қопти,— деди Пошшақиз.

Муроджон нима қилганини билмади. Қўлидаги чойнакни хотинига олди. Пошшақиз чап бериб қолган эди, бурчакдаги телевизорга бориб тегди. Деворларга шама сачради.

У уйдан ўқис отилиб чиқиб кетди. Шу чиқиб нетганича икки ойдан кейин озиб, ранглари сарғайиб, сочларида икки-уч оқ тола билан қариб келди. У, уйга, ўз хонасига кириб нетганича, эртасига ҳам чиқмади. Пошшақиз деразадан қараса, диванда нўзаларини юмиб, қимирламай ётибди. Пошшақизнинг онаси, эрининг олдига кир, деган эди ранглари оқариб кетди.

— Вой, кўркаман...

Қайнона нўвининг олдига кирди. Аҳволини нўриб, нима бўлганини дарров пайқайди. Бетаҳорат бўлса ҳам, қуръон ўқигандек бўлди.

Пошшақиз кирди. Эрининг пешонасидан силаб юпатмоқчи бўлди. Аммо Муроджон унинг қўлини олиб ташлади. Ингради.

— Етолмадим, етолмадим, боргунимча бегоналар онамни нўмиб қўйишган экан.

Орадан беш йил ўтди.

Муроджон фан доктори бўлди. Онаси ният қилган кунлар келди. У бахтли эди-ю, аммо бу бахтининг бир чети келтин эди.

Муроджон докторлик ҳимоясидан уч кун олдин онасининг қабрига мармар тош олиб борди. Қайноқ қалб сўзлари битилган мармар лавҳа гарибгина қабр тепасида қолди.

Ешлик-шўхлик йиллари сувдек қирғоқларга сапчиб оқиб кетди. Ҳамиша омонат бўлган оналаримиз ўзлари тўймаган бу ёруғ дунёни бизга ташлаб кетишди.

Биров она дуосини олиб қолди, биров доғи-ҳасратда...

Бугун Муроджоннинг тушига онаси кирибди. Етоқхонада боласининг наравотиға омонатгина ўтириб, тугун өчаётганимиш...

1970, апрель

ХАЛҚ ХИЗМАТКОРИ



Чорсигина дала. Универсаллар тўзон кўтариб ўрмалайди, тигли «тароқ» билан эгатларни тарайди. Ўнда икки қаватли шийпон. У худди лангар ташлаб турган немага ўхшайди. Гоҳо қарта ёнидан зулукдек судралиб поезд эшелонлари ўтиб қолади. Адоқда эса Чирчиқ дарёсининг кўкатзор соҳиллари...

— Опамиз кутдириб қўйдида,— ташвишланди мезонлардан бири, кейин менга далда берди,— ҳозир келиб қолар...

Колхоз парткоми, бригада табелчиси, яна аллакани галма-гал уни дараклаб келишди. Йўқ.

— Идорага, депутат хонасига қўнғироқ қилинса-чи?— дедим парткомга.

— Бугун қабул куни эмас,— деди партком секретари Эргашев. — Қабул куни бўлганда ҳам, барибир, у киши расмийатни ёмон кўради. Тўғри келган ишнинг йўл-йўлаккай битириб кетаверади. Одамлар ҳам ўзи ҳар куни мурожаат қилишадими...

Охири бригада шофёри билан депутатнинг уйига жўнадик. Кўча эшикка етмасқизданоқ опанинг ўзи келиб қолди. Мезон бизни ичкари таклиф этаркан, узор айтган бўлди.

— Сайловчиларнинг ташвиши билан юрүвдим. «Пахта» посёлкасида кутубхона очмоқчимиз. Кутубхоналар талаб қилишди. Кичикроғи бор-у, район типидоғи очилсин, дейишди. Ўтган йили республика Маданият

министрлигига хат ёздик. Илтимосимиз инobatга олинди. Кутубхона қуришга маблаг ажратилди. Хуллас, «ПМК-5» деган қурилиш ташкилоти ишга киришди. Ускуналарни ташиб келтиришди. Пойдевор ҳам қазиб қўйишди. Ишимиз ўнгидан келганидан хурсанд бўлиб юрибмиз. Лекин қутилмаганда ишнинг пачаваси чиқса бўлади-ми. Суриштирсак, гишт-тахталар йўқ. Нима бўлган экан, дегм? «ПМК-5»нинг бошлиғи Сафин қурилишга ажратилган пулни ўзлаштириб юборибди, материалларни ҳам пуллабди. У жавобгарликка тортиқли. Энди «СМУ-49» кўрмоқчи кутубхонами. Яқинда яна 20 минг сўм пул ажратилди. Энди қурувчилар билан бир нарсасга келишолмай турибмиз. Қироатхона, нима бўлсаям, болалар богасидан нарироқ қурилиши керак, ахир, қий-чув дегандай...

Депутатнинг бунақа хайрили ишлари кўп. Олдимда уч қалин папка ётибди. Улар депутатга тушган юзлаб нақазлар. Яна уч юз ўринли кинотеатр лойиҳаси тайёр. Бу йил Эски Тошкент қишлоғини электрлаштириш тугаркан. Ҳаммом қайта тикланыпти. «Пахта» посёлкасига водопровод қурувлари ўтказиб бўлинди. Кўчаларни ободонлаштириш давом этапти.

Топшириқлар, талаблар кўп, жуда кўп. Аксарияти ҳал қилинган. Депутатга узоқ-қўқиндан турли-туман аришол билан

мурожаат қилишади... Зойир Одилсанов инструмент заводи ишчиси. У 1944 йилдан бери бир хонали уйда истиқомат қиларкан. Ҳозир катта рўзгор бўлиб қолди. Энди унга яйраб яшайдиган уй керак. Хуллас, депутат уларнинг ҳам оғирини енгил қилди.

— Манимча, илтимоснинг катта-кичиги йўқ,— сўз бошлади депутат,— бир куни янги оила қурган келин-куёв жанжаллашиб қолишибди. Келинг, отларини айтмай қўяқолай. Хуллас, эр муаллим, хотин — колхозчи. Эрнинг шикоят қилишча, хотини унинг маданий ҳаёт кечирishiга тўсқинлик қилаётганими. Улар етаклашиб қишлоқ советига, ҳатто район халқ маорифи бўлимига боришибди. Ўйлай-ўйлай бир қарорга келдим. Худди шуларга ўхшаган, бироқ тотув оила қурган эр-хотинлар билан маслаҳатлашдик. Устма-уст уйларига бордик. Ахир, келиштирдик. Ҳозир аҳил, аҳли турништипти. Опа нафас ростлади. Сўнг салмоқлаб деди:

— Вазифа экан. Ҳамма нарсаси аралашаверасан, баъзи бировларга ёмон ҳам бўлинадан. Шунақа пайтлари ўзимга ўзим, «ахир одамларнинг иши деб югураямкан-ку?» деб қўяман. Шу нарсаси кўнгилга далда беради, руҳлантиради.

Депутат ўйлашиб қолди. Кейин бирдан жонланди:

— Биласизми, анчадан бе-

ри бир нарсани ўйлаб юрибман. Депутатларга озроқ бўлса ҳам, махсус бюджет ажратиб бўлмасмикан? Сайловчиларга ёрдам бериш учун. Масалан, битта богча қураймиз, дейлик. Давлат маблаг ажратган. Лекин, нимаям бўлади-ю, у етмай қолади. Шунақада депутат фонди бўлса, дарров бериворасан. Иш юришади, қурувчилар ҳам хурсанд, халқ ҳам...

Қош қорайди. Мен йўлга отландим. Депутат ҳам далага ошиқяпти. Нариги хонадан жомакорини кийиб чиқди. У бирдан оддий колхозчиға айланди қолди. Бу ўша — оилада она, хўжаликда раҳбарлардан бири, меҳнаткаш халқ вакили Турсун-ой Охунова. Бу ўша — Социалистик Меҳнат Қахрамони, Ленин мукофоти лауреати, СССР Олий Советининг депутати, тиниб-тинчимас меҳнаткаш аёл — Турсун-ой Охунова.

Х. МУРОД

ҲАЁТБАХШ ҚўЛЛАР



Жарроҳ қўллари... Қанча-қанча ширин жонни ўлим қангилдан юлиб олган, ажал билан неча бор олишиб, инсонни ҳаётга қайтарган, сўлиб, қовжирай ёзган умид чечакларига обн-ҳаёт келтирган қўллар.

Тошкент медицина институтининг иккинчи хирургия кафедрасининг мудираси Муқаддам Ашрапова шу мазмундаги ташаккур, миннатдорчилик сўзларини ҳар куни эшитади. Ҳар сафар улардан янги кучга тўлгандек бўлади.

Шу институтни энди тугатганида билимларини инсон саломатлигига сарфлашга отланган тенқурулар қатори унинг орзуларига ҳам фашизм ўт пуркади. Фронт шифохоналари, душман ўқидан яралган Ватан ғимоячилари уларга муҳтож эди. Муқаддам Ашрапова ҳарбий комиссарликка ариза берди. Тажриба орттириш учун уни Қароқчиқум қишлоғига юбордилар. Бир ярим йил шу қишлоқда жарроҳлик, ҳамширалик қилди.

Ниҳоят, илтимоси инobatга олинди, фронтга кетди. Москвадан Қарпат тоғларигача уруш йўлларини босиб, доридармон билан ҳам, жарроҳ тиги билан ҳам, илқ-иссиқ сўз билан ҳам

қўлдан-қўл жангчилар жонига оро кирди.

Уруш тугади. Муқаддам Ашрапова яна билимини оширишга, халқ саломатлиги йўлида янгиликлар кашф этишга киришиб кетди. 1945 йилда институт клиникасига қайтиб, дастлаб орденатор, кейин ассистент, доцент вазифаларида ишлади. Кандидатлик диссертациясини ёқлагач, ҳаёли яна бир доvon ошини — докторлик даражасига етиш билан бўлди. Кундузи дарслар, операциялардан ҳориган олимпиада иш билан аксари кечалари шугулланарди. Ҳафтадан бир кунни мириқиб ухлашга ажратиб, қолган кунлари чала ором билан олти йил ишлади. Меҳнати ниятига етказди, 1964 йилда медицина фанлари доктори деган юксак номга эга бўлди.

Уч мингга яқин операция қилган жарроҳ хизмати муносиб тақдирланди. Профессор Муқаддам Ашрапова «Қизил Юлдуз», «Хурмат Белгиси» орденлари, беш медал, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Жарроҳ қўллари — ҳаётбахш қўллари. Дард кўрмасия қўлларининг, хурматли профессори!

Профессор Муқаддам Ашрапова шогирдлари даврасида.

21 июнь — Медицина ходимлари кун. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг биринчи ўринбосари Ўктам Орипов билан суҳбатлашди. Қуйида шу суҳбатни қўйисиз.



ШИФОКОРЛАР

Мухбир. Шифокорларимиз қўллаётган янги дори-дармонлар, янги даволаш усуллари ҳақида гашириб берсангиз.

Ҳ. Орипов. Ҳозир республикамизда ўндан ортиқ илмий-тадқиқот институти, беш олий ўқув юрти эл саломатлиги хизматида. Шулардан рентгенология-радиология, микробиология институтлари кейинги йилларда ташкил топди. Уларда ишлайтган ходимларнинг 158 нафари медицина фанлари доктори, 1068 киши — фан кандидати. Қолганларининг ҳам аксарияти юқори малакали, заҳматнаш, янгилик изловчи кишилар. Шунинг учун шифокорлик жабҳасида кашфиётлар кўпаймоқда, уларни бир-бир санаб ўтишнинг имкони йўқ. Айримларига тўхталиб ўтаман.

Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтида ўлкамизда кўп тарқалган ўсимликлардан эромуран моддаси олинди. Бу модда қон ўрнида ишлатилапти. Шифокорларимиз заруратдан довор қидириб қолмиш ташвишидан халос бўлишди.

Рентгенология, радиология ва онкология илмий-текшириш институти мутахассислари даволашда ультратовушдан кенг фойдаланишмоқда.

Семашко номли курортология ва физиотерапия институти ходимлари баъзи юрак-томир ва асаб касалликларини гидроаэроионизация усулида даволаш йўлини топганиклари шифокорликда катта янгилик бўлди.

Тошкент медицина институти қошидаги трансплантация (аъзоларни алмаштириш) лабораториясида янги организмга мослаша олмасликка қарши маълумлар яратилди. Бу дори ҳозир Вишневский номи жароҳлик институти ҳамда СССР Соғлиқни сақлаш министрининг жароҳлик тажриба институтида синалмоқда.

Мухбир. Шифокорлар олдиди ҳал қилишни зарур бўлган қандай масалалар турибди?
Ҳ. Орипов. Қўлга киритган муваффақиятларимиз келажакда халқимизни ичак касалликлари, сил, бруцеллез каби дардлардан тамомил халос қилиш имконини беради. Даволашда янги дори-дармонлардан фойдаланиш, касаллик бошланишидаёқ олдини олишни кенг йўлга қўйиш лозим.

Шифокорлар жамиятининг энг катта, энг нодир бойлиги — соғлиқни сақлаш ишига хизмат қиладилар. Меҳнаткашларнинг сўхат-саломатлиги учун бундан буюн ҳам тинмай курашиш уларнинг эзгу мақсади.

Тошкент Давлат медицина институти эллик ёшга тўлди. Унинг ҳозирги қамоллини тўла тасаввур этмоқ учун ўтмишига бир назар ташлайлик.

1919 йилнинг августи. Туркистон Коммунистик партияси ташаббуси билан Тошкентда медицина олий мактаби ташкил этилди. Кейин у Тошкент Давлат университети медицина факультетига асос бўлди.

Тошкентга Ленин йўлланмаси билан бир гуруҳ олимлар келгач, маҳаллий аҳоли ўртасидан шифокор мутахассислар етиштириш иши янада кенг йўлга қўйилди. Бу олимлар биринчи ўқув йилидаёқ кўп қобилиятли ёшларга таълим бериб, факультетнинг илк қалдирғочларини тайёрлашди.

1931 йили факультет негизда мустақил Давлат медицина институти ташкил топди.

Институт дастлабки кунлариданоқ бутун Ўрта Осиёда медицина илмининг марказига айланди. Бу ерда таълим олган илмий-педагогик мутахассислар Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Самарқанд ва Андиқонда медицина-биология институтларини бунёд этишда қатнашди.

Институтимизнинг қиссача таржimai ҳоли шундай.

Ҳозир институт факультетларида 7280 студент тахсил олмоқда. Шу кунгача бу факультетларда 18 мингга яқин врач етишиб чиқди, шу жумладан 3 минг врач хотин-қизлардир. Кафедраларимизда 141 олим фан доктори илмий даражасига муассас бўлди.

ТошМИ шифокор мутахассислар етиштиришнинг ўзи билан чекланмайди. У

катта илмий ишлар даргоҳи ҳам. Шу давр ичида ўн минг илмий иш эълон қилинди. Олимларимиз ошқозон-ичак, юрак-томир касалликларини даволашнинг янги усулларини кашф этишди.

Кейинги йилларда ташкил этилган марказий илмий-текшириш лабораторияси, биофизик лаборатория ва марказий клиника лабораторияларининг электрон-микроскопия, цитометрия, гистохимия бўлимлари энг янги асбоблар билан жиҳозланган, ҳар қанча нозик илмий тажрибалар ўтказиш имкониятига эгамиз.

Аҳоли ўртасида даволаш ишларини яна ҳам яхшилаш, илмий ишларнинг сифатини кўтариш, шифокор мутахассислар етиштириш иши яна ҳам кенгайтириш мақсадида институтнинг янги бинолар комплекси қуриладиган бўлди. Катта майдонга ёйилган янги биноларда ўқув-лаборатория корпуслари, кутубхона, кенг миқёсда шифохона, спорт майдони бўлади.

Институтимизнинг 50 йиллиги — халқ саломатлиги учун кураш ва катта ижодий меҳнат йўлидир. Энг гуманистик касб эгалари — врачлар халқимиз ҳурматида сазовор. Биз энг азиз кишиларимизга «Саломат бўлинг» деб тилан билдирамиз. Шифокорларимиз шу эзгу тиланни амалга оширувчилардир.

Мен сиздан даво топдим,
Меҳрибон шифокорлар!

каби сатрларнинг қўшиқ бўлиб кетганлиги бежиз эмас.

Ўрхон МАҲМУДОВ,
ТошМИ проректори, медицина
фанлари доктори.

Омон МУХТОРОВ

Темур узоқ юрди олис сафарда
Охир Самарқанда йўл олди.
Олис Самарқанда толди саркарда,
Толди...
Ўлтирди-ю тахтига ҳорғин,
Меъморни қақирди ёнига ҳоқон.
Буюрди: «Қайтдор ёнига боргин,
Пул ол, отахон,
Менга қабр очгин, ҳа, ҳа, қабр оч.
Ўмр барбир ўтди!»
Шоҳга таъзим қилди меъмор нонлоқ.
Кетди... кетди.
Келди ўзга бир кун

меъмор саройга,
Мақбара муҳайё!
Саркарда йўл олди белгилик жойга,
Оғир ва танҳо.
Лекин, бошда тожи, эғнида зар тўв,
Белида камари.
Энг сўнгги сафарга

бир ўзи бу кун
Отланган сингари.
Шоҳона этикнинг баланд пошнасин
Қақир тошга урнб шидаткор,
Яқин қуналардаги ўз қопонасин
Индимасдан айланди бир бор.
Турбат қаршида тўхтади оғир,
Асабий ва лол.
Тиззаси қаптираб,

тиз чўкди
негадир,
Шивирлади бежажол:
«Ерabo! Эртани-кеч, наҳотки, мен ҳам
Узилсам оламдан!

Наҳот, бир газ ерга сиғади одам,
Сувуқ турбат қолар одамдан?!

Шундай шивирлади...
сўнгра, ногаҳон
қайсар, бетизгин.
Эшикка йўналди ҳасратли ҳоқон,
Қўл силтади:
бузгин!..
Шундай қилиб, сўнгги сафарда
Ўз қабрини бузди саркарда!

Богда бир сас учар: келганда қўқлам
Чирой қираб биз гиёҳларга.
Аммо, шу бекиёс чиройимиз ҳам —
Билинмайди дилсизларга.

Богда бир сас учар: келганида ёз
Хизмат пайти келар биз гиёҳларга.
Гилам ё соябон бўлсак ҳам беноз —
Билинмайди дилсизларга.

Богда бир сас учар: куз келган кунда
Доғи хижрон тушар биз гиёҳларга.
Тўлиб қуйласак-да бог аро шунда —
Билинмайди дилсизларга.

Богда бир сас учар: қиш келар, ёху,
Унинг қасди бордир биз гиёҳларга.
Ҳаммага билинар ҳолимиз...
Ва ба —
Билинмайди дилсизларга!

Раҳим ака машинани ўт олдириди. Қорам-тир асфальт йўлдан илгарилаб нетдики. Экинзорлар, довулча туққан боғлар икки томонидан қолиб ўта бошлади.

— Мана, бу бошқа гап,— деб қўйди Ҳайитбой ота теваракка аланглаб,— Сергелига бормаганимизга ҳам қанча замон бўлди. Бир томини ёнғунча умринг ўтарди. Ажабни, ил ўтмай шаҳар қурилса...

Отанинг димоғи ҳоқ эди. «Қорасув» совхозининг биринчи бўлимидан, Сергели темир йўлдан ўтди. Яланглик бошланди. У ердан шаҳарча шундай кўриниб туради. Сергелининг жанубидида катта оилаларга берилган бир қаватли уйлар дарахларга қўмилиб нетган. Фақат оппоқ томи, мурилари, телевизор антенналарига кўзга чалинади.

урилди. Тантана бўлди, дастлабки пойдевор ётқизилди. Уй остига авлодларга мантув кўмилди.

Шаҳарча лойиҳасини тайёрлаш москаилин архитекторларга топирилган эди. Бу соҳанинг пирилари — А. В. Андрюшенко билан А. В. Стреминовлар зилзилдан 20 кун кейин чизмаларини юборишди. Унда шаҳарча 185 гектар майдонни эгаллаши, жами 150 минг квадрат метр уй-жой қурилиши кўрсатилган эди.

Чиякўл тўғайи улкан қурилиш майдонига айланди. Украина, Белоруссия, Болтиқ бўйи, Ленинград, Москвадан келган ҳарбий қурувчилар кечани-кеча, кундузини-кундуз демай ишлашди. У ер кечалари улкан промекторлар нурида аниқ бир манзара нафш этарди. «Қо-

«Гулистон» гурунги

«Гулистон» Тошкент шаҳридаги район партия комитетларининг биричи секретарларига бир хил савол билан мурожаат қилди: «Районингизнинг характери қисқасида қандай ҳақида Сиз нима дейсиз?»

Ҳурмати журналхон, қўлингиздаги «Гулистон» саҳифаларида ана шу саволга жавоб топасиз.

Ботир ХАЛИЛОВ, (Ленин райони):

— Районимиз меҳнат жабаҳсидаги аjoyиб аъёнalar билан машхур. Совет ҳокимиятининг тўла-тўқис тантанаси учун ўз ҳаётларини бағишлаган М. С. Качуринер, Д. И. Манжара, А. В. Червянов, П. Г. Полторацкий каби аъёнlar билан бизнинг район ишчилари эди. Хозир районнинг бир қанча кўча ва мактаблари уларнинг номи билан аталади. Ишчиларимиз биринчилар қаторида стахановчилик ҳаракатида қўшилган эди.

Айниқса «Октябрь революцияси» заводини фахр билан тилга оламиз. Бу йирик корхона биричи беш йилликлар даврида қишлоқ хўжалиги учун қўплат машиналар етказиб берди. Улуғ Ватан уруши йилларида эса граната, катюша снарядлари, бронепоезд сингарни аслаҳалар ишлаб чиқарди.

Бу заводда ҳозир 107 ишчи «ўз касбининг устаси» гувоҳномасига эга. Олти ишчи эса Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олган.

«Учкун» ва «Қизил тонг» фирмаларининг хизматидан мамнун бўлмаган киши республикамизда топиламанс керак. Умуман, саноатининг сифатли маҳсулотлари жаҳоннинг 50 мамлакатига жўнатилади.

Иляти ТУРСУМЕТОВ, (Куйбисhev райони):

— Пойтахтимиздаги илмий текшириш институтларининг қўпчилиги бизнинг районда. Маълумки, ҳозир фан билан турмушнинг алоқаси тобора мустақамлашиб бораётган. Районимиздаги ил-фан масканлари энг зарур, қўл урилмаган соҳаларни текшириш ва ривожлантириш билан банд. Ишюотларнинг зилзиласига бардош беришнинг ва механиканини ўргатувчи институтда шаҳарини қайта қуриш лойиҳалари яратилди. Янги қурилган тўққиз қаватли бинолар синоддан ўтказилди. Энергетика ва Автоматика институтини ҳам фанимизга анча-мунча янгиликлар олиб кирди. Ўрта Осиёнинг ягона энергия ҳалқаси генераторларининг автоматлаштириш устиди иш олиб боришмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси химия институтини ўрганаётган мавзулар республика халқ хўжалиги ахтиёрлари билан қамбарчас боғлиқ. Кейинги икки йил ичда амалга киритилган институт ихтиролари беш миллион сўмдан ортиқ фойда келтирди.

Тошкент — миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган гойат катта бог. Биз бу қадар гўзал гулзорлари, ям-яшил дарахторлари бўлган бошқа бирор шаҳарни билмаймиз.

Луиза МАМИАК,
Андре ВЮРМСЕР
(Франция.)

НЕВАРА ШАХАР

Эргаш ота деразадан тикилиб қаради-да, кўлиб қўйди. Менинг ҳаёлим қочди. Ўттиз йил мироблик қилиб пенсияга чиққан Эргаш ота! У ўзича кўлими, бир гап бор. Ҳамма ишни пишиқ-пухта қилиб ном чиқарган бу нарийни чойхоналарда, маъракаларда кўп нузат-ганман. Фалатироқ бир нарсга нўнгилдан ўтдини, кўлимисирайди. Ҳозир ҳам у қимтинги қўйди-да. Ҳайитбой отага юзланди.

— Ҳайитбой, дейман, тўғайдан аравини ташлаб қонганинги гапириб берсанг-чи?

— Қўйинг, қаердаги гапларни топасиз,— Ҳайитбой ота қизарди.

— Нега уяласан? Айби йўқ. Манави ёшлар эшитмаган. Чиякўл қанчага мий бўлганини билиб қўйишини.

Ҳайитбой ота бирпас иккиланиб турди-да, гап бошлади.

— Бу воқеага ҳам бир ўн йил бўлди чама-си, Эргаш? Йўқ, ундан ҳам олдин экан. Ўша вақтда Калинин колхозини эди. Совхоз янгида бўлди-ю... Арава кўшардим. Сумбула суви гўзага малҳам бўладиган пайт. Бир кунни тушдан кейин чим олиб келасиз деб қилишди. Уйишадиган ёрдамчи топиламан. Қонимиз қайнаб турган вақт эмасми, «чуқ, жонивор!» деб отга қамчи тортидим-у, битта ўнча жўнаб кетдим. Ўшанда қишлоқда бунақа йўл қурилиши кимнинг ҳаёлига келибди, дейсиз. Ташминимда-манга шу қорраҳанин ўрнида бўлса-неранда,— Ҳайитбой ота Сергелига кираверишдаги шаҳар билан қишлоқ йўли учрашадиган жойини кўрсатди,— аравининг гилдирагига барди боғлаб тўғайнинг ўртасига кирдим. Отни аравадан чиқариб, ўтга қўйдим. Чим ўйишга тушдим. Бир киши — бир киши экан. Кун ботиб қолди. Аравини тўлдириб угурмадим. Ярим қилиб қайтишга уялдим. Яна озгина уяй-чи, деб турсам, шундоқ биқинимда бир нарсга уввас тортиди. Чиябўри экан. Зах қочирадиган Қўмариқнинг марзасига чиқиб, қўнқарайиб ўтирибди. Қўнқарашлаб кесак отдим. Қочиб қамшига кириб нетди. Салдан кейин ортимда чиябўриллар тўдалашиб улишга тушди. Гапнинг очиги, кўрдим. Колхоз ҳосилоти Мўҳиддин ака Аскаровдан тўғайда чиябўриллар унгалм ҳужум қилганини эшитувдим. Чиябўри гала-ғош бўлиб келдим, ундан яхшилик кутиб бўлмайдим. Аранг отни юганлаб олдим. Чиябўри ўраб келаяпти. Отни лйдоқ миниб қишлоққа қараб чопдим. Тўғайдан чиякўнча чиябўриллар ортимдан қолмади. Араванин эртасига олиб кетдик...

— Ўша вақтда шаҳарчининг ўрни колхозлар ўртасидаги ер эди, шенили. Юзасига сув тепиб ётганидан энин битмасди,— деди Эргаш ота.

Лаҳзада шаҳарчага кириб келдик. Тошкентдан бораверишда аввал икки қаватли уйлар ёнидан ўтасиз. Қурилиш ҳам худди мана шу ердан бошланган.

Мўхбирлигининг бир ахши томони бор. Бошқаларга нисбатан кўпроқ юриб, кўпроқ кўрмасан. Журнал юмуши билан Сергели қурилайётганда ҳам бир-икки марта келганим. 1966 йил эди. Бутун мамлакатнинг кўзи Тошкентга тикилган. Зилзила тўғайли бошпанасиз қолганларни уй-жой билан таъминлаш — ҳамма-нинг қайғуси шу эди. Май ойида тўғай ўрнида қад кўтарадиган шаҳарча қурилишига кўл

расув» совхозининг темир йўл ёқасидаги мак-кажўхори экилган ери биноорлик материаллар омборига айланди.

Ез назарама исигини тўкиб солган, бутун мавжудот ҳарсиллаб нафас олаётгандек туюлади. Бироқ қурувчилар гайрат билан ишлашди.

Зилзила тўғайли бутун-бутун шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлганини кўп эшитганмиз. Ленин тарих бунақанги қисқа муддатда шаҳар қурилганини кўрмаган бўлса керак. Иш бошланганига бир ярим ой ўтибқ дастлабин оила ҳовли тўйи қилди. Бир йилга қолмай шаҳар қад ростлади.

— Ҳў, илгари келганимизда ҳамма ёқни қурувчи саллотлар босиб нетган эди-а? — Ҳайитбой ота Эргаш отага ўғирилди.

— Ўзимам ишламаган миллат қолмади-ёв. Барига балли!

— Роса ҳафсала қилишибди-да,— деди Эргаш ота.—Дарахлар ҳам катта бўлиб қолибди. Ҳадемай кўнчани беритилади.

Отанинг гапида жон бор. Ҳозир Сергелининг бежирим, сердархат кўчасидан ўтганда кишининг бахри-дйли очилди. Дарахлар соя ташлаб қолган уйларнинг олдида ранго-ранг гуллар очилиб ётибди.

Шаҳарчининг марказий майдонини айланиб ўтаётганимизда Ҳайитбой ота шошиб ўғлига қаради.

— Бирпас тўхта! —Орифхўжанинги ўғлини кўриб қолдим,— деди Ҳайитбой ота.— Ҳўрма-бор бўл қилиб ўтайлик.

Машинадан тушдим. Обид ака мўсафидларни кўриб таъзим қилди.

— Э, хуш келибсизлар, хуш келибсизлар! Қани, марҳамат! Бир пиёла чойимизни ичиб кетасизлар.

Обид ака ҳақиқилоғимиз. Хонободдан чиққан. Биз шаҳар айланиб унинг уйига ўтадикан бўлдик.

— Мен бориб тураман. Кечикманглар-а?

Раҳим ака педални босди. Янгида ишга тушган тикувчилик фабрикасини, шаҳар аҳолиси хизматиди автобус паркинни, бозорни айландик, «Шарк» кинотеатрини томоша қилиб ўтдик.

— Одамлар гапирса, радиодан эшитсам, сал лофи ҳам бординку, деб ўйлардим. Ўзимам, бир-икки минг одам яшаар?

— Йигирма минг,— дедим.

«Қаранг-а!» деган маънода бош чайқаб қўйди Ҳайитбой ота.

... Обид ака кутиб турган экан. Ичкари кирдик. Чорси ҳовли. Гулзор. Олча-олмалари ҳосилга кирибди. Ерга салом бериб ётибди. Уй шинам. Айвон, учта хона.

Чой устида Сергели таърифидан гап кетди. Ўн минггад кўчат ўтқазилгани, салкам бир миллион дона гул экилгани айтилди. Сергелиликлар Тошкент шаҳар Советининг табият-ни муҳофаза қилиш Совети таъсис этган диплом билан мукофотлангани, Ҳадемай троллейбус қатнови бошлангани...

Орқага қайтганимизда қўёш уфққа бош қўйган эди. Баисилоки киримиз барнаш.

— Эртага ҳаво очиқ келар экан,— деб қўйди Ҳайитбой ота ял-ял товланаётган ша-фаққа тикилиб.

Сабоҳиддин МУҲИДИНОВ.

ЎЗИНГИЗГА ҚАРАНГ...



Оқшом.

А. АБАЛЯН ФОТОСИ.

«Гулистон» гурунги

Шоира АХМАДАЛИЕВА, (Киров райони):

— Бизнинг район ишчилар райони, Тошкентдаги машинасозлик, металл қайта ишлаш заводлари, енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг кўпи бизнинг районда.

«Ўзбексельмаш» заводи пахтакорларнинг фахри. Тошкент экскаватор ремонт заводи республикамиз сув ҳўжалигига хизмат қилади. «Компрессор» заводида яратилган кўчма компрессорлар йўл қурилиши, кон, геология ишларида энг зарур ускуна саналади.

Районимиздаги саноат корхоналари ўттиздан ортиқ хорижий мамлакатларни ўз маҳсулоти билан таъминлаб турибди.

Доҳиймиз юбилейи арафасида «Висотстрой»нинг 11-қурилиш трести бир неча қурилиш ташкилотлари билан ҳамкорликда В. И. Ленин музейи қурилишини тугаллаб, давлат комиссиясига «аъло» баҳога топширди. Ленин номли хиббон, Горький номи проспекти ҳам шу трест қурувчилари қўли билан бунёд этилди.

Агар биров соқоллари ўсган, уст-боши гижим, пошниси қийиниқ, тугмаси узилган ҳолда қўчага чиқса, «фалончи ўзига қарамай қўйибди» дейилади. Бу ибора жисмоний маънода, яъни бесўнақай семирмоқ кетган, юз-қовоғи салқин одамлар ҳақида гапирганда ҳам қўлланилади. Аммо бу таъбир ички, ҳиссий дунёнинг қашшоқлиги, маънавий бефарқлик ҳақида ишлатилса — бу жуда ҳам жиддий масала.

Чиндан ҳам, маънавий жиҳатдан «ўзига қарамай қўйган» одамлар бўлади, улар ўз фожиаларини тушунмайдилар. Бизнинг подъездда зинадан чиқаверишда икки эшик бор, ҳар эшик олдида почта қутиси. Бир қутига «Правда», «Шарқ юлдузи», «Театр», «Совет Ўзбекистони», «Новый мир» сингари йигирмага яқин газета-журналларнинг рўйхати осилган, иккинчи қутига эса ёлғиз «Футбол» деган сўз ёзилган турибди. Иккала қутининг ҳам эгаларини танийман. Бирини жуда хушчақчақ, бола қийқиритидан ҳам, ёмғир қўйишидан ҳам завқланадиган, ҳар нарсасига шоирона кўз билан қарайдиган тетик бир қария. Иккинчиси офтобдан ҳам, радиодан янграган қўшиқдан ҳам ноллиб, ҳар нарсасдан газабланадиган, қовоғи солиқ, қўшнига эл бўлмайдиган тунд йигит. Ишдан келиб овқат қилади, футбол бўлса жиндек телевизор томоша қилиб, ухлайди. Ҳаҳондан беҳабар, санъатда нима бўлаётгани билан иши йўқ, қўшнilarининг тинч-омонлигига бепарво, ўзини негадир бахтсиз ҳисоблайди.

Шундай қилиб, бахтсиз билан бахтиёр бир подъездда туришади.

Билмадим, бу балки шунчаки тасодифдир, лекин одамнинг ўз маънавий тақомилига бефарқлиги, ўзига қарамай қўйиб, жамиятнинг маданий даражасидан тушиб қолиши, айниқса эстетик қашшоқлик — маънавий тушқунликка ҳам олиб келиши мумкин.

Бизнинг давримизда бу ҳол айниқса эриш туюлиди. Ҳозир одамнинг қалбдан бойиши, давр даражасида кенг савияли бўлиши учун ҳамма имконият бор. Кино, газета, журнал, радио, телевизор, кино, театр, клуб, ҳаёқ университетлари, мажлислар, суҳбатлар, дўстлар... Бари — қалб ва онг учун. Бари — бойлик ва информация. Ҳозир информация шу қадар қўнқи, у фан ва техника ёрдами билан талаб қиладиган илмга айланиб қолди. Шундай шароитда ҳамма нарсасига бефарқ бўлиб, маънавий тақомилдан воз кечиш учун қалби кесак, ақли ланж одам бўлиш керак.

Маънавий ва эстетик тақомил ҳар қандай касбадаги одамга ҳам зарур. У ижодий тасаввур кучини оширади, фантазияни кенгайтиради, энг оғир шароитларда қатъиятли, ўзига ишончли, қуввоқ ва изчил бўлишга ўргатади. Эйнштейн Достоевский ҳақида гапириб, шу адиб менга ҳар қандай олимдан кўпроқ озиқ — маънавий тўқлик берди, деган эди. Космонавтларимиз орасида санъ-

атга бефарқ биронта одам йўқлиги ҳам, космосда Бах, Блок ёки сирень гули керакми-йўқми деган ажойиб баҳслар бўлиб ўтганлиги ҳам бежиз эмас.

Маънавий жиҳатдан ўзига қарамай қўйган одамнинг ҳеч қанақа манфаати ҳам, бировларга ёки бировларнинг ижодига, меҳнатига ҳурмат ҳисси ҳам бўлмайди. Атрофда ҳамма ижод қилади, ишлайди, ҳаёт обод, гўзал бўлсин дейди. Бу эса барига бепарво...

Бир оқшом мен кўчадаги қатор чиройли чироқларни тош билан уриб битта-битта синдираётган йигитчини кўрдим. У обод кўчани безаб, ёритиб турган катта лампаларни, астойдил меҳнат қилаётгандек, жиддий туриб, чил-чил синдирар, тоши текканда лампанинг «пақ» этиб отилишидан завқланар эди... Мен бу йигитни биламан. У асабий ё тентак эмас. Лекин тўрт йилдан бери на ўқийди, на ишлайди, кино афишаларига лой билан ёзган беадаб сўзларидан биламанки, саводи ҳам чала. Ҳар оқшом кино эшиги олдида ҳозир нозир. Фильм кўриш учун эмас, шунчаки вақт ўтказиш, ваз топса муштлашиш учун, ўзига ўхшаш шалоқларни излаб, соатлаб писта қақиш учун чиқади. Ўзига қарамай қўйган бундай одамларнинг йирик-роғи ҳам бўлади. Улар ҳаётга, гўзалликка, инсон меҳнатига бефарқ ҳолда, бирон мансабни эгаллаб ўтирган бўлсалар бундан ҳам ёмон.

Тошкентнинг машҳур Скверига бир чиройли иншоот бор. Диаметри 4—5 метрдан келадиган учта катта бетон коса пасту-баланд қилиб, худди нилуфар гулининг косаларидай ўрнатилган. Архитекторнинг фикрича, тиниқ сув косаларнинг биридан иккинчисига шаршарадек оқиб, оромгоҳдаги одамларнинг дилини аллалаши, баҳрини очиб шилдираб туриши керак. Жуда гўзал ижодий фикр! У амалга ҳам оширилган: катта пул ва неча-неча одамларнинг меҳнати сарфланиб, иншоот қурилган. Аммо «Нилуфар косалар» тўрт йилдан бери ахлат қутиси бўлиб, кўлмал сувдан сасиб ётади. Бунга кимдир қараш керак-ку? Ўша «кимдир» бу гўзал шаршаранинг озгина меҳнат билан ишлаб кетишини билади. Аммо, у маънавий қашшоқ, одамлар ижодига ҳурматсиз бир шахс бўлгани учун бунга бепарво.

Қўпгина янги кварталларда микроқлим яратиш учун қилинган ҳовузаларнинг аҳволи ҳам шундай. Улар қимматбаҳо ложувард кафеъл билан ишланган, лекин зилол сув ўрнига лой, тош, ахлат билан тўлиб ётади.

«Ўзига қарамай қўйган» одам бориб-бориб шунга ўрганиб, жамиятга зиён келтира бошлаганини ҳам билмайди. Одамнинг маънавий бутунлиги, гармоник тақомили тарбиявий ташкилотларига эмас, шахсининг ўзига ҳам боғлиқ. Тақомил ҳар кимнинг бир умрлик тинимсиз ишидир. Маънавий фалол одамгина давр ва жамият билан баробар қадам боса олади.






Ростовлик қурувчи-монтажчилар.

ТОШКЕНТ-

ДЎСТЛИК РАМЗИ

Пойтахтда
қардошларимиз
ёрдами
билан
барпо
этилган
янги
кварталлар.

Г. ГРАФКИН фотолари.





ЎЗБЕКНИНГ ЖОНИ-ДИЛИ

Александр ДЕНЧ

Москвадаги «Советский писатель» нашриёти таниқли публицист, адабиётшунос Александр Денчининг «Хозирги кун, ўтган кун» деган китобидаги ақидада ўқувчиларга тақдим этди. Китоб А. В. Луначарский ҳақидаги «Революция шоири» очерки билан очилади. Унда М. Кольцов, Е. Зозуля, М. Рильский, И. Р. Бехер, А. Барбюс ва бошқа адиблар тўғрисида хотиралар бор. Қуйида шу китобдан Ойбек ҳақидаги очеркнинг бир бобини босдик.

1916 йилнинг салқин кузак тонги, Киевнинг марказий кўчаларидан биринида ҳамгин қиёфали галати бир аломон ўтиб боради. Юн ортилган кўш ўрнатилган туллар аста оқибдилар, уларни қаламча тўн кийган серсоқол некалар билан ҳали мурти сабаза урмаган ўспиринлар совуқдан жунжишганча намчил тош йўлдан етаклаб боришарди.

Ҳаёлимга беҳитибер Лермонтовнинг «Уч пальма»сидаги сатрлар, «Минг бир кеча»даги афсонавий манзаралар келиб нетди.

Ешлигим ўтган бу шаҳарда сароб деган нарсга бўлса эди, мен буларнинг ҳаммасини бир ҳавл ёки сараб ҳисоблаб кўнқолар эдим. Лекин уша манзарга сийран ўтинчиларининг ҳайратомуз кўзи ўнгидан ҳамон давом этарди. Маълум бўлишича, подшо маъмурулари Туркистон аҳолисини мардикорликка олган, фронт орқаси ишларига сафарбар қилган экан. Улар Урта Осиё кўллари ва Орол денгизидан бўй ёлқарга пиёда узоқ йўл босиб, Фаронжа нубий фронтга नेताбган эканлар. Уша маҳалда чечна ўлкаларимиз ҳаётини жуда кам биларди.

Кейинроқ, йигирманчи йилларда тақдир заили билан Фарғонага бориб қолган бир инженир ошман Москвадаги уйимга келиб юрди. У Ўзбекистоннинг бу саховатли гўшасини севиб қолган, унинг одамларини иқлимининг оғидан қўймади...

Буларнинг ҳаммасини ўз кўзим билан кўргим келса ҳам, лекин бунинг хонаси мела вермасди. Катта меҳнат зафарли йиқилган Туркистон темир йўли Урта Осиёни Сибирь билан туташтирганда бу йўлни очиб маросимини да қатнашмоқ учун москвалинлар, заводлар ва корхоналарнинг вакиллари, журналистлар, ёзувчилар, артистлар тушган махсус поезд Москвадан йўлга қчди. Бу мароқли сафарни «Огонёк»чилар бошлаб беришган эди. Ушанда Туркистонга бортмаганимга ҳали-ҳали ачинаман. М. Кольцов билан Е. Зозуля мени редакцияда қолдириб, ўзлари сафарга йўнашди. «Дўнонда ҳам бирор одам ўтириши керакми, ахир!» — деб ҳазиллашганди Кольцов.

«Огонёк» ушанда бу қурилиш ва Урта Осиёга атаб махсус сон чиқарган эди. Журналистнинг уша сонни ўзбекларнинг индан тўқилган матосига ўхшаш йўл-йўл гулли ялтироқ, сариқ муқовида чиққани эсимда. Кольцов билан Зозулянинг бошларида дўппи, қўрган-кечирганларидан завоқланиб, таассуротларга тўлиб келганлари ҳам ёдимда. «Дўнонда ўтирганимга менга ҳам ўзбекча тўн тортиқ қилишганми. Ушанда ҳам бирор одам ўтириши керакми, ахир!» — деб ҳазиллашганди Кольцов.

Ўз келажигини ҳеч ким билмаслиги ҳаммага маълум. Ахир, мардикорликка олинган ўзбекларни учратганимдан кейин йигирмага беш йил ўтиб, уларнинг юртига бориб қилишимни, уша подшо сафарбарлиги бахона бўлиб кўтарилган 1916 йилги кўзғолон тасвирланган «Қутлуғ қон» романи авторини Ойбек билан дўст тутинишимни башорат қилаолармики?

Инсон ҳофизаси ҳадисиз денгизга, хотиралар аса шу денгиз сатҳида сузган немаларга ўх

шайди. Елкани оқариб кўринади, тўлқинда чайқалади-да, олис-олисларга сузиб нетади.

1941 йилнинг ноябри... Гоҳ қайноқ офтоб нуридан яллиғланган, гоҳ ёмғир сели мотам-саро қилган Тошкент нузи, Гунафшаранг оқшомлари Биринчи Май кўчасидаги уйнинг ёздагидек кенг очиқ деразаси хотирамдан сира кўтарилмайди. Ўзбекистон Ёзувчилар союзи, Сибирь ва Туркистон йўлларида узоқ, қарий бир ойин сафардан сўнг ўзимни ўнглаб олмасимдан Ҳамид Олимжоннинг кабинетиде ўтирибман. Унинг бугдойранг, маъноли юзига, ёниб турган кўзларига боқаман, босиқ ва сал шиддатли овозини тинглайман, шунда қалбим ишонча тўлиб, таскин топаётганини сезаман. Фронтлар эҳтиёжи учун қаттиқ меҳнат қилиш ниятида уруш амри билан Тошкент Совет Иттифоқининг кўп шаҳарларидан келган ёзувчилар, олимлар, артистлар, музикачиларнинг қароргоҳи ва иноқ манзиллига айланган чоғларда Ҳамид Олимжон олдида кечиктириб бўлмайдиган қанчадан-қанча масалалар кўндаланг бўлиб турар эди. У ҳар биримизга билиб, оқилона муомала қилди, меҳрибончилик кўрсатди. Ҳар бир санъаткорни пухта билиш истеъдоди ва ақли расо давлат арбобининг фазилатлари Ҳамид Олимжонда муассас эди. Уша пайтда у менга бундай дегани эсимда:

— Сизлар учун Тошкент уруш тугагини куттиш зали бўлмаслигини истардим. У бир умр ёдингиздан чиқмайдиган ўз хонадонингиз бўлиб қолсин.

Уруш йиллари Тошкент чиндан ҳам ижодий кучга тўлиб яшди. 1942 йил 12 декабрда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг совет адабиётининг 25 йиллигига ва унинг Ватан уруши давридаги вафизафарига бағишланган пленуми очилди. Ҳамид Олимжоннинг ташкилотчилиги салохияти ёзувчиларнинг кўп миллатли оиласини жипслаштирди. Шу пленумда унинг ўзбек совет адабиётининг 25 йиллиги тўғрисидаги докладидан сўнг, Якуб Колас, К. Чуковский, Е. Бертельс, В. Жирмунский, И. Добрушин, Л. Нечкина, Д. Благой, М. Голодный, С. Михоэлс ва бошқа кўп нотифлар маърузага чиқиб, нутқлар сузлашди. Бу пленум ва уни йиқилган адабий кеча совет ёзувчилари ижодидаги илҳом бахш этган халқлар дўстлиги руҳида ўтди. Уша кечада Ҳамид Олимжон, Фафур Гулом, Шайхзода, Чустий, К. Чуковский, М. Голодный, В. Луговский, Якуб Колас, Микола Терешченко ўз шеърларидан ўқиб беришди.

Ҳамид Олимжоннинг ҳар бир нишида Ўзбекистоннинг ўтмиш маданияти ва ҳозирги даврига қизиқиш уйғотиб олиши тезда самара кўрсатарди.

Мени Ойбек билан таништиргани, шундай қилиб ўзоқ вақт давом этган дўстлигимиз ва ижодий ҳамкорлигимизга «маънавий ота» бўлгани учун марҳум дўстим Ҳамидга қалбим тўрида миннатдорчилик сақлайман. Уша пайтда Ойбек Навоий тўғрисидаги роман устида берилиб ишлар: Хирот даври ҳақида, улуг шоир ва донишманд Алишер Навоий атрофидаги кишилар тўғрисида соатлаб сўзлаб бераолар эди. Адиб қадимги Хирот ҳақида шу қадар шўнғиб кетган экани, гўё султон Ҳусайн Бойқаро гуллашганида ҳар бир дарак ва ҳар бир япроқни, подшоҳ кўшнинидаги ҳар бир нақарни аниқ билар, яхши танирди. Шу чоқча ҳам билганим Урта Осиё Уйғонини даври оламига у мени ҳам олиб кирди, Алишер Навоий «Ҳамас»сини ёзган даврдаги шоир ва мутафаккирларга нисбатан муҳаббат уйғотди. Биз Ойбек билан биргаликда «Навоий ва унинг даври» тадқиқоти устида иш бошладик. Ҳамид Олимжон учрашиб қолган пайтларимизда ишимиз қандай бораётганини суриштириш-

ни сира унутмасди. Ўзбек адабиётининг тақдирини уни ҳаммаша банд этарди. Москвага қайтиб келганимдан кейин, 1943 йили Ҳ. Олимжондан Ўзбек адабиётининг Москвадаги деканаси арасида телеграмма олганим эсимда. «Ўзбек адабиётининг бўламак нечаларида Сиз нималар қилдингиз?», деб сўради Ҳамид, Шу мазмундаги телеграммаларни Тошкентдан қайтган бошқа ўртоқлар ҳам олган экан.

Ҳ. Олимжоннинг 1944 йили автомобиль ҳалокати пайтидаги фокиона ўлими ҳаммамизни ўртади.

Уруш вақтида Тошкентнинг Пушкин кўчасидаги тўрт қаватли 84-уйда Москва ва Ленинград олимлари ва ёзувчиларининг иборат катта бир жамоа истиқомат қилар эди. Оқшом чоғлари қоқори қаватдаги катта залда тўпланишарди. Бу ерда Александр Гольдштейн экинросида фортепиано классикалари асарларидан куйлар тинглаш мумкин эди. Унинг бармоқлари клавишларга тегиши биланоқ куй енгил ва эрини парвоз этар, гўё Ясная Полянада Лев Толстойни ижроқилин маҳорати билан махлиб қилган ёшлик йилларидаги ҳарорат вужудида ҳамон жўш ураётгандек бўлар эди.

С. М. Михоэлс тингловчиларга музика асарларидан намуналар чақиб беради, ўз коллективнинг артистлик режиссалиридан сўзлар, Якуб Колас, Исидор Уткин, Владимир Луговский, Николай Ушаков эса, шеър ўқиб беришарди.

Шундай учрашуви ва шеърхонликлардан сўнг кўпчилик бирортаниннинг хонамизда узоқ ўтиришиб қолиб, соатлаб суҳбатлашар ва бахслашар эдик.

Евгений Эдуардович Бертельснинг орзиқиб эслайман. Ажойиб одам эди. Донги дунёга таралган, Петербург консерваториясини ҳам тугатган, кўп нарсалардан бохабар шарқишнос олим бўлган бу одам араб, турк ва форс Шарқининг қомуси эди. Омадим келиб, «84-уйдаги (ҳамма шундай деб атарди) хонам унинг хонаси рўпарасида эди. Евгений Эдуардович неча-неча бор маъсалафти билан кўпми берганид. Ҳаёт мулоийи ва назокатли бўлиб, ҳар қандай сўроқча ҳам ажабланмас, керакли маълумотни астойдил айтар эди. Бертельснинг хотирасини бепойён деса бўларди, Шарқ позисига тааллуқли жамини нарсаси унинг миёнасида мустаҳкам жо бўлган эди. Ўзи кўп ҳам гапон эмасди. Кунданли турмуш икир-чикирларига бепарво қарар, кўпгина «кўчирилган»ларга ўхшаб маиший маънафатлардан ҳам сира шикоят қилмасди. Лекин Шарқ тарихи ва адабиётининг энг мураккаб муаммоларидан гап очилиб қолса борини, Бертельсга жон кирди, шеър, ҳикмат, ривоят ва афоризм сатрлари, қадимий шоир ва тарихчилар тўғрисидаги ҳақиқатлар дарёдек оқаварларди. Бертельс билан бўлган суҳбатларимизда Ойбек қатнашарди турарди. У «84-уйда» бирдан пайдо бўларди. Дўпписини бостириб кийган, бўйдор, хушомат ва хушрўй бу ўзбек оддий қаламкича ностюмда ҳам аломат кўринарди. Уни айниқса халқ одатича чечнагиса атир гулли, чинни гулли тақиб олган пайтда кўрсангиз эди. Ўзбеклар гулли севиб, қадрлашарди. Шунинг учун ҳам уларнинг шеърлигида гул ҳам ўз маъносига, ҳам мажозий маънода келади.

Уруш йиллари, Тошкентда шаҳар транспорт базўри юриб, эски трамвай вагонлари тўлиб-тошиб қатнаб турганда Ойбек ўзининг Ишчилар шаҳарчасидан (Ўзбекистон пойтахтидаги энг ёш маҳаллалардан бири шундай аталарди) Пушкин кўчасидаги 84-уйгача, бутун шаҳарни йиғитлардек пиёда босиб ўтиб, келаварди. Уни дераза несақисига ўтириб, мени нутабган ҳолда бир неча бор учратиб, неча бор телефон қилмаганини, уйда бор-йўқлигини нега сўрамаганини айтсам, Ойбек:

— Нима қиламан? Юрган йўлингизга ўйлаш қандай яхши,— дерди.

Гўё шуни тасдиқлагандек, бўламак китобиимиз учун бир талай қадимф ва мулоҳазаларини айтиб соларди.

Кунарлардан бир кун би Ойбек билан катта ва одатда нимсасиз Асаннинг майдонидан ўтиб боради. Ҳуж-ҳуж ўсган ям-яшил теранларгина майдон хуснини очиб турарди. Ойбек уша теранлар сояси билан бораётган гавдали, соч-соқоли оқарган мўйловдор бир мўйсифидини кўриб қолди-ю, севинчидан ирғишлагудек бўлиб, унинг ёнига югурди. Улар маҳкам кучоқлашиб ўзоқ кўришди. Кейин

(Охири 22 бетда.)

ҚУЁШ МАСКАНИ

Агар ёлғиз ёсанг ҳамдам китобдур,
Билим субҳидаги нур ҳам китобдур.

Абдурахмон ЖОМИЯ

КЕЧА...

Шинамгина хужра. Шам атрофида давра қурган тўрт кишидан ёшроғи газал ўқийди. Тингловчилар байтлар куйига маст тебранишди. Баъзан бу сатрлар юрак қатларидан чуқур ҳўрсини, нола, изтироб олиб чиқади...

Ҳа, халқимиз азал-азалдан китобни севган, қўлидан қўймай ўқиган, ўрганиб ижод қилган. Қадим вақтлардаёқ ҳар бир фозил хонадон китоб жовонларида Навоий «Хамса»сини, Лутфий девонини эъзозлаган. Машраб сатрлари билан дардлашганлар, қалбларда Муқимий ғам-андухи яшаган.

Китобдан дардига даво, зулматга зиф қидирган халқимиз. Шунинг учун ҳам китоб — офтоб дейди у.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё Россияга қўшиб олиниши билан улкага зийор революцион Россия ҳам кириб келди. Гарчи ёзма адабиёт кўпдан мавжуд бўлса-да, матбаачилик, кўплаб китоб нашр этиш шу даврда пайдо бўлди. Босмахоналар қурилиб, китоблар кўпайгани оммавий кутубхоналар очилди эҳтиёжини тўғдирди.

Бир аср муқаддам, 1870 йил июнда Тошкент халқ кутубхонаси очилди. Ушанда тузулган биноси, китоб сотиб олишга маблағи бўлма-са ҳам кутубхона бойиб бораверди. Бу ишда таниқли олимлар, маърифатпарвар шарошунослардан академик Бартольд, тарихчи Вяткин, китобшунос олим, кутубхонанинг биринчи мудири Димитровский жонбозлик кўрсатишди. Туркистонга оид нодир адабиёт фондиди шулар тўплашган.

Революциягача 80 минг жилд китоб жамлаган кутубхона 1924 йилдан Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонасига айланди, кенг омманинг билим маскани бўлиб қолди.

Гениал шоир Навоийнинг 500 йиллик юбилейи вақтида 1948 йили кутубхонага унинг номи берилди.

БУГУН...

Кутубхона эшиги олдида одамлар турна қатор. Фақат бугун эмас, дим шундай... Сессияга, ўқув юртларига кириш имтиҳонларига тайёрланиш учун келган толиби билимлар булар. Қанча-қанча олим, ишчи, деҳқон, колхозчи, механизатор фан янгликларини билан шу ерда танишади, билимини бойитиш учун шу ерга келади.

Бугун кутубхонага муҳбир сифатида кираётганимдан шундоқ ўтиб кетмоқчи эдим, аллаким енгимдан тортиди. Ўғирлиб қарасам, нотаниш.

— Кечирасиз, навбат билан! — деди у қатор охирига ишора қилиб. Бориб турдим. Ҳозир студентларнинг ҳазиллашиб «пуп» деса, ростдан ёнадиган пайти. Бир ёнда куннинг иссиғи, имтиҳонга тайёрланишнинг ҳам ўзи бўлмайди... Бундай вақтда уларга тегишиб бўладими!

Навбатга туриб, хаёлга толдим. Кутубхонанинг ҳозирги биноси 1948 йилда замонавий лойиҳа билан қурилган бўлса-да, бугун ҳамма китобхонларга ҳам пешма-пеш хизмат кўрсатолмаяпти, чоғлиқ қилиб қолди. Китоб сони ҳам (уч ярим миллиондан ортиқ), китобхонлар сифи ҳам (42000 нафар) нун сайин ўсиб борапти...

Навбат этиб, ичкари кирдим. Каталоглар залида китоб кўрсаткичларини излаётганлар саноксиз. Сочини жуфт ўриб, орқасига ташлаб олган қиз буюртма варақаларини тўлдирди-да, пулты ёнига келди. Буюртмалар ижро учун бўлимларга шу ердан тарқатилади. Олти қаватли китоб хазинасининг ҳамма қаватларига буюртма ҳаво орқали етказилади. Қиз буюртмани пулт столига қўя туриб:

— Китобни қанчада оламан, — деб сўради кутубхоначидан.

— Бир соатда.

Бир соат — анча вақт.

Ҳа, кутубхона биноси йигирма икки йил ичида анча эскирибди.

ЭРТАГА...

Зилзиланинг шундоқина қанғалида қолган «Қашқар» маҳалласида ҳозир Ўзбекининг тоғ-тоғ пахта хирмонларини эслатувчи кўп қаватли бинолар қад ростлади. Навоий кўчасининг шу бежирим бинолари қаторига яна бир қошона тушади. Навоий номи республика Давлат кутубхонасининг 14 қаватли ойнавад янги биноси...

Улкан деразаларнинг ҳар бирида кўёш анси... Кутубхонага 10 миллион жилд китоб сиғади.

Ёруғ ва озода, замонавий жиҳозланган бир ярим минг кишилик ўқув зали, беш юз кишилик лекция зали, дам олиш учун махсус хоналар, кафе, ошхона китобхон хизматида бўлади.

Кўм-кўм дарахтлар салқин ташлаб турган ҳовлида фавворалар, сеvimли ёзувчилар, олимлар ўрнатилган ҳайкаллар...

Мукаммал механизациялашган кутубхонада китобни соатлаб кутмайсиз, у зум ўтмай қўлингизда бўлади.

«Узгоспроент» институти кутубхона лойиҳасини ишлашда шу кун талабинигина эмас, шунингден фан-техниканинг тинимсиз равнақини, китобхонлар сони ўзлуксиз ўсишини ҳам ҳисобга олган.

Тўхтамурад БАҲРОМОВ

ҲАЙДАР

МАНГУ ОЛОВ

Оққўрғон шаҳрида —
Оққўрғон бағрида
Мардларнинг номини йилларга сўйлаб,
Мангу олов ёнар, мангу ўт ёнар.

Оққўрғон шаҳрида —
Оққўрғон бағрида
Урушдан қайтмаган фарзандин ўйлаб,
Кўзидан ёш қалқиб ўтар оналар.

Мангу олов ёнар,
Мангу ўт ёнар.
Оловмас бу. Йўқ! Йўқ! — Бенаиб висол,
Бежавоб савол,
Интизор она,
Умидвор аёл.

Йўқ! Йўқ! Оловмас бу: — Синмаган дутор,
Сўлмаган баҳор,
Бахтиёр гўдак,
Беғубор наҳор.

Оловмас бу. Йўқ! Йўқ! —
Ватаним бағрида —
Қишлоғу шаҳрида
Мардларнинг номини йилларга сўйлаб
Мангу олов ёнар, мангу ўт ёнар!

Оловмас бу, йўқ, йўқ —
Ёнувчи юрак!



Ғамгузор она ҳузурда.

А. АБАЛЯН фотоси.

АТОМ ОДАМЛАР ИЗМИДА

Ўзбекистон ядро физикаси институтининг атом реакторидан илмий тадқиқот ишларидагина эмас, геологик-қидирув соҳасида ҳам фойдаланилмоқда. Чунинчи, олтинли қум чегарасини аниқлаш устида олиб борилган иш ажойиб самара берди. Аралашмалар миқдоридан юз миллионнинг бир қисмигача ҳисоблашга эришилдики, бу фанимиз тарихда мисли кўрилмаган аниқлиқдир.

Институтнинг физика корпуси. Бинода қаттиқ жисмларнинг физик ва кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш лабораториялари жойлашган. Учинчи қаватга чиқиб, радиацион жараёнлар лабораториясига кирдим. Қорамғиздан келган, ўрта бўй, қотмароқ йигит ёлғиз ўтирибди. Лаборатория раҳбари Шавкат Воҳидов шу киши эди. У билан суҳбатимиз атомнинг хизматлари ҳақидаги гапдан бошланди.

Инсоният олдида мураккаб муаммолар турибди: аҳолининг тез кўпайиб бораётгани, озиқ-овқат манбалари, табиий бойликлар чекланганлиги каби муаммолар... Шундай шароитда инсон атом қувватига умид боғламоқда. Буюк физик Альберт Эйнштейндан, «Атом қувватидан асосан тинчлик мақсадларида фойдаланиш керакми» деб сўрашганда, «Шубҳасиз. Ахир электр қуввати студда қўлланиш учун ўйлаб чиқарилган эмас-ку?» деб жавоб берган.

Ленин бошчилигида барпо этилган қудратли давлатимизда атомнинг вазифалари аниқ. Бугун бизда радиоактив атомлар ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнлари бошқарилмоқда. Атом қувватидан даволашда фойдаланилмоқда, музёраб кемадан тортиб, товуқ туҳуми очиршигача атом қуввати иш берапти.

Атом соҳасида кўп ишлар қилинмоқда, лекин булар ҳали денгиздан томчи... Йигирманчи аср кишини олдида янги дунё — атомлар оламининг эшиклари очилди. Бироқ, бу ҳали атом, зарра тилсизмоллари тўла-тўқис очилди, деган гап эмас...

Шу пайт телефон жиринглади. Шавкат ака телефон дастасини оҳиста қўйarkan, — уэр, — деди менга қараб. Сўнг институтга Москва, Ленинград олимлари келганини, улар ҳузурига бориши зарурлигини айтиб ўриндан турди.

Биринчи қаватга тушсам, Улугбек шаҳарчасига ва институтга доир фотолавҳалар. Биринчи суратда: на уй бор, на дарахт, на ҳозирги корпуслар фавворалар, на қўлф ўриб очилган ранго-ранг гуллар. Қуруқ дашт. Унинг ёнгинасида физиклар шаҳарчасининг бугунги қиёфаси. Анавида йўқ нарсаларнинг ҳаммаси бунда. Кенг, текис асфальт йўллар атро-

фи кўм-кўк арча ва дарахтлар билан бурқалган. Ўн минг аҳолини бағрига олган қават-қават гиштин бинолар. Магазин, ошхона, кинотеатр, шифохона, мактаб, боғча-ясилар. Янглишмасам, боғча-ясилдаги болалардан учдан бири Улугбеги Алишерлар.

Советлар Шарқида биринчи атом реактори қурилиши ҳақидаги қарор билан қурилиш 1957 йилда бошланган эди. Икки йил деганда «Атом реактори» ишга тушди, мана энди шаҳар, олимлар шаҳри, Улугбек шаҳри.

*

Эртасига Шавкат Воҳидов билан лаборатория ишлари ҳақида яна узоқ гаплашдик. Бу лабораторияда сунъий йўл билан олинган ёқут, дур, олмос, кварц каби нодир маъданлар турли рангда товланиб турибди. Бу сунъий тошларнинг ҳар бири бир тилсимот.

Бу ерда кристалларнинг ядро нурлари таъсирида турли ранга кириш ва фазовий панжараларнинг ядро нури таъсирига бардоши сингари масалалар ўрганилади. Айниқса кварц устида олиб борилган тадқиқотлар диққатга сазовордир. Ядро нурлари кўмагида кристалларнинг ўсиш марказлари, табиати, пайдо бўлиш шароитлари батафсил ўрганилмоқда. Лабораторияда шу хилдаги текширишлар учун янги методлар ишлаб чиқилди.

Лаборатория ходимлари яратган айрим асбоблар Москва, Ленинград, Харьковдаги илмий текшириш институтлари олимлари ва саноат корхоналари мутахассисларини жуда қизиқтирмоқда. Ядро қувватига эга бўлган заррачалар оптик тиниқ материалларни, лазер техникаси учун ишлатилдиган нодир кристаллофосфорни нурлантириб, унинг сирларини текширишга имкон беради. Менделеев даврий jadвалининг Лантанида группасидаги элементлар билан активлаштирилган кристалларда учрайдиган элементларнинг янги энергетик ҳолатлари тажрибада аниқланди.

Бу илмий ишлар қаттиқ жисмлар физикасини ривожлантиришда, ҳозирги замон оптика, радиоэлектроника, кристаллар синтези саноатида қўлланилиши мумкин.

Лаборатория раҳбари Ш. Воҳидов меҳрибон устози академик С. В. Стародубцев ва шу кечакундузда иштиёқ билан ишлаётган Б. Кайипов, А. Юсупов, В. Санаев, Г. Икромов, Э. Гасанов каби шоғирдлари номини тез-тез тилга олади. Сўзнинг охирида:

— Олмос, ёқут, кварц каби кристалларсиз илм-техника тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди, — деди.

Бекмирза МАХМУДОВ



Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти
Обид СОДИҚОВ.

А. ВАНШТЕЙН фотоси.

«Гулистон» гурунги

Гулом ПУЛАТОВ, (Ҳамза райони):

— Ўзбек халқининг атоқли фарзанди номи билан аталган райониимиз — шахримизнинг кенжаси. Район коммунистлари ва барча меҳнаткашлари зиммаларидаги юксак маъсулиятни яхши ҳис этган ҳолда ишламоқдалар. Биз пойтахт саноати маҳсулотининг қарийб 25 процентини берамиз. Утган икки ярим йил давомида давлат топириқлари муттасил ошириб бажарилди. Пландан ташқари 18 миллион сўмлик маҳсулот бердик. Гигант корхоналардан Тошкент самолётсозлик заводи, «Ташсельмаш», 1-уйсозлик комбинати айниқса юқори кўрсаткичларга эришди.

Райониимиздаги олти ташкилотга КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Фахрий ёрлиғи берилди. Ўн етти коллектив республика Юбилей Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

Районда капитал қурилиш суръати ҳам тез. Қисқа вақт ичда қурувчиларимиз 80 минг квадрат метр турар жой, 6 та мактаб, бир қанча маданий-оқартув, маиший хизмат кўрсатиш бинолари қуриб беришди.

Уз ҳаётимда зиёратгоҳ жойларни кўп кўрганман, лекин мен учун Тошкент энг мунаждас қадамжодир.

Шаннара КУРУП,
(Ҳиндистон.)

Журналхондоримиздан сурхондарёлик аспирант Арабали Тўраев ва Қўвадаги Дмитров номи колхоз раиси Абдурашул Юнусов редакцияга хат ёзиб, «Экология» фани ва биосферадаги ўзгаришлар ҳақида тушунтириш берсангиз», деган илтимосни билдирган. Шу масалаларга оид фикрларига обзор берамиз.

Экология — тирик мавжудотлар билан муҳит ўртасидаги муносабатни — биосферадаги жараёни урганадиган фан. Ҳозир баъзи экологлар ер юзида биологик кўнгилсизлик содир бўлиши мумкин, деган фикрни билдирмоқдалар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мутахассис-экспертлари ҳам инсоният билан у яшаб турган муҳит ўртасида муносабат бузилаётгани, натижада натта хавф туғила бошлаганини айтмоқдалар. Биосферадаги бойликлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ва уларни асрашнинг илмий асосларига бағишланган, ЮНЕСКО ташаббуси билан Парижда ўтказилган экспертлар конференциясида ҳам кун тартибда, асосан, шу масала турди.

Халокатнинг олдини олиш мумкинми? Бу саволга совет олимлари, биосферада вужудга келаётган хавфни тан олганлари ҳолда, фарб олимларига қараганда анча умидли, ижобий жавоб қайтармоқдалар. Бу тасодифий эмас. Капиталистик мамлакатларда биосферани асрашга қаратилган умумдават аҳамиятига эга режаларни амалга ошириш қийин. Чунки бундай режалар йирик монополиялар, хусусий мулк эгаларининг манфаатларига зидд этилаётгани мумкин. Масалан, ўтган йили Ўзбекистонда Рейн дарёсининг бети ўлик балиқлар билан тўлиб оқгани ҳақида Фарбий Европа матбуотида ташвишли мақолалар босилган эди. Голландия ҳукуматининг вакили парламентада гапириб, бу Фарбий Германияга қарашли «Хёкст» кимё комбинатининг иккинчи иши эканлигини аниқ далиллар билан фож қилган эди. Экспертлар Рейн ва унинг ирмоғи Майн дарёларининг сувини теширганларидан айниқса «Хёкст» корхоналаридан оққан чийинди таринида эндосульфат захарли моддаси кўп эканлигини аниқлаган эдилар.

Газеталар шовқин солиб, ҳукумат вакиллари норозилик билдириб қолаверди. «Хёкст», «Байер АГ» каби кимё комбинатларининг чийиндилари ҳамон Рейн сувини, биоборини ундаги балиқлар, ўсимликларни захарлаб оқмоқда. Чунки бу корхоналарнинг эгалари чийиндиларни тўхатишдан манфаатдор эмас.

Бизнинг мамлакатимизда бутун бойлик, ер, сув умумхалқники. Шунинг учун ҳам халқимиз табиятни муҳофиза этишга алоҳида аҳамият беради.

Америка Қўшма Штатларидаги Стенфорд университетининг биология профессори доктор Пол Эрлих бир мақолада ўн йил кейин, яъни 1979 йили биосферада қандай фожиявий ҳодалар юз бериши мумкинлигини баён қилди. Илмий-фантастикага ўшаброқ нетаъдиган бу асарда шу кунги ҳаётдан олдинг кўнгига далиллар борки, ундан кўз юмиб ўтиб бўлмайди. Пол Эрлих шундай деб ёзади: «Океан 1979 йили Ўзбекистонга, биологлар кутганидан ҳам олдинроқ ҳалок бўлади... 1968

йили олимлар ДДТ денгиз флорасида фотосинтез жараёнига тўқинлилик қилаётганини аниқлаган эдилар. Бу фожиявий нафийётга кўпчилилик аҳамият бермаган эди. Фақат мутахассис-экологларгина бу ҳалокатнинг боши эканлигини тушушган эдилар. Улар океандаги бутун ҳаёт фотосинтезга боғлиқ эканлигини, яъни шу кимёвий жараён тўғрисида ўсимликлар кўш нурини ҳаёт манбаига айлантиришини билар эдилар. Фотосинтезга тўқинлилик қилиш — яшашга тўқинлилик қилиш демакдир. ДДТ ва бошқа углеводороднинг хлорли бирикмалари эса еру сувни деярли тўла захарлаб бўлди. Шундан кейин ҳалокат юз бериши аниқ маълум бўлиб қолди.

... 1977 йили жаҳонда тўтиладиган балиқ 30 миллион тоннага ҳам етмай қолади... Натижада, уйсиз ҳам 500 миллион аҳоли ярим оч яшайётган ер юзидан тақсирли янада кучаяди», деб ташвиш қилади Поль Эрлих.

Техника низолатда тараққий этган XX асримизда миллионлаб автомобиллар, минглаб завод-фабрикалар, низолат атом, водород бомбаларининг синаш мақсадида портлатилишлари ҳавони ҳаёт учун зарарли моддалар билан тўлдириб юбормоқда. Доктор Поль Эрлих бу ҳақда ҳам мана бундай ташвишли фикрларни баён қилади: «...Ҳаво чидаб бўлмагани дарахда ифлос. Илгари қийнашга тўғри келганда олимларгина батафсил хабардор эдилар. Кенг омма эса бўғувчи, сасиқ ҳаводан фақат нексалару, болаларгина нобуд бўлади, бақувват кишилар унчалик зарар кўрмайди, деб билар эди. Бироқ тўсатдан аҳвол ёмонлашди: нафас йўллари касаллигидан 200 минг киши ҳалок бўлди. Ажал шарпаси ҳар кимнинг тепасида чарх уриб айлана бошлади. Ҳолбуки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти атмосферида ифлосланиши 1990 йилга бориб ер юзидан инсон яшай олмайдиган ҳалокатга олиб келишини эълон қилганича йўқ...»

1963 йилнинг октябр ойидаёқ соғлиқни сақлаш департаменти гипертония, жигар циррози, жигар раки ва бошқа касалликлар тўғрисидаги ўлимнинг кўпайиши ҳавода углеводород хлоридининг кўпайишидан, деб хабар қилган эди. 1946 йил (ДДТ даврининг бошидан) кейин тўғилган америкаликларнинг ўртача умри 49, 1980 йилга борганда 42 ёшдан ошмаслиги аниқланган...

Инсектицид ва гербицидлар инсон учун аста-секин таъсир этувчи ҳалокатли захардир. Шунга қарамай, нефть-химия монополиялари ўзларининг маҳсулотларини сотишда давом этмоқдалар. Масалан, «Шелл» фирмасининг норхоналари пахта майдонларидаги ҳашаротларни қирдиган инсектицид-эрозининг илоҳи борица қишлоқ ҳўжалигига пуллаш пайда. Монополия ўз режаларини амалга оширишда давом этмоқда. Ҳолбуки, эрозининг нафис наам бўлишидан ташқари, қишлоқ ҳўжалик зараркундаларининг янада авж олишига имкон яратди. Бу аниқланган.

Фарб жамияти иқтисодий манфаатдорлигини кўзда тутиб, дунёни ҳалокатга маҳкум этмоқда...»

Италияда чиқадиган «Экспресс» журналида машҳур француз олим, зоолог, эколог, табиат бойликлари муҳофиза қилиш ҳалқаро жамияти бошлиқларидан бири — Жан Дорстан олдинг музоаба эълон қилди. Биз кўйда шу музоаба иқтисодийроқ сизнинг мухоамаиғизга ҳавола қиламиз: «... Битта «Бонинг» Париждан Нью-Йоркка қўнганига қадар 35 тонна нилсород ёқади. Ҳавода углеислотани тобора ортаётгани маълум. Катта шаҳарлардагина эмас, қишлоқларда ҳам шундай. Бу ҳаво иссиқлиги даражасининг кўтарилишига, иқлимнинг ўзгаришига, музларнинг эришига сабаб бўлади. Нилсород этишмаслигига сабаб бўлади.

Са во л. — Инсектицидлар тўғрисида нима дейишнинг мумкин? Ж а в о б. — Қишлоқ ҳўжалик зараркундаларига қарши ишлатилади.

(Боши 17-бетда.)

Ойбек ўзи болагидан танийдиган бу чолни ўзбекларнинг Тарас Бульбаси, деб айтиди. Чиндан ҳам бу одамнинг қиёфасида Гоголь асаридagi запаровеликка ўшаб нетаъдиган аломатлар бор эди.

Нари кетди, лекин Ойбек ҳамон ҳаяжонни босолмасди. Учрашув унга анча асар қилган эди, бирдан:

— Романимдаги кекса навбар ана шундай киши бўлиши керак... деди.

Бир оздан сўнг эса:

— Йўқ, навбар эмас, бек ҳам чиқиши мумкин, унда куч-қувват ҳам, ишонч ҳам ошиб-тошиб ётибди... деб қўйди.

Ойбек тарихий романи образлари билан яшар экан, бугунги Ўзбекистондан ўзига керакли характерларни қидирар эди.

... Шарқча хос ранго-ранг бозорлари ва эски маҳаллалардаги лойшувоч деворлари билан эсда қоладиган натта, яшил шаҳар — Тошкент 1946 йили мени яна ўз кўнгиғига олди. Биз Евгений Кузьминична билан Ойбек хонадонига меҳмон бўлдик. Ойбекнинг ҳам, Зарифанинг ҳам, ўғиллари Омон, Бекжон, Сулеймон, қизлари Гулрағнинг ҳам ўша маҳалладаёқ аҳил, тотув ҳаётига кишининг ҳаваси келарди. Энди бу хонадон натталашиб кетиб, у маҳалдаги болалар ҳозир тарихчи, арабшунос, биолог, химиклар бўлиб кетишган. Ойбекнинг хотини Зарифа Саидиосирова Совет Шарқининг янги аёли портрети учун намуна

этиб олса арзийди. Новатор олима, профессор, химия фанлари доктори Зарифа айни вақтда Ойбекка унинг адабиёт ва илмий ишларида муносиб нўмаиш бўлди. Ишчилар шаҳарчасининг 1-Кисловодски кўчасидаги меҳмондўст ҳовли вақт ўтиши билан тобора кенгайиб борапти. Ундан меҳмонлар оёғи сира узилмайди. Эшикдан киришгилар билан ўзингизни ялашил ҳовлида, буралиб-буралиб ўсган ток, кушлар наъмаси оғушида кўрасиз.

Биз айни Тошкентда эканлигимизда Ойбек «Навоий» романи учун Давлат мунофоти билан таъдирилганлиги ҳақида хабар келди. Телеграммаю табриклар ёғилиб кетди, журналистлар суҳбатлашгани Ойбекни излашар, кексалар севинги ёзувчилари билан бир қўл олишиб қўйгани келишар, бесабар ёш-яланг эса, шовқинлашиб, ҳовлига кириб келаверарди.

Ута камсуқум, оддийгина кийинган Ойбек доимий одатича кабинетига ишлаб ўтирарди. У эрталаб вақтли туриб, кўш қўтлагандек деразани очиб қўяр, кейин стол ёнига ўтирарди. Гўв бутун бу нувоиний суруннинг унга тегишлиги йўғу, бу тўйда у бир оддий меҳмон, холос. Шундан уч йил аввал Ойбек Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси эканлигини олганида менга бундай деб ёган эди: «Академик бўлганлигимни эшит-гандирсиз. Бу унвон ижодий ишга ҳалақит бермас бўлгани. Гап ишлаш, ишлаш ва ишлаш» (1943 йил 13 ноябрь).

Уруш пайтида бир кун меникига С. М. Михалс кириб келди. У Тошкентдаги ҳамма

театрларга бошлиқ этиб тайинланган эди. Бу улкан артист театр ишларига шунчалик гайрат билан киришган экин, ўзбек театр санъатининг бирор жанри унинг эътиборидан четда қолмаганди. Михалс менга «Броненосец Потемкин» операсининг таниқли автори композитор А. С. Чижо билан тасодифан учрашиб қолганини айтиди. У ва Ойбек билан биргаликда Михалс тарихий-қаҳрамонлик мавзуда кенг планли опера спенталик яратишга киришибди. Айни Улуғ Ватан уруши даврида маданият арбоблариниш ўтган замон воқеалари билан халқларимизнинг фашизм босқинига қарши жаҳон тарихида миселсиз қаҳрамонона кураши ўртасида муштаралик изларди-лар.

Урта Осиб Шарқи тарихини яхши билган Ойбек мўғул хони Чиготой Бухорони босиб олган XIII асрга мурункат қилди. Бўлғуси опера қаҳрамони — Маҳмуд Торобий эди. Бу элаксоз хўнарманд, доно киши она юртини қаттиқ севади. Оташан адолатларвар Торобий хўнарманд ва деҳқонларни уюштириб, уларни босқинчиларга қарши очиқ жангга бошлаб борарди. Қўлни кўрган мўғул жангчилари халқ қўшини тазийиғига бардош беролмай, Бухорони ташлаб қишиғи жанмбор бўлади. Шунда Маҳмуд Торобийнинг доно ҳокимлиги, халқ ва хўрланган деҳқон ва хўнармандларга ҳокимийлик фазилатлари намойиш бўлади. Ойбек ёган опера либреттосининг асосий қаҳрамони шундай эди. Тарихан аниқ, тўйгуларга бой бу либретто композитор учун яхши материал

ган химикатлар Шимолий кутбга ҳам етиб борибди. Антарктидада яшовчи пингвинларнинг жигарида ҳам топилиди. Миллионларча тонна ДДТ чаглатилибди. Тупроқдан ювилган гербицидлар оқиб дарёга, кейинча океанга тушади. Хавфли томони шундаки, инсектицидлар ҳамда гербицидлар баъз озиқ-овқатлар таркибига йнғилиб қолаётган. Масалан, судта, сўт ва пишиқ таркибига улар тобора кўпаймоқда... Шунга қараб туриб, шахсан мен аста-секин заҳарланиш жараёни юз бермаптиникан, деб қўрқаман...

Албатта, Жан Дорстининг нафаси доктор Поль Эрлихникига қараганда анча илқ. У инсон ер юзидан йўқ бўлиб кетмаслигининг йўлини топса керак, деб умид билдиради.

Мелинг, энди Экспертларнинг ҳукуматлараро конференцияси қатнашчиси, совет олими, география фанлари доктори, профессор Д. Кармандининг бу борадаги мулоҳазалари билан танишайлик. «Инсоният ниҳоятда тез ўсмоқда, техника маданияти ундан ҳам тезроқ ривожланмоқда; инсон ер курастарини ҳавт чархпалагига тушиб қолган бўлаги — биосферани кўпроқ ёмон томонга қараб ўзгартирмоқда, унинг бойлиқларидан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўймоқда ҳамда чиқиндида чиқариб ташламоқда. Табиий бойлиқлар олдин тугармиканми ёки биз ундан олдинроқ корхоналарнинг заҳарли чиқиндиларидан бўғилиб ўлармиканми, биламиз, қайси бири эртароқ юз беради. Лекин ҳар иккаласи ҳам ҳалокатга олиб боради. Бунинг олдини олиш мумкинми? Агар мумкин бўлса, нима қилиш керак?.. Кўпроқ хавфли аҳвол тиллаш мумкин бўлган амбаларда — органик дунё ҳамда тупроқдан юз бермоқда. Буларни қайта тиллаш мумкин. Сабаби — ўз меъёрида фойдаланилса, табият ўзи нўрган заҳарининг ўрнини тўлдирди боради. Аммо меъёрдан ташқари эксплуатация қилинганда эса, табият гўё қолдан толиди, нўрган зарари ўрнини тўлдиршига кучи етмай қолади. Баъзан одамлар унга кўмак беришади. Масалан, деҳқонлар ҳосилдорлиги йилдан-йилга пасая бorganини пайқаб қолишади. Улар ерни партов қилиб, дам бера бошлашади, кейин гўнг, ниҳоят, минерал ўғит сола бошлашади. Асримизда бунинг фойдаси яққол кўринди: Ғарбдаги айрим мамлакатларда ҳосилдорлик беш-олти марта ошди. Натижада битта деҳқон 40 шахарликин боқиб имконияти туғилди. Бу жараёни ҳатто «пишиқ революция», деб аташди.

Лекин, шу билан бирга, Ғарб кўпгина калтабинлик ва ваҳшийлик намуналарини ҳам кўрсатди. Олимлар АҚШда юз берган эрозиялар ҳамда «тўзон ўчоқларини», Покистонда сугорилишдаги чаллашқилар орқасида катта майдонларнинг шўр босиши ёки Конго, Сиера-Леоне ҳамда Бразилияда экин ерларининг шўр босиши ёки жарликларга айланиш ҳодисаларини унутганларча йўқ.

Айрим мамлакатларда, масалан, Англияда маданий ўғитларнинг сероблиги туйғайли эришлган ютуқлардан эсанкираб ҳолатлари шу даражага бориб етганики, фермерлар табиий ўғитларни назарга илмай қўйишди. Уларга далага гўнг чиқариш — оворагарчилик, оғир ва ноқулай кўрина бошлади. Улар молхоналарини канализациялаштириб, мол гўнгини дарёга оқишсини ўйлаб топилди... Ҳолпуни, биринчидан, гўнг тупроқнинг физик таркибинини яхшилайдиган, иккинчии ўғитлар билан эса бунга эришиш мумкин эмас. Иккинчидан «маданийлаштирилган» даладарда микроэлементларнинг табиий алмашиниши бузилади, бу ўз йўлида, бир неча йилдан кейин ҳосилдорликка таъсир этади.

Ер кураеси нейинги асрларда анчагина тақир бўлиб қолди... Бундан буён ҳам дарахт кесиб — ўрмонларни йўқ қилиш давом этаверса, нургоқчилик, тўфон, ҳосилдор тупроқ қатланганини юзилиб ёки совурилиб кетиши каби фалокатларгина эмас, фалакдаги газлар муносабати ҳам бузилиши мумкин...

бўлди. Михозлс билан Ойбек бу ишга мени ҳам тортишди. Шу тарихий материал асосида драма яратиш хаёли шундай туғилди. Биз Ойбек билан драмани «Халқ қалқони» деб атадик.

Драма учун опера либреттосидан кўра чуқурроқ руҳий ишлов бериш керак бўлди, албатта. Биз Ойбек билан қайсибир французчи қизиқчиси айтиб кетган «Сўзлашга жуда эрчимас, куйлаш керак», деган ҳикматни эсладик. Драманинг сахналарга бўлинган муфассал сценарийсини тайёрладик, замон руҳини, халқнинг ҳикматли ибораларга тўла тилини сақлашга ҳамда бухорилиқларнинг мустақиллиги учун курашини аниқ эътирувчи ҳаракатни жонли чиқаришга интилиб, жуда кўп тарихий китобларни қайта-қайта ўқидим.

С. М. Михозлс қарийб ҳар оқшом, вақт бемаҳаллигидан ийнаммай, меникига кирар, Ойбек билан биз «дарсини қандай тайёрлаган»имизни суриштирдик. Бунинг учун қизиқ усул ишлатардик. Бирор сюжет илпини дарров пайкаса, уни шу ондаёқ ярамасга чиқарардик. Тошобанин ҳаракатни билишда унингдег моҳир эмаслиги тўғрисидаги ҳар қанақа гап-сўз оқибатсиз қолаверардик. «Мени доно деб билганларингиз учун раҳмат, лекин тошобанин билиб-билмай аҳмоқча чиқариш ярамайдиган», дер эди у.

Талабчан режиссёр эпизодни янгидан ўйлаб топшига мажбур этарди. Лекин Михозлс Ойбек туйғайли диалогларга халқ ибораларидагидек жон киритиб турган соф фольклор

материалининг мўллигидан завқланар эди. Бухоро ҳокимининг айёр ва мулоҳазали газначиси Кичик Қўрбоннинг ўқимишли ва доторан ўғли Бургут билан суҳбатти Михозлсга айнисса ёқарди.

Кичик Қўрбон. Одам танигин, ўғлим. Ҳаётда энг зарури — дустни душмандан ажратиш.

Бургут. Дуст орттириш қийин. Бўйим тенгини топдим-у, лекин кўнглим маҳрамани қайдан топар?

Кичик Қўрбон. Маъқул гап. Эҳтиёт бўл, ҳеч кимсга сир берма. Замон оғир. Дуст келса майли, душманнинг ишини қилмас бўлгани. Отангдан ўрнан ол: мўғуллар вақтида бир хил савдогарлар синди, гадо бўлди, мен бўлсам, иззат-иромдаман, шоҳи атласга гарчман. Ҳокимимиз Маҳмуд Ялавоқ мени иззат қилгани, хазинамиз ортиб, мумкин бўляпти.

Бургут. Эҳ, ота. Хазинангиз қандай ортаётганини биламан...

Кичик Қўрбон. Нима демоқчисан?

Бургут. Қулоқ солигин, ота. Мен йиллаб муқаддас китобларни ўқидим. Донолар сўзини эшитдим, ўзим ҳам доғишмандликка ўргандим.

Кичик Қўрбон. Донолин сабр-тоқат, эҳтиёткорлик эмас эганим? Донолин яшайбилиш эмас эганим? Мулаллар сени нима қилишга ўргатди?

Бургут. Мулланинг айтганини қил, қилганини қилма.

Кичик Қўрбон. Тилингни тий, ўғлим.

... Саноат ер юзидан ниҳоят тез ривожланмоқда. Ундан чиқадиган чиқинди ҳам кўпаймоқда. Шу туйғайли ҳатто кўшнинг битмас-туғамас манбаи ҳам «туғаб» қолаётган. Масалан, Ғарбий Европа ва Американинг йирик саноат марказларидаги сергубор ҳаводан кун нурининг фақат 50—80 фойизигина ўтади. Натижада шахар атрофидаги хўналиқларда сабазавот ўстириш қийинлашаётган. Мамлакатлар яқин ҳолда чиқиндида қарши курашга кучи етмай қолаётин. «Торри Кэнон» таннерининг ҳалокатга учраши, ёки Калифорния нефть конларидан нефтнинг денгизга оқиши каби ҳодисалар кўпгина мамлакатларнинг манфаатларига бориб тегади. Бу ўринда халқаро конвенция, бутун инсониятнинг бирдамлик ҳаракати зарурдир.

Атмосфера исиб бораётган — бу жуда хавфли. Ундаги углекислота тобора ортади. Углекислота эса атмосферада ортинча иссиқлиқнинг тарқаб кетишига тўсқинлик қилади: натижада парник ҳолати деб аталмиш ҳодиса юз беради. Агар инсон ўз саноатидан кўпгина тараладиган иссиқлиқни меъёрга солмаса, Арктика, Гренландия ва Антарктидадаги музликларнинг эрий бошлаши мумкин. Унда жаҳондаги океанлар ўртача 65 метрга кўтарилди, бутун паастекислиқларини сув босади. Бу жараён бир бошлангандан кейин иссиқлик камайтирилганда ҳам давом этаверади. Кеч бўлади!..

СССРдаги кўпгина районларда Ғарбдагига қараганда аҳвол яхши. Аммо чиқиндилар оқизиладиган дарёлар бизда ҳам бор. Айрим шахарларимизда осмонда тўпланиб қолган газ, тугун санитария нормасидан ортин. Ғарбда юз берган хавфли аҳвол энг шимариб бунинг олдини олишимизни тақозо қилади.

Корхоналарнинг чиқиндиси оқизилган сувларни тозалаш ёки суолтириш, шўр сувни чуқуқ сувга айлантириш, ер ости сувларини тортиб чиқариш, дарёлар оқимини тартибга солиш, ортинча сув ташланадиган тўғонлараро оқавалар яратиш шўбхасиз зарур, бироқ булар бари паллиатив — чорасизликдан қилинадиган чораларгинадир. Булар фалокатни фақат орқага суради, олдини олмайди. Суяқ чиқиндилар бир идишдан иккинчи идишга куйилгани билан камайиб қолмайди.

Саноат технологиясини шундай қилиб ўзгартаришга эришиш керакин, сув ифлосланмасин ёки ишлаб чиқариш жараёнининг узида тозалансин. Ифлос ҳаводан ҳам шу йўл билан кутулиш мумкин. Шлак-обетон қилишни ўрганиб олшчак, айрим шлак гарамлари тўлиқ ишлатилиб кетди. Украинадаги бир завод чиқинди тугун сифатида осмонга фтор пурнаб теварак атрофни заҳарлар эди. Директорнинг завод мўрисидага газ ушлагич ўрнатишга мажбур қилиншгач, завод тугун қолинган фторни сотиш эвазига асосий маҳсулотга нисбатан кўпроқ фойда олиши маъқул бўлди.

Ахир ҳар қандай маҳсулотни ўрнида фойдаланилмаса чиқиндига айланиши ҳам мумкин. Шунингдек, ҳар қандай чиқиндини фойдали маҳсулотга, жуда бўлмаса безарар моддага айлантириш мумкин-ку. Албатта, бунинг учун кўпгина ёрдамчи цехлар куришимиз, катта пул сарфлашимиз зарур. Лекин эртачани-кечми, барибир, шундай қилишимиз керак бўлади. Бундан бозича чора йўқ.

Паризг конференциясини нималарни тавсия қилди? Дастлаб у, масала етарли ўрганилмаганимиз; ҳозирги замон фаннинг асосий ўзати экология бўлиб қолгани, бошқа соҳалар, ҳатто кибернетика ёки санъатшуносликка қадар, биосфера соф бўлгани учунгина яшаб тургани, бутун дунёда болалар богчасидан тортиб университетгача «экологий дунёқараш», яъни табиятгага ўзаро муносабатлар билриги ҳамда инсоният олдида турган хавфни тушуниш учун экология ўқитилиши зарур деб қайда қилди. Конференция биосферанинг ўзгаришига маъқул таъсири бўладиган йирик инженерлик проентларни муҳомаасида табиатшунослар ҳам иштирок этиши зарурлигини талаб қилди...


Бироваг осон тутма. Пичоқини олдин ўзинига ур, огримаса — ўзага.

Бургут. Ҳақ гап, ота, мен ёшман, тезман. Яқин дўстини йўқ, хали маҳрама ҳам йўқ, ҳақиқатини нимга айтмай? Фақат отамга.

Кичик Қўрбон. Ҳақиқат ҳам ҳар хил бўлади. Ҳақ гап бўладики, амалда ишдан хавфли. Бухорода номўя сўз айтишдан сақлан, ўғлим. Бу ерда девор, эшик, шипларнинг ҳам қулони бор. Аллодинг теғдорлигига, отангининг ююри мартабасига кўз тутма. Камбағални туя устида ҳам ит қолади, деган гап қулонида бўлсин...

Михозлс тайёр пардаларини турли қиёфаларга кириб ўқгани хали-хали эсимда. Пьеса қаҳармонлари кўз ўнгимизда жоғланбашаганда Ойбекнинг чехриси қувончидан нундек ёришиб кетди. Мана бешафат ва нибор фотиҳ Чиготой, мана собит адолатпарвар, доно Маҳбубий, мана Торобиннинг севиклиси гузал ва мард қиз Дилдор. Торобиннинг қаҳрамонона характерини яратиш, унинг воқеалар изми билан оддий хўнамандликдан исёнини бошқарган ва озода этилган Бухорода осийш-талики ва адолат ўрнатган оташин саркардага айланишини кўрсатиш энг қийин иш бўлган эди.

Бизнинг Ойбек билан пьеса устидаги ишимиз қизгин бораётганда Москвага қайтишимиз тўғри келиб қолди. Чала қолган бу драмага Ойбек қанчалик қизиқиб қараганини унинг сақланиб қолган кўп хатларидан билса бўлади.




Тошкентда қад кўтарадиган бу меҳмонхона «Ўзбекистон» деб аталади.

ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИ УЧУН

Яқин вақт ичида Тошкентда Ўрта Осиёдаги энг катта меҳмонхона ишга тушади. У «Ўзбекистон» деб аталади. Меҳмонхона лойиҳасини Москва ва Тошкент архитекторлари ишлаб чиққан.

Ҳозир қурилиш ишлари авжида. Революция хиёбони, Пушкин, Карл Маркс ва Хоразм кўчалари ўртасида қурилаётган ўн санкиз қаватли бу муҳташам меҳмонхона ҳовлиси ўн гектар майдонни эгаллайди. Меҳмонхонада бир йўла минг киши истиқомат қилиши мумкин. Ҳар бир қаватда алоҳида буфет, қаҳвахоналар бўлади. Меҳмонларга 600 ўринлик ресторан, 350 ўринлик кафе, 100 ўринлик чойхона хизмат қилади. Чиройли гулзорлар ўртасидаги ёзги чўмилиш ҳавзаси пойтахтнинг меҳмонларининг бахри дилини очади.

Архитектор Шукрулла УБАЙДУЛЛАЕВ



Қатортеран салқини.

А. АБАЛАН фотоси.

«Гулистон» гурунги

Толиб СОДИҚОВ, (Октябрь райони):

— Октябрь райони собиқ эски шаҳарни тўла қамраб олади, шаҳарнинг энг йирик районларидан бири ҳисобланади.

Ҳозир бутун эътиборимиз районни қайта қуриш, ободонлаштиришга қаратилган. Районимизда ҳали ҳам эски уйлар, кўчалар кўп.

Яқин йиллар орасида у бутунлай ўзгача тус олади, меҳнаткашларнинг маданий-маиший шароити янада яхшиланади. Ҳозир Қорақамиш массивини қуриб битказмоқдамиз. Бу ерда салкам 40 гектарлик боғ яратилади. Яқин кунларда Университет кўчаси ҳам серкатнов, обод проспектага айланади. 26 ва 27 деб аталувчи марказ даҳаларида 9 қаватли бинолар қад кўтаради, кенг йўлқалар, кўм-кўк хиёбонлар фойз киритади.

Районимизда энг катта қурилиш студентлар шаҳарчасида олиб борилюмоқда. Бу ерда Тошкент Университети, Тошкент Политехника институти ўқув корпуслари ва ётоқхоналари жойлашган. Уларнинг кўпчилиги ҳозир студентлар хизматига.

Шаҳримиздаги энг кўркем бинолардан Спорт саройи, Ҳамза театри, Навоий номидаги адабиёт музейи. Санъат саройи районимизнинг ҳуснидир. Қурилажак Тошкент дирки, Ешлар уйи булардан ҳам чиройли бўлади.

ЮЗ ЙИЛ АВВАЛ

Утган асрнинг етмишинчи йилларида Тошкентга келган америкалик сайёх Шеллер ўзининг «Саёҳатнома»сида бундай дейди:

«Бу шаҳарда ерли аҳолидан бошқа олти юзта русияли хонадон, қалъада эса олти минг рус аскари бор. Гўлт тижоротгоҳ шаҳардир... Ёз мавсумида бола-чака билан шаҳар атрофидаги боғларга чиқиб, уч-тўрт ой турадилар. У ерлар кўп сафолидир. Кўм-кўн, баҳорда аяниқса гўзал, кумир-булбулларнинг навоси, ариқларнинг шилдираши ором бағишлайди...

Тошкент шаҳрида Европадаги каби отеллар йўқ. Громов деган рус киши бир меҳмонхона солдирган экан, ўша ерда ётоқ ва емак топиш мумкин...

Русиялилар томонидан бир умумий қироатхона очилибди, ёнидаги кутубхонада тўрт минг жилдча китоб бор. Ҳафтада бир дафъа чиқадиған русча газета... ерли аҳолининг саводхонлари учун ўзбекча илова варақалари ҳам чиқаради, эймо мен бу ердалигимда бу варақалар фақат «Алиф-лайло» эртанлари билан тўлиб чиқар эди».

Шеллернинг саёҳатномаси туркчага таржима қилиб нашр этилган. Қуйидаги суратлар ҳам шу нашрдан олинди.



Эски шаҳар бозори яқинидаги «Бегларбег» мадрасаси. (Ҳозирги Калинин майдони.)



Тошкентнинг эски шаҳар маҳаллаларидан бири.

Биз Тошкентга ўқиймиз



НГУЕН ТХИ-МИНЬ, (Вьетнам):

— Химик бўлишни орзу қиламан. Тошкент университети-ни битириб ўз мамлакатимизга қайтгач, бутун кучим, билимимни ватан ва халқ хизмати-га бағишлайман. Ана шу буюк мақсадим йўлини ёритаётган Тошкент университетига, муаллимларимга, дўстларимга раҳмат!

ТошДУ, химия факультети
1-курс.



ФАМ ВУ-ХИЕП, (Вьетнам):

— Ленин юртида, октябръ инчилоби мамлакатидида ўқиш, ўрганиш наадад яхши. Ҳар бир кунимиз бирор қизикъ инчиликсиз ўтмайди. Айниқса сўлим гулзорни эслатувчи кўм-кўн ва кўрмам Тошкентимиз ёзи жаҳоннинг ҳеч ерида йўқ. Ўқишни тамомлаб, Вьетнамга, олган билимимиз билан бирга, қучоқ-қучоқ Тошкент гуллари-дан олиб кетишни ният қилиб қўйдим.

ТошДУ, химия факультети.



ЭРЕНГИЯН ЦЕГМИД, (Мўғулистон):

— Тошкент политехника институтининг энергетика факультетидида ўқиш, бешинчи курсда. Ҳар йили ўқув синаовларидан муваффақиятли ўзи келяпман. Дўстлар ёрдами-дан беҳад мамнунман.

Мўғулистонга кўёшли Ўзбекистон ҳақида порлоқ хотира олиб кетаман. Тошкентли дўстларим ҳамиша ёдимда қолади.



БУГАРИ ДИАРРА, (Мали):

— Дўстим Мумуни Конате билан Тошкентга энергетик бўлиш учун келганмиз. Ҳозир Тошкент Политехника институтида, биринчи курсда таҳсил олаёламиз.

Тошкент... Шаҳарнинг ўзи ҳам, одамлари ҳам бизга жуда-жуда ёқиб қолди.

ТошПИ, энергетика факультети.



БИСТРА ДЕНИЕВА КАЛУДОВА, (Болгария):

— Тошкентга келганимга икки йил бўлди. Биринчи йил рус тилини билмаганимдан, анча қийналдим. Лекин мени қўраб олган дўстларим институтда ҳам, ётоқхонада ҳам, ҳар доим ёрдам кўрсатишди. Бу ғамхўрлик ва самимиятни ҳеч унутмайман.

ТошПИ, химия факультети.



РАСУЛИ ВАЛИ МУҲАММАД, (Афғонистон):

— Афғонистонда совет ёшлари, хусусан, ўзбек йигит-қизлари ҳақида кўп эшитгандим. Тошкентга келгач, уларни ўз кўзим билан кўрдим, бу қувноқ ёшлар дўсти учун бутун қалб ҳароратини бахш эта-олишини ҳис қилдим.

Бу дўстлик туйғулари ҳеч сўнмас туйғулар деб ўйлайман.

ТошПИ, 5-курс.



АЛ ҲОШИМИ ЖАЛОЛ ЖАВОД, (Ироқ):

— Тошкент Политехника институтини битириб, Ироққа қайтгач пластмасса заводида ишлаб юрдим. Кейинчалик Тошкентга, қадрдон институтга яна қайтиб келдим. Ҳозир аспирантурада ўқияпман.

Йиллар давомида Тошкент ўз уйимден бўлиб қолди. Қаерга бормай, дўстона ёрдам ва табассум билан қаршилашди.

Аспирант.



ГИТУНГУРИ ЖОН, (Кения):

— Тошкентга келганимга беш йил бўлди. Мен бу ерда ўз шаҳримда яшайтгандекман. Чунки шаҳарларимиз ҳам, одамларимиз ҳам, хулқ-атвор, баъзи одатларимиз ҳам жуда ўхшаш экан.

ТошМИ. 4-курс.



МУСА ОҒАЖ МУҲАММАД, (Судан):

Тошкентнинг эътиборни жалб этадиган энг муҳим ҳислати унинг кўпмиллатли шаҳар эканлигида бўлса керак. Мени ҳаяжонлантирадиган нарсани янги Тошкентнинг дўстлар қўли билан бунёд этилаётгани, унинг дўстлик тинимсолига айланиб бораётганидир.

ТошМИ, доволаш факультети.



МАУНГ САН АУНГ, (Бирма):

— Диплом ишимни ҳимоя қилгач, бу йил Бирмага — она юртимга қайтаман. Тошкент хотиралари мен учун унутилмас хотиралар бўлиб қолади.

Тошкент қишлоқ хўжалик институти.



Тошкент университети аудиториялари чет эллик толиби илм дўстларимиз учун ҳам очил.



Ташкент денгизида.

А. АБАЛАН фотоси.

Турли ноз-неъматлар билан безатилган тўқин дастурхон. Айниқса товуқ гўштидан тайёрланган чехомбили, туҳум дўлма сизга манзур бўлишига ишончимиз комил. Ана шунда Ўзбекистон паррандачилик фабрикасининг меҳнатсевар қизларига раҳмат айтишни унутманг.

Дарҳақиқат, бу фабрика эл дастурхонига йилдан-йилга кўплаб туҳум, парранда гўшти етказиб беришда. Унинг ишлаб чиқариш қуввати ортиб, маҳсулоти кўпайиб бормоқда. 1963 йилда фабрика 2 миллионгана туҳум етиштирган бўлса, ҳозир йилига 20—21 миллион туҳум тайёрламоқда.

Фабрика дарвозаси олдида бизни директор Шокир Аҳмаджонов кутиб олди. Шокир ана тажрибали мутахассис. У фабрика ташкил қилингандан буён директорлик қилади. Сиртдан ўқиб аспирантурани тугатган. Утган йили диссертация ҳам ёқлади. Темаси шу фабрика иши билан бевоқифа боғлиқ эди, унда туҳум етиштиришни кўпайтиришга онд масалалар янгилаб қал қилинади.

Директор бизни инкубация цехига бошлади. Бу цехга тажрибали мутахассис Людмила Лебедева бошчилик қиларкан. У бизга ишнинг жараёни ва ташкил қилинишини батафсил тушунтириб берди.

Туҳумлар дастлаб дезинфекция камерасига келиб тушади, у ерда махсус препаратлар ёрдамида тозаланиб, омборга ўтказилади. Операторлар электр ёрдамида туҳумнинг сифатини текширадилар. Кейин туҳумлар махсус идишларга жойланиб, «Универсал-45» инкубаторига қўйилади. Инкубаторда 19 кун-ушун соат сақланади. Ана шу давр мобайнида инкубация ичидаги ҳарорат 37,5 даража, намлик эса 27,5 даража сақланиб туриши шарт. Операторлардан Тамара Кладовая, Гулнора Муждабоевалар машиналарнинг ишини бошқариб турадилар.

Людмила Лебедева бизни миранг хонасига таълиф қилди. Инкубациядан олинган туҳумлар ана шу ерда биологик жиҳатдан текширилади. Жўжа чиқадиганлари сараланади ва махсус идишларда инкубация шкафига жойланади. Бир ярим кундан сўнг жўжа очиб чиқади. Ҳар юз туҳумдан 75—80 тадан жўжа олинади.

Батарей цехи. Бу цехга Нурий Базарян бошчилик қилади. Инкубациядан чиққан жўжалар тўғри шу цехга келтирилади.

— Бизда ҳаммаси бўлиб тўрт зал бор, — дейди Базарян, — ҳар бирида 20 мингтадан жўжа боқилади.

Бу ерда ҳамма ишни автомат бажаради.

ЧИП-ЧИП ЖЎЖАЛАРИМ

Катакчалардаги жўжаларга сувни, озуқани ҳам автомат беради. Ҳароратни ҳам реле-автомат муайян сақлаб туради. Бир ойдан сўнг бу жўжалар иккинчи, сўнг учинчи залга ўтказилади. Учунчи залда уч ойлик жўжалардан 7 мингтаси жойлашган.

Фабрика ташкил этилган кезларда туҳум олиш маъсумий эди. Товуқлардан кузда, баҳорда кўплаб туҳум олинарди-ю, қишнинг совуқ ва ёзнинг иссиқ кунларига бориб туҳум олиш кескин намайиб нетарди. Фабрика мутахассислари илғор тажрибани ўрганиб, фан ютуқларидан фойдаланиб, маъсумийликка барҳам беришди. Бунинг учун инкубация цехлари, товуқхоналар, жўжахоналар замонавий машина ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланади. Ҳавони янгилаб турадиган қурилмалар ўрнатилди. Технология режими ҳар жиҳатдан яхшиланди. Натижада кўзланган мақсадга эришилди. Эндиликда товуқлар йил бўйи туҳум қилади...

Туҳум хонаси. 5400 товуқ боқилмоқда. Озуқа бурчакдаги бункерга келиб тушади-да ундан тахта тарновчаларга оқади. Тарновчалардан тўрт томонга йўл таралган, шулар орқали йўл-йўлакай тақсимланади.

Бу ердаги ишларни бир киши — Нина Федорова бошқариб бораркан.

— Ҳар куни салкам уч мингтадан туҳум оламиз, — дейди Нина.

Бу туҳумлар сараланиб, бир қисми инкубация цехига жўнатилади. Иш шу зайдда конвейер усулида давом этади.

— Фабрикамининг келажиги порлоқ, — дейди бизга Шокир ака, — ҳаммаси бўлиб 700 гектар майдонимиз бор. Ҳозирча 70 гектар ернинг атрофини ўраб қўйибмиз, бу ерда 36 та товуқхона, 18 та жўжахона, 4 та туҳум қилдиган товуқлар хонаси бор. Бу ерда фақат зотли, сараланган товуқлар боқилади. Улардан олинадиган туҳумлар фақат жўжа очиртиш учун қўйилади.

Ҳозирги кунда фабрикада қурилиш ишлари қизгин. Келажикда яна янги жўжахоналар, товуқхоналар очилади. Фабрика ишчиларига маданий-маиший хизмат кўрсатадиган объектлар қурилиши ҳам бошлаб юборилди.

Фабрика асосан туҳум етиштиришга ихтисослаштирилган. Лекин, шунга қарамай, хўроч ва «бран қилинган» товуқлар ҳисобига гўшт етиштириш ҳам кўпайиб бормоқда. Утган йили фабрикадан 18,5 миллион дона туҳум олинди. Пландаги 16 миллион 869 минг ўрнига давлатга 17 миллион дона туҳум сотилди. Ҳар ўн дона туҳум пландаги 65 ўрнига 60 тингга тушди. Бу механизациянинг шарофатидир.

Фабрика коллективининг В. И. Ленин юбилей йилида эришган кўрсаткичлари янада юқори. Улар қишлоқ хўжалиги ходимларининг қурултойида зиммаларига катта маъбурият олишди. Бу йил давлатга мўлжалдагидан 3 миллион дона ортқ, ҳаммаси бўлиб эса, 22 миллион 900 дона туҳум сотамиз. Бунинг учун ҳар бир товуқдан 160 тадан туҳум олиш керак.

Бунинг учун, аввало, кампушт товуқлар серпушт оқ легери товуқлари билан алмаштириб турилади. Иккинчидан, мутахассисларнинг нузатувида яхши товуқлар саралаб аниқланилади. Учунчи бир омил борки, бу кўпроқ Ўзбекистон ССР тайёрлаш министрлигига боғлиқ. Аралаш озуқаларни фабрикага ана шу министрлик юборади. Айрим ҳолларда эса бу министрлик юборган аралаш озуқаларда товуқларнинг кўп туҳум беришига ёрдам берадиган витаминлар, жўхори, тариз донлари етишмайди.

Бу йилдан бошлаб фабрика зиммасига нолхоз ва совхозларни зотли жўжалар билан таъминлаш вазифаси ҳам юклатилди.

Н. РИХСНОВ

Ташкент области

ДЕХҚОН ҚУВОНЧИ

Раис хафа, чироғ ёкса дили ёришмасди. Темир йул ёқисидаги далаларни кўрганида эса кайфи баттар бузилди. Ғўза япроқлари олов ялагандан қовнираб ётарди. Кўсаклар қовбиги қуришаб, ҳам чаноқлар орасидан пахта кўриниб турибди. Ғўзаларнинг танаси учоқдан чиққанга ўхшайди. Раис шу ерда бригада бошлиғи билан учршди. Улар хуш-нохуш саломлашишди. Анча вақтгача чурқ этмай далага тикилиб туришди. Кейин раис:

— Илокимиз қанча, бўғига эҳтиёт бўлайлик,— деди ва бригадирнинг сўнгини қиёфасига қараб, унга далда берди,— уна, кўп нуона-верманг, бундай пайтда одам ўзини туттиш керак...

Раис шу гапларни айтди-ю, ўзи ҳам хушёр тортигандек бўлди. Ахир шундоқ норғил йигит ҳозир унинг кўзига кичкина кўриниб кетган эди-да. Елкалари чиқиб турар, бели бери оз бучкайган, маънос, қадам ташлашлари ҳорғинлигини эмас, беморлигини эслатарди. Балки уна ҳам бошқаларга шундай кўринаётгандир. Отанинг кўзига ёш кўрган фарзанд чидаб туролмайди, ҳўнграб йиғлаши мумкин. Шу вандан колхоз раиси Маҳмуд Исмаилов хушёр тортиди, ўзини босиб олиб, қаерга борса одамларга далда берди.

— Бу вилт балосини неча, бугун кўраётганимиз йўл, ҳар йили ҳам йўлимизга ғов бўлади, ғовини бузиб ўтиб, планини тўдиралармиз. Бу йил ҳам белини синдирамиз. Энди, албатта қийинчилик бўлади, деҳқон боласи қайси бирига чидамаган, ҳой йигитлар, елкангини ростлаб ол, душман олдида маънос юриш унинг кўнглини яйратади...

Уша йили, ҳеч қутилмаганда, августнинг охирида ғўзаларга вилт оралаб қолганди. Йилларини сентябрнинг бошларида тушарди, олди ғўзаларнинг танаси ҳам, кўсаги ҳам етилиб қолгани учун унинг заҳарли тиши кўп жойини гавиб улгуролмасди. Бу йил ёмон бўлди. Негагина колхоз антивирли далаларни бирма-бир оралаб ҳосилини чамаалаб чиққанларидан кейин, уч-тўрт кун ўтар-ўтмас ердан чиқидими, осмондан тушидими бугун у далага, эртага бошқа пайсалга вилт ёғилди.

Маҳмуд Исмаилов юрагидagi ғашлиқни бировларга сездирилмаслиқка ҳаракат қилиб юрган бўлса ҳам, дили равшан эмас эди. У ўйларди. Илм шунчалик тараққий этган бир замонада олимлар ҳам, деҳқонлар ҳам вилт олдида оқиб бўлиб қолсалар! Махмудислар бўлапти, китоблар ёзиллапти, қани энди падар лаънат вилт писанд қилса. Йўқ, ҳаммага чал бераляпти. Кушандаси топилиши керак, олимларимиз тинч туришмаларми...

Вилт деҳқон меҳнатини кемиради. Унинг тишини синдирадиган, ҳеч бўлмаса тиши ўтмайдиған пахта нави ўйлаб чиқарадиган азамат бўлсайди, деҳқонлар уни бошларига кўтаришарди.

Улар шу ният билан яшаб юрганлариди, алла қаерда лаборатория чироғи тун бўйи ўчмай, вилт билан жанг борарди. Бу офатга бир киши, ўн киши, юз киши эмас, кўп томондан қўшин тортиш керак; ўраб олиб қириб ташланмаса, битта қолса ҳам, душман кўп, дейди халқимиз.

Маҳмуд Исмаилов билан дала айланиб юриб шу хусусда фикрлашарми. У кўпни кўрган, деҳқончилиқда ҳар хил тўсиқларга дуч келган, кўп қийинчилик кўрган бўлса ҳам, бирор марта қўқилмай колхозни усталик билан бошқариб нелаётган саркарлардан. Бир вақтлари машина теримига ўтиш жуда қийин бўлган эди. Даласида турган машинани ишлатмай, қўлда пахта терганлар кўп эди уша вақтда. Одамлар бугунгидек машинага муҳаббат қўйгунча қанча одам нари бориб бери келди. Аммо машина ғолиб қилди, энди унинг жилови деҳқон қўлида.

— Вилт билан курашда деҳқон ҳам, олим ҳам баъзан йиқилиб қоляпти,— дейди Маҳмуд ана ўйчан кўзларини мовий далаларга тикиб,— энди, оғайни, бунини кураш дейдилар. Рақибнинг нозин жойини билмасанг, кучинг ҳар қанча кўп бўлгани билан у эҳчиллик қи-

либ, панд беради, йиқитиб қўйиши ҳеч гап эмас. Менимча, биз вилтнинг ана шу нозин жойини тополмайларми. Очиғини айтганидан бўлсан, баъзан ўзимизга ишониб кетиб, пинжиимизга кирганини билмай қоляптимиз.

Раис уват бўйлаб кун чиқар томон юради. Тут қаторлари орасидан ўтиб, сойлик томон ястаниб кетган далаларга эътиборини тортади.

— Шу ерларга, биласизми, неча йилдан бери пахта экяптимиз, ўн беш-йигирма йилдан ортгандир! Нега алмаштирмайсиз, дейсизми? Ҳа, ана балли, Алмашлаб экиш йўқ эмас, бор. Аммо нам. Пахта етиштирилётган ернинг процентига қараганда беданики оз. Қани энди, ҳеч бўлмаса беш, олти йилда алмаштириб туриш иккинчи бўлса. Йўқ, бундай қилолмаймиз, еримиз етишмайди. Алмашлаб экмай туриб эса, вилтнинг биқинига уролмаймиз. Олим лабораторияда унинг кушандасини топади, дори сепади, янги нав ижод қилади. Уни қаерга эканди, бизнинг пахтадан чарчаган ерларимизга-да. Агар янги уруғ беда экилиб дам олган, қабувват ва пахтани соғиниб турган далага экилса аввало уни яхши ундиради, ривожини тезлаштиради, ғўзапоё барвақт етилади, кўсак эрта пишади, вилт қўзгалгунча етилиб, белини тутиб олади, тиши ўтмайди.

Мана, бултурги ишимизни кўрайлик.

Утган йилги натижалар ҳақида гап юритилганда раис юзига табассум ёғдуси ёйилди. У деҳқон кўнглига маънул тушган янги нав борасида сўзларди.

— Отасига раҳмат ўша селекционернинг, жонимизда оро кирди. Бултур биз «Тошкент» навларидан оз-оздан эдик. Натижа жуда яхши бўлди.

Раис чўнтак дафтарини варақлаб гапида давом этади. Унинг бу кичкина дафтарчасида пахта навларининг етти-санкиз йилги хомқўт ҳисоб-нотиби бор. Бир вақтлар пахтанорларни жуда хурсанд қилган «108-Ф» рақами тағига кўн қалам билан чизиб қўйилган, ёнида савол белгиси ҳам турибди. «152», «153» нави ёзилган рақам тағига эса бир марта қизил, иккинчиси кўн қалам билан чизилган. Ёнида савол, хитоб аломати. «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3» навлари тағига икки марта қизил қалам чизилган, ҳечқананга белги йўқ.

Ён дафтар варақларини синчковлик билан кўздан нечираётганимизни пайқаган раис, аста кулиб қўйди.

— Ҳаммаёқ чизмакашлини бўлиб кетибди,

деяётгандирсиз,— деди у чизилларни тушунтиришдан. «108-Ф» ёмон нав эмас. Юқори ҳосил беради, толаси узун, машинада ҳам, қўлда ҳам осон терилади, ҳа деганда тўқилиб кетмайди. Лекин вилтга чидамсиз. Бурноқ йили шу нав экилган далалардаги ғўзанинг 85—90 проценти вилтга чалинди. Кўн қалам чизганимнинг босиси шу, бўлмайди, деганим. «152», «153» навлари тағига икки хил қалам чизилгани, экса ҳам бўлади, экмаса ҳам, дейилгани. Уни вилт авж олган жойларга экиш мумкин эмас... «Тошкент» навлари тағига иккита қизил қалам чизилгани, бу нав айни мудоао, деганимиз, оғайни, ҳа шундай...

Мана бунини қаранг, бултур 39 гектар ерга «Тошкент» навларидан экилди, ўртача ҳосилдорлики гектарига 40 центнердан юқори бўлди. Бултургидек деҳқон учун оғир келган йилда шунчалик ҳосил олди. Бу йил ҳамма еримизга шу навадан эдик. Ғўзамизнинг бугунги аҳволи чакни эмас.

Биров бир одам ҳақида, унинг иши тўғрисида гапириб турганда ўша кишининг ўзи келиб қолса, агар мантаб, таърифини келтириб турган бўлса унис ҳам, буниси ҳам қувониб नेताди. Бордию, ғўбат қилинаётган бўлса, ана унда кўрнинг ўсал бўлишини.

Маҳмуд Исмаилов ҳозир таъриф-таъсиф қилаётган «Тошкент» навлари автори, яъни ижодчиси Содиқнон Мираҳмедов «яхши меҳмон ош устига» деганларидек очиқ чеҳра билан суҳбат вақтида келиб қолди.

— У, ана ўзлари ҳам келиб қолдилар, қаниқани марҳамат,— деди раис уни кўриши билан. У ийманибгина кўришди ва намтарлики билан:

— Сизларга халал бермадимми?— деб қўйди.

Маҳмуд ана меҳмонни ўтқазиб ҳол-аҳвол сўради. Намнамосиз, дея гина қилган бўлди. Кейин биз томон ўгирилиб, бултур ёзда кекса деҳқонлардан бири айтган гапни эслади. У киши шундай деган эканлар:

— Отангизга раҳмат, уна, отага раҳмат келтирган ўғил — асл ўғил. Ҳеч нам бўлмайсиз. Ишингиз бардоридан келсин. Деҳқонлар сиздақа олимларни, шу янги сортни чиқарган доно кишиларни нафтида кўтаришга тайёр!

Пахтанорга ҳамдам, у билан елкама-елка ишляётган, дарадига малҳам бўлаётган олим фақат деҳқон нафтида эмас эл нафтида, дил тўрида бўлиши аниқ!

С. МАҲКАМОВ,

Янгиўл районидagi «Коммунизм» колхозини



Саратон яқин...

А. АБАЛАН фотоси.

Жаҳон адабиётидан

ШЕКСПИР СОНЕТЛАРИ

Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Юсуф Шомансур сингари талантли шоирларимиз Данте, Шекспир ва Гёте поэзиясини таржима қилишга жазм этмоқдалар. Бу поэзиямининг намолидидан дарак беради. Ҳозир Шекспир сонетларининг ўзбекча наشري тайёрланмоқда. Қуйида шу китобдан намуналар босдик.



Умрдан қирқ қишининг машъум аёни
Манглайингга ажин солиб ўтганда,
Ким эслар шоҳона гўзаллик эзин,
Ғариб кўрингуси бу жулдур жанда.

«Кечмиш гўзаллигин излари қайда?»
Қаршингга кўидаланг бўлади савол.
Қуқур изтиробрлар кўзингга пайдо,
Жавобнинг ҳам бўлар мазак аҳтилом.

Йўқ, мағрур сўйлагил: — «Наслимга боқинг.
Кечмиш нафосатим, ҳиссим жилоси
Авлодимга кўчиб қақнагай боқий,
Зотан, кексаликнинг шудир маъносин».

Танда совиган қон, ўтаркан йиллар,
Наслинг томирида яна ловулар...



Фасл сездирмасдан нозик дид ила
Сехрли лавҳалар чизади нафис.
Аммо қайтишида шошиб, зуд ила
Ҳаммасини олиб кетади, афсус.

Қушлар, соатларнинг тошқин оқими
Қиш зулмати сари ёни қуварлар.
Ер ҳам оппоқ кўрпа ёпиниб,
Яланғоч дарахтда музлар мевалар.

Қақат ойна ичра тутқун атиргул,
Хушбўйи таралар, гарчи қиш, аёз,
Эслатиб туради ҳид уфуриб ул,
Қачонлардир ерда яшнаганин ёз.

Қишда йўқолса-да гул қиёфаси,
Сақланур нафосат ҳиди, нафаси.



Ўзинг қуйсан. Аммо музикага сен
Ғамдиди; паршон тутасан қулоқ,
Ҳазин оҳанг мунча дилингда яқин?
Қийноққа қувонч-ла очасан кучоқ?

Азоб чекишингда қандай сир-асрор?
Қайғу тўғи кўксинг тилганиданми?
Бирга қуйлаётган жўровоз торлар
Елғизлигинг таъна қилганиданми?

Торлар аҳил, якдил янграгани он
Тингла, садалари қандай дилнавоз!
Гўё она, ота, ўспирин ўғлон
Бахтнинг оғушида қуйлар жўровоз.

Торлар ҳамкорлиги таъкидлар демак:
Елғизлигининг йўли этгуси ҳалак.



Еруғ кун ади-ку қуёш ваъдаси,
Емғирпўшни илмай қиқдим далага.
Аммо қувиб етди булут галаси,
Бўрон турди бирдан, қолдим жалада.

Булут орасидан танимга майин
Теккизганинг нозик бир чиндими зий
Шунча дўшослаган ёмғирдан кейин
Яроҳатимга ҳеч бўлмади даво.

Ғам чекканинг билан кўнглим ўсарми,
Қилган тавбаларинг бекор, сарвиноз.
Ранжитганинг ўзи берса тасалли
Қалбади ярага туз сепса, холос.

Лекин кўз ёшини... дур булоқларини?
Селдай ювиб кетди гуноҳларини...



Бўлиб келмасанг ҳам бою бадавлат,
Жами аҳтиросим, ишқим ол, нигор,
Неники одамлар атар муҳаббат —
Ҳаммаси бусиз ҳам сеникидир, ёр.

Инон-ихтиёрим олганинг учун,
Азизам, мен сени этмам гуноҳкор.
Менга илтифотсиз бўлганинг учун
Сендан андай гина-кудуратим бор.

Тўрвасини олдинг гадои боланинг,
Лекин сен — ўғрини кечирдинг, эркам.
Илтифотсиз қолган ишқинг алами
Заҳар ютгандан ҳам баттарроқ экан.

Зулминг ҳам мен учун бир меҳриғиё,
Майли, ўлдиргини, ёт бўлма аммо.

Юсуф ШОМАНСУР таржимаси

Кино

ЖАЖЖИ ФИЛЬМЛАР

Ўтган йилнинг октябрида Фарғонада телевизион ва қисқа метражли фильмларнинг биринчи фестивали бўлиб ўтди. Бу кўрингда «Читтан» кўғирчоқ фильмининг ижодкорлари голиб чиқишди. Қувноқ эртанг-фильмининг режиссёри Тамаара Камолова фестивал жюрисининг раиси Шухрат Аббосов қўлидан соврун олди. Бу «Ўзбекфильм» студиясининг энг кенжа ижодий гуруҳи ходимлари меҳнатига яраша берилган юксак баҳо эди.

Тамаара Камолова жонкуяр ижодкор, фаол режиссёрлардан бири. У rassom Ю. Петров, оператор И. Гавриленко, кўғирчоқ ўйнатувчи Ю. Сутпаков, Ф. Томашевский, овоз оператори А. Кудряшев сингари санъаткорлар билан ҳамкорлигда «Олтиндан қиммат», «Булутни ким яратган», «Ғаройиб саргузаштлар», «Бахтим, кел!» каби мультипликацион фильмларга режиссёрлик қилди. Бу фильмларда ўзбек халқ достонларининг қаҳрамонлари жонланди, янги замонавий эртангларга жон битди, ибратли, таълимий фикрлар ўртага ташланди.

Фарғона фестивалида тақдирланган «Читтан» фильмида режиссёр мақтанчоқ бир боланинг қилмишларини ажиб юмор билан йўғрилган надрларда кўрсатади: қутчадан сакраб чиққан янги кўғирчоқ динир-дикир сакраб, ҳаммага тегажоглик қила бошлайди, ўзи билармон мақтанчоқ болакай ҳамманинг жонига тегади, барча кўғирчоқлар билан бирма-бир уришади, уларни синдиради. У ҳақиқатан шунчалик зўр, шунчалик ботирмикин? Болалар уни синаб кўрмоқчи бўладилар. Шунда у йиғлашга тушади. Ниҳоят, уни дўстлари тарбиялаб тузатадилар.



«Бахтим, кел!» фильмидаги гўзал.


Камоловнинг ўз сценарийси асосида суратга олган «Булутни ким яратган» фильмида ҳамма нарсани библиши яхши кўрайдиган Айиқполвон Қуён билан бирга булут қаердан пайдо бўлишини кузатади. Бу фильм кичикитойларимизда ҳаёт сирларини ўрганиш иштиёқини кучайтиришга хизмат қилади.

Моҳир режиссёрнинг «Бахтим, кел!» мультипликацион фильмининг қаҳрамони эса ёш чўпон. У тоғда селларга бардош бериб, қийинчиликларни енгиб, бир мўйсифидини ўлимдан қутқаради. Чол унга сехрли қовоқ ҳада этади. Қовоқ ёрилиб, ичидан гўзал бир қиз чиқади. Аммо шу он бир ялмоғиз нампир пайдо бўлиб, қизни ўғирлаб қочади. Кўпгина кураш ва саргузаштлардан сўнг ялмоғиз мағлуб бўлади, қиз қутқарилади. Эртанг элементларидан библиб фойдаланиш, мультипликацион фильм тасвирий воситаларини ўрнида ишлатиш эртанги кўл мароқли қилиб юборган.

Кино санъатининг бу турига оид асарларни яратиш ниҳоятда машаққатли, кўп меҳнат талаб қилади, ҳаёт парвозига эри беришни тақозо этади. Режиссёр сценарий автори илгари сурган гоя ва сюжет йўналишини юзга чиқариш ҳақида ўйлайди, rassomлар қизган минглаб суратларнинг монтаж тартибининг белгилайди, операторга маслаҳатлар беради, композитор ва овоз оператори меҳнатини уйғунлаштиради. Бунинг учун кунт ва ишчанлик билан бирга чуқур билим ва натта тажриба ҳам керак. Бу борада Тошкент театр-рассомчилик институтида тахсил кўрган, телестудияда ўз фаолиятини бошлаган ва «Ўзбекфильм»да натор қисқа метражли бадиий ленталар яратган Тамааранинг бой тажрибаси, тинимсиз ижодий изланишлари жуда қўл келди.

Тамаара Камоловнинг мультипликацион фильмлари киномизи учун янги бўлган бу санъат турининг ривожига натта хизмат қилади.

Маҳмуд ЯХЕЕВ.



Жазирама иссиқлар бошланиб, ан-хору кўлларни болаларнинг чуввоси чулғаганда Тошкентда «Юбилей» ях-малан спорт саройи Ленинград Муз балетининг томошалари билан очил-ди.

С. БЕЗНОСОВ ва
А. ВАНШТЕЙН фотолари.



Абдурахмон Жомийий

Форс-тожик адабиётининг классиги Абдурахмон Жомийининг «Баҳористон» деган дидактик асари шакл ва мазмун жиҳатидан Саъдийнинг «Гулистон»ига ўхшашидир. «Гулистон»ни таржима қилиб китобхоналаримизга тақдим этган шарқшунос, филология фанлари доктори Шоислом Шомухамедов «Баҳористон»нинг ҳам таржимасини тугатди, Асар алоҳида китоб бўлиб чиқади. Биз кунда унинг сўнги бобини босдик.



ҲИКОЯТ

Бир тулки бир бўрига ҳамсухбатликдан дам урди ва у билан ҳамкорлик йўлига юрди. Бир кун бир боққа бордилар, боғнинг эшиги маҳкам банд ва девори баланд эди.

Девор атрофида чопишди, охири, бир тешик топилди. У тулкига кенгу бўрига тор эди. Тулки осонликча кириб кетди-ю, бўри сиқилиб, қийналиб ўтди.

Узумлар ва хилма-хил мевалар топишди, баридан топишди.

Тулки тийракроқ эди, чиқиб кетишни ҳам ўйлаш керак, деди.

Аҳмоқ бўри бўлса, қорнига сиққунча еди. Бирдан боғбон билиб қолди, қўлига таёқ олди ва булар томонга йўл солди. Хипча бел тулки лип этиб тешикдан ўтди-кетди. Боғбон эса қорни шишиб, тешикка қисил қолган бўрининг бошига етди. Уни чунона савалдаки, бечоранинг нусти шилиниб, жунни юлиниб, тору танг тешикдан арағч қиқиб кетди.

Эй хожа, олтинга кўп хирс қўймағил, Охири яланғоч, ҳақир кетасан. Еганда охири ҳар дам ўйлагил, Семирсанг гўрингда нечун ётасан?

ҲИКОЯТ

Нишида ўлим захри ва табнатида ёмонлик қаҳри бўлган бир чаён сафарга чиқди. Бир кенг дарё лабига етиб олди, аммо ўтолмай чорасиз қолди. На сузиб ўтиш ва на қайтиб кетиш имкони бор эди. Буни кўриб турган тошбақанинг раҳми келиб, орқасига миндирди ва ўзини сувга урди. У қирроққа сузиб кетди-ю, дарёнинг қоқ ўртасига етди. Қўлогига қандайдир овоз келди, чаён унинг орқасига бир нарсан санчаётганини билди.

— Бу ниманинг овози? — деб сўради чаёндан.

— Бу сенинг орқангга санчаётган нишим овози, — деди чаён, — сиртингга нишим асар



қилмаслигини биламан, аммо ўз одатимни тарк этолмасам, нима қиламан.

Тошбақа бўлса, «бу бадхулқни ўз хулқидан ва бошқа яхшиларни бунинг қилигидан халос қилганим яхши экан», деб ўйлади ва сувга шўнғиди. Тўлқин уни шу заҳотиёқ юлиб кетди ва чаён ному нишонсиз ўлиб кетди.

Золим ҳар ерда ва ҳаргез сочарса
хўйлаю оғу,
Унинг хулқи билан фитна-аламга
тўлғуси олам.
Ўлим гирдобига шўнғиб йўқолса
ном-нишонсиз у
Ўзин ҳам қутқарар
бадхулқлигинин,
барча элни ҳам.

ҲИКОЯТ

Итдан сўрадилар:

— Нима учун сен бор уйга гадо қадами етмайди, сен этган остоңани тиламчи ҳатлаб ўтмайди?

— Мен нафс ва тамаъдан узоқман, — деди ит, — ва қаноатда машқурман. Дастурхондан бир бурда нонга қаноат қиламан, бир ражжилан устухонга хурсанд бўламан. Аммо тиламчи ҳирс ва тамаъда шуҳрат қозонган. У ҳамма вақт очман деб қўл чўзади. Халтасида бир ҳафталик нону, гадо ҳассаси. Қаноат ҳамма вақт ҳирсу тамаъдан узоқ, қаноатли ҳам тамаъгир билан бўлолмас ўртоқ.

Қалб тўрига кирса сабру қаноат,
Нафс ила тамаъдан қўтилар одам.
Қаноат тилами тўшланган ерда
Очқўзлигу тамаъ топади барҳам.

ҲИКОЯТ

Бир тулки боласи онасига қараб:

— Менга ит билан юзма-юз келиб қолганда қутулиб кетиш ҳийласини ўргат, — деган экан, унга онаси:

— Бунинг ҳийласи жуда кўп, аммо энг яхшиси шунки, уйдан чиқмай ўтир, на у сени кўрсин ва на сен уни, — деб жавоб берди.

Нокас агар душман бўлса сенга,
Овора бўлмағил найранглар тузиб.
Минг хил ҳўйла-найранг заҳмидан

кўра
Сулху жангларида сақланган тузук.




ҲИКОЯТ

Бир туя арқонини судраб саҳрода ўтлаб юрарди. Бир сичқон учраб қолди. Қараса, унинг эгаси йўқ. Ҳирси қўзғаб кетди ва уни жиловидан тилиб, уясига етаклади. Табиаи бўйсунуш ва одати ҳўп дейиш бўлган туя ҳам қаршилик қилмай эргашиб кетаверди.

Сичқон уясига етиб келди, туя қараса — жуда тор.

— Эй хомтамаъ, — деди туя сичқонга — бу нима қилганинг, уйнинг шундай кичик, менинг гавдам эса шундай катта. На сенинг уянг бундан каттароқ бўла олади-ю, на менинг гавдам кичикроқ. Бас, мен билан сенинг йўлдошлигинг қаерга боради-ю, дўстлигимиз қандай бўлади?

Ажал йўлида шу тахлитда бармоғинг
кўриб, ҳайрон
Бўлибдурман, юкинг орқангга ҳирсдан
кўп-кў, э инсон,
Бу юкларни тушир, қолдир ва кўп ҳирс
қўйма давлатга,
Ажал тор уйга бошлар он, эмасдир
сигмоғинг осон.



ҲИКОЯТ

Туя билан эшак ҳамроҳ бўлиб кетишди ва бир катта ариқ бўйига етишди. Аввал туя сувга тушди, ўртасигача борган эди, сув қориндан келди.

— Сувга туш, — деб қичқирди у эшакка, — сув қориндан ҳам келмайди.

— Рост айтасан, — деди эшак, — аммо қориндан қориннинг фарқи бор. Модомки, сув сенинг қорингга етар, менинг устимдан ошиб кетар.

Яхшироқ сынаб бек у ёқ-бу ёғинг,
Узатгил кўрпангга қараб оёғинг.

ҲИКОЯТ

Бир тулки йўл бошида туриб, ўнг ва сўлига кўз ташлар эди. Ногоҳ узоқдан бир нарсанинг қораси кўрилди. Яқинроқ келганда қараса, бир бўри каттакан бир ит билан содиқ дўстлардек ёнма-ён келмоқда. На ит бўрининг ҳиёнаткорлигидан қўрқар ва на бўри итнинг тишларидан ҳайнқар эди.

Тулки улар истиқболига чиқиб, салом берди ва эҳтиромини бажо келтирди.

— Алҳамдулиллоҳ, — деди тулки, — қадимий адоват янги садоқат билан алмашишибди, аммо бу бирликнинг сабаби нима эканлигини ва бу яраш сабабчиси кимлигини билсам бўладими?

— Иноқлигимиз сабаби — чўпоннинг душманлиги, — деб жавоб қилди ит, — чўпон билан бўрининг адовати маълум, тушунтиришнинг ҳоҳати йўқ. Мен билан адоватининг сабаби қуйидагича: кеча мана шу бўри подага ҳужум қилиб, бир кўзичоқни олиб қочди. Мен, одатим бўйича, қўзини қўтқариб қолиш учун бунинг кетидан югурдим, аммо етолмадим. Қайтиб келганимда чўпон менга таёқ кўтарди ва қаттиқ озор берди. Мен ҳам у билан дўстлигини уздим, унинг эски душмани билан иттифоқ туздим.

Душманга саховат кўрсатма ҳаргиз,
Адоват тигидан тилинмас пўстинг.
Адоват кўрсатма дўста сабабсиз,
Алаmidан душман бўлмасин дўстинг.

Ганч гүл.

ОЛТИН

КҮЛЛАР

ШАХРИСАН

ИККИ АРИЗА

АВТОРДАН

Яқинда иш билан бир институтга борувдим. Ректорнинг қабулхонасида ҳеч ким йўқ экан. Бекорчилидан столда ётган қоғозларни ўқиб ўтирдим. Бир вақт иккита хатта кўзим тушди. Хатми-аризани, ишқилиб, ўқиб бўлиб, агарларига ўзимча лақаб қўйдим.

ПЕССИМИСТ

Мен, Велор Қудратович Шоҳбердиев, 1949 йили оддий академик оиласида туғилдим. Дадамини танисангиз керак, сизга ўхшаган профессорлар. Лекин ўзим бир ойда икки-уч мартагина кўраман. Чунки доим мен ухлаб ётганда кетиб, яна мен ухлаб қолганда келадилар. Бола-чақадан уйда иккитамиз. Мен билан синглим Динора.

Турмушимиз унчалик яхши эмас. Шаҳарда битта-ю битта ҳовлимиш бор. Ун сотиҳдан ошмайди. Саккиз хоналик, аммо хоналар шунчалик торин, бошингиз айланса, ҳалигадай, бошқа ерингиз айланибди. Ҳаммаёқда мебель, гарнитур, совга-салом, гилам-у диванлар, холлодийниклар, буфетлар, столлар қўйиб ташланган.

Бундан ташқари, битта минилган «Зим»имиз, сал янги «Волга»миз, иккита хизматкор кампиримиз, битта шофёримиз бор. (Дадамини ишхонасига олиб борадиган шофёр бошқа).

Эл қатори бир амаллаб тирикчилик ўтказяпмиз. Меҳмон иелса кўпича хижолат бўлади. Чунки уйимизда гоҳо француз виноси, Ява ноныйл, Туркия сигарети топилади қолди. Синглим ҳам шу нуналарда хафа, Англиядан ошланган туфлиларни соб бўлиб, ҳозир ноилжолликдан чех туфлисини кийиб юрибди. Ойим-гиларнинг бўлса, учтагина араб кўйлаги билан битта оқ айик, битта йўлбарс терисидан тикилган шубалари қолди. Мен ҳам тўртта япон транзисторини бўзиб қўйиб, мана энди нуни «ВЭФ»ларга қилиб юрибман.

Ўзим кўп қийинчиликлар билан катта бўлдим. Айниқса шахсий шофёрибсиз ёмон азор берди менга. Ун икки йил мактабда ўқиган бўлсам (ўқитувчиларнинг айби билан икки йил синфда қолганман), шу ўн икки йил ичда оёғим бир марта ер иснаб мактабга бормади. Нукул машинада бориб келаман. Утираверман, утираверман, сонларим огриб кетади. Бензин ҳидига кўнглим айнийди. Трамвайда юрганларга ҳавасим келади. Лекин трамвайлар тикилинч, машинаси йўқлар юрсин, унда кейин, бирояримнинг оёғини босиб олиб хафа қилиб қўймай дейман. Майли, менга қилин бўлса бўла қолсин, машинада юра турар деб кўлман ўзимча.

МУҚОВАЛАРДА: Биринчи бет — 1. Тошкент, Ленин кибони. 2. Россия-лин қурувчилар. 3. Алишер Навоий ҳайкали. Г. ГРАФИНГ фотолари. Тўртинчи бет — ТашГРЭСнинг бошқарув маркази. М. ПЕНСОН фотоси.

Айтмоқчи, эски дачамиз ҳам бор. Шаҳар чеккасида. Уша дача ҳам тинкамни қўрипти. Баҳорда у ёққа кўч, кўзда бу ёққа кўч. Тинка туравериш товоини тешилади. Боғда бўлса кун бўйи қушлар чугурлаб бошимни огритади, тунда жим-жит — қўриб чиқаман. Ахир хизматкор кампиримизга ялинман. Бир пивлагина «Прага» пивосидан кўйиб беради. Отиб оламану ухлаб қолман. Умуман айтганда «Прага» бўлмайди. Ичаверасан, ичаверасан, — кайф қилай демаяди. Шотланд вискиси бошқа гап. Бир култур ютдинг — ёпиштиради...

Қўриб турибсиз, хурматли ўртоқ ректор, турмушимиз сиз уйлағанчалик яхши эмас. Дада билан ойимнинг топанларини учма-уч бўлади нукул. Шунинг учун мени албатта стипендияга ёздириб қўйсангиз. Ҳарна рўзгорга ердан. Агар стипендия беришмаса ўқишим кийин, жуда кийин.

Хўп, хайр, ўртоқ ректор, сиздан яна бир марта ялиниб стипендия сўраб қолувчи:

ШОҲБЕРДИЕВ В. Қ.

Эслатма: Кечирасиз, ўртоқ ректор, меннинг стипендия сўраганимни дадамларга айтманг.

ОПТИМИСТ

Ассалому алайкум, домла! Менинг отим Хусан, Ҳаким подачининг ўғлиман. Наманганнинг Гулбулоқ қишлоғидан бўлман. Қишлоғимиз жуда аломат. Бутун Ўзбекистонни айлансангиз ҳам бизнинг қишлоқдаги чиройли ерни топишингиз қийин.

Биз тарафларда ҳали тўққиз қаватлик уйлар қурилгани йўқ, трамвай, театр, цирк деган гаплар ҳам йўқ. Лекин барбир қишлоғимиз яхши. Ер кўп, ҳаммаёқ бог, кўм-кўн ўт!

Отам ўттиз йилдан бери пода боради. Мен энди йигирмага чиқдим. Муҷалим сигир. Тақдирни қаранг-ки, билгандай сигир йилда туғилибман. Подачининг ўғлиман-да!

Оилада энг каттаси ўзим. Яна саккизта ўкам бор. Тўрт киз, беш ўғилмиз. Лекин-чи, домла, Баҳодир деган битта иним бор, Баҳодир деса — дегудай. Нукул менинг эсини-тусинимни кийиб, катта бўлган. Энди сизмай қолди. Яхши ўқиганим учун бурноғи йили мактаб бир ботинка совга қилувди. Икки йил кийдим. Бу ёққа келишда шунини Баҳодирга берсам, сизмай ўтирибди-да! 42 размер бўлса кетар эмиш. Оёқми бу, косоми деб уришиб бердим.

Турмушимиз жуда яхши. Анабатовур боғимиз бор. Минг метрдан кам эмас. Ҳар йили мева-чевасини сотиб, укаларимга кинто-дфтар олиб бераман. Дарахтларнинг тагига пивз экиб, рўзгордан ортганини сотамиз. Қишда қанд-чойга етиб туради.

Уйимиз ҳам яхши. Икки хона, олди узун айвон. Мен туғилган йили солинган экан. Эндиги йили сизгиримиз яна турса, сотиб томага шифер олмоқчимиз.

Ёз бўйи отамга қарашаман. Ҳозир бели огрийдиган бўлиб қолган. Эллиқдан ошди-да. Каникул бошланди дегунча отамни уйга қўйиб, ўзим подага кетаман. Сигирларни ёйиб юбориб, Қайнардан мажнунтол излайман. Еш, юшоқ новдаларни кесиш қичиб човли тўқийман. Нега дейсизми? Шунчани, эрмакка. Кейин меҳнатим ҳам нуймайди. Ун-ўн бешта бўлганда кўча-маҳалламиздаги хотинлар талашиб кетади. Олмайман десам, қўймай бир сўм-икки сўм беришади. Уч ой ёз тўплаган пулимга кейин мактаблин сотиб оламан.

ГУДНИНГ ТИКАНИ

Гоҳо ов қиламан. Битта този итим бор. Тулкининг қиронини келтиради. Кучуқлигида олиб боққанман. Биласизми, домла, тозини қандай танлаш керак? Мана, сизга този керак дейлик-а? Ит болалаганда кучуқларни битта-лаб тарозидан тортасиз-да, энг огирини танлайсиз. Шу — яхшиси бўлади. Кейин нукул сут билан боқасиз. Катта бўлганда тулкининг қоринини ёриб, унинг оласи-у, тозининг бурнига қўйсиз. Тамом, бу тозидан тулки қочиб қутулмайди.

Бултур бир қизил тулки ушлаб олувдим. Терисини давлатга ўтказсам эллиң сўм беришди. Дарров оймига янги бахмал пальто олиб бердим.

Ана шунақа қилиб яшяпмиз, домла. Хуллас, гапнинг қисқаси, аввало мени подачининг ўғли демая, институтга олганларингиз учун раҳмат. Асли келмоқчи эмас эдим, дадамлар қўймади. Кўзимнинг очигида ўқиб ол, укаларингиз бош бўласан, деди. Қолаверса, мен стипендия сўрамайман. Қийналганларга бериш керак. Менга фақат ётиб юрадиган бир жой берсангизлар бўлгани. Ижарага бўлсам турақолай, деб, кўп уй изладим, қўлайроғи топилмади. Тошкентда ер қимирлаб кўп уйлар бузилиб кетибди.

Сизга яна бир раҳмат айтиб: гулбулоқлик Ҳасан ҲАКИМОВ.

ЯНА АВТОРДАН

Бу икки ариза миямга қаттиқ ўрнашиб қолган эканми, сира тинчлик бермапти. Гулбулоқлик Ҳасан Ҳакимов нима бўлди экан? Ётоҳона олабдилмикан? Ишқилиб, олган бўлсанда...

Саъдулла СИЕВ.



Рассом В. ДУМКИН.

— Қўлингизни тинчилатаверманг, кўрломлапман!..

Бош редактор — Асқад МУХТОР.

Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАММЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Ҳамидулла НУРУЛЛАЕВ (бош редактор ўринбосари), Уктам ОРИПОВ, Эмиль РЎЗИБОВЕВ (бош расм), Ваҳоб РЎЗИМТОВ (масъул секретарь), Обид СОДИҚОВ, Олим ХУҲАЕВ, Саид ШЕРМУҲАММЕДОВ, Қомиль ЯШИН, Муҳаммадҷон УРОЗБОВЕВ.

«Гулистон» — общественно-политический и литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Корректор М. МУМИНОВА.

Техредактор М. ЕФИМОВА.

Адресимиз: Тошкент, 47. Карл Маркс кўчаси, 30-уй. Редакция телефонлари бош редактор — В-33520, бош редактор ўринбосари — В-33590, масъул секретарь — В-33602, ижтимоий-снесья бўлими — В-33602, адабиёт ва санъат бўлими — В-33519, фан ва маданият бўлими — В-33519.

Босмахонага туширилди 4/У-70 й. Босишга рухсат этилди 16/VI-70 й. Қоғози 70×108/8. Ҳажми 4 босма тобон. Буюртма 1966. Тиражи 178 100. Р 07708. Ваҳоси 30 т. Нашр. Г-3611.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент.

ЯНА БИР ЛАУРЕАТ

Пойтахтимиз томошабинларига манзур бўлган ижодий коллективлардан бири — Қрим-татар рақс ансамбли «Қайтарма»-дир. Бу коллектив ҳали ёш. У ўз фаолиятини 1957 йил март ойидан бошлади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Илёс Бахшиш ансамблга асос солди, унинг бадний раҳбари бўлиб қолди. У балетмейстер Аким Желилов билан биргаликда тинимсиз иш олиб борди, ёш талантларни қўл билан тарбиялади. Натижада Энвер Билялов, Алия Усенова, Селима Челебиева, Энвер Саттаров каби рақс усталари етишиб чиқди.

Ансамблининг ижодий коллективи доҳий Ленин юбилейини муносиб қўтиб олди. Юбилей программаси учун ансамбль Ўзбекистон ССР Ленин комсомоли мукофотиغا сазовор бўлди. Ҳозир ансамбль коллективи гастролда. У республикамизнинг деярли барча областларида ўз санъатларини намойиш қилади.

Г. ГРАФКИН фотоси.



Чўпонлар «Қайтарма»си.

«Рўмолча» ўйини.



